

1971/5

Сила  
№

# ГУЛИСТОН

5  
1971



2010  
3350  
12



Ўз ССР да ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ  
ҲОСИЛ ҚИЛИШ

1970 - 18,3 МЛРД. КЛ.-СОАТ

1975 - 30 МЛРД. КЛ.-СОАТ





# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СИЁСИЙ БЮРОСИ



**Л. И. БРЕЖНЕВ.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари



**Г. И. ВОРОНОВ.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси



**В. В. ГРИШИН.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси



**А. П. КИРИЛЕНКО.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС МК секретари



**А. Н. КОСИГИН.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси



**Ф. Д. КУЛАКОВ.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС МК секретари



**Д. А. ҚУНАЕВ.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси



**К. Т. МАЗУРОВ.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси



**А. Я. ПЕЛЬШЕ.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС МК хузуридаги партиа контроли комитети раиси



**Н. В. ПОДГОРНИЙ.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси



**Д. С. ПОЛЯНСКИЙ.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси



**М. А. СУСЛОВ.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС МК секретари





**А. Н. ШЕЛЕПИН.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий  
бюросининг аъзоси



**П. Е. ШЕЛЕСТ.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий  
бюросининг аъзоси



**В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий  
бюросининг аъзоси



**И. В. КАПИТОНОВ.**  
КПСС Марказий Комитетининг  
секретари



**Ю. В. АНДРОПОВ.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий  
бюроси аъзолигига кандидат



**П. Н. ДЕМИЧЕВ.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий  
бюроси аъзолигига кандидат,  
КПСС МК секретари



**П. М. МАШЕРОВ.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий  
бюроси аъзолигига кандидат



**К. Ф. КАТУШЕВ.**  
КПСС Марказий Комитетининг  
секретари



**В. П. МЖАВАНАДЗЕ.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий  
бюроси аъзолигига кандидат



**Ш. Р. РАШИДОВ.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий  
бюроси аъзолигига кандидат



**Д. Ф. УСТИНОВ.**  
КПСС Марказий Комитети Сиёсий  
бюроси аъзолигига кандидат,  
КПСС МК секретари



**Б. Н. ПОНОМАРЕВ.**  
КПСС Марказий Комитетининг  
секретари





М. С. СОЛОМЕНЦЕВ.  
КПСС Марказий Комитетининг  
секретари



Г. Ф. СИЗОВ.  
КПСС Марказий ревизия  
комиссиясининг раиси

Яшасин 1 Май — меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни!

Яшасин абадий барҳаёт интернационал таълимот, империализмга қарши, социализм ва коммунизм ғалабаси йўлидаги курашда барча мамлакатлар меҳнаткашларининг байроғи — марксизм-ленинизм!

Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Бутун куч-ғайратингизни КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга, тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажаришга сарфлангиз!

Коммунистик қурилишнинг янги муваффақиятлари сари, олға!

КПСС Марказий Комитетининг 1971 йил  
1 Май қақириқларидан

Бугун далаларда ўзга бир чирой,  
Байрам қўшиғидан руҳ олмиш осмон.  
Буюк Ватан узра чарх урар Ҳумой —  
Беш йиллик шаънига қанотли дoston!  
Равон кўчаларда эркин олқишлаб,  
Пўлат иродалар оқими ўтар.  
Бу оқим — байроқни тишида тишлаб,  
Бир қўлида ғишт,  
Бирيدا — бешотар,  
Коммуна деворин тиклаган аждод —  
Октябрь мардларин авлоди эрур.  
Бу оқим — асрнинг дардига нажот,  
Қуёшдек меҳнаткаш, содда ва мағрур!  
Уларнинг нияти

бугун самода —  
Чарх урган каптардек оппоқ беғубор.  
Улар қўшиғидан бутун дунёда  
Ва Инсон қалбида уйғонур баҳор!



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



№ 5 (53) 1971  
Май

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти

Ўзбекистон  
Компартияси  
Марказий  
Комитетининг  
журнали

1925 йилдан  
чиқа бошлаган



ГЕ У-СОР  
41



**Т**

уни билан кўзларига уйқу келмади. Гоҳ ҳаяжонланар, гоҳ ўйлиниб кетар, Москва таассуротлари унинг руҳига, ақлига тинчлик бермасди. Тезроқ, тезроқ тонг ота қолса эди: кадрдон ҳамқишлоқларини, ўзи

униб ўсган шу она тупроқни соғинди у, далаларни айлангиси, ёру дўстлари, дугоналари билан қўл бериб сўрашгиси, кучоқлашиб кўришгиси келяпти. Москвада олган унутилмас таассуротларини ҳаммага бирма-бир сўзлаб бергиси келяпти... Йўғ-э, уларни сўзлаб адо қилиб бўлармиди! Бутун дунё коммунистлари, эрқарвар инсониятнинг фикр-ёқини, ақлини бир неча кун банд қилган бу улуг йиғинни, совет кишиларининг яна ҳам бахтли, яна ҳам фаровон яшаши учун улуг режалар тузиб берган бу сьезддан олган таассуротларини оддий сўзлар билан ифодалаб бўлармикан!

Йўқ, бари бир уйқу келмади, ўрнидан туриб ҳовлига чиқди. Ҳава илиқ, мусамфо, эпкинди шамол аллақаврдан олма гулининг ҳидини келтиради. Ҳали атроф қоронғи, шу сабабдан бўлса керак, кўкдаги юлдузлар чарақлаб кўзни олади.

Қўшни ҳовлида қанотларини қоқиб хўроз кичқирди.

— Ҳадемай тонг ҳам отади,— шивирлади Умринисо опа.

Ҳойнаҳой эрталаб уни куллуф сафардан эсон-омон қайтгани билан муборакбод қилгани кўни-кўшнлар, ўз сьездларига уни делегат қилиб сайлаган коммунистлар, колхозчилар келишади. Унгача далаларни айлиниб келгани маъқул: ариқлар тозаланиб бўлди, чигит қандай экилди, уничи дурустми, ўғитларни далаларга чиқариб олишди, сигирларнинг хашаги нима бўлди, тракторлар экиш маҳалида тўла ишладики ёки ярми «дам олиб» ётиб қолдики...

Йўқ, нима бўлганда ҳам далаларни бир айлиниб келиши зарур.

Умринисо опа ювинди, муздек сув баҳридлини очгандек бўлди, фикри тиниқлашиб, руҳи енгил тортиди. Далага жўнади. Бу қишлоқнинг ҳар бир дарахти, ҳар қарич ери унга таниш, қадрдон. Ҳу анани чўзқ пайкалдан ўтган йили 31 центнердан оқ олтин олишган, мана бу тутларнинг йиғирматаси бир қути уруғни бемалол тўйғизади...

Қизариб тонг ота бошлади.

Пайкал этагида кимдир юрибди, бригадирмикан, бунча барвақт турмасе! Йўғ-э, Ҳамид ота-ку...

— Ассалому алайкум, ота.

— Ие, раиса қизимиз-ку, тушимми, ўнгимми?

— Келдим, отахон, кеча кечқурун келдим. Ўзингиз бунча барвақт турмасангиз, ҳеч тинчимас экансизда?

— Еш бир жойга боргандан кейин, раиса қизим, одам кам уйқу бўлиб қоларкан. Ётаверасан, ётаверасан, қани энди кўз курғур бундай бир илниса, юмшоқ кўрпа биқинингга тахтадей ботади. Мана шу тутлар ўтган йилга сувга қонмади. Қаранг, барг ёзолмай, сувсизраган қақалоқдек тамшаниб турибди. Бис сувга қондирай дедим... Қалай қизим, катта мажлисини эсон-омон ўтказиб қайтиларингми?

— Раҳмат, отахон.

— Лекин, раиса қизим, мажлисларинг чакана ўтмади. Газетадан, радиодан билиб турдик. Ҳукуматимиз кам бўлмади, ердан тупроқ олса олтин бўлади, негаки, ҳамisha яхшилиқни ўйлайди, каттаю кичикнинг бошини сийлайди...

Умринисо опа эсини танигандан буён Ҳамид ота шу атрофда сувчилик қилади, на кечани билгани, на кундузнини. Ҳамишса далада, қўлда кетмон. Опани раискича сайлаганлар ҳам шулар бўлди. «Механизатор қизимизни раис қилиб сайламасак бизнинг кўнглимиз жойига тушмайди...» деб райкомга ариза ёзиб боришди... Уша йиллари колхоз кўчиб қолганди, гектаридан бор-йўғи 13 центнердан ҳосил оларди — на омборда дон бору, на кассада пул.

Умринисо опа ўзи механизатордан чиққан эмасми, биринчи ишни тракторчиларга раҳхўрлик қилишдан бошлади. Бошқа хўжалиқлардан қарз сўраб бўлса ҳам шуларнинг машидини вақтида бердириб турди. Авваллари тракторчилар фалон гектар ерни чопиқ қилдик деб,

тракторнинг гилдираги қанча кўп айланса, шунча кўп ҳақ талаб қилишарди. Еш раиса бунин бекор қилди, олинган ҳосилга қараб ҳақ тўлашни жорий этди. Шундан сўнг тракторчиларнинг пахтазор оралаб «ким ўзарга» қиладиган пойгалари тугаб, ўзани чуқурроқ култивация қиладиган бўлишди, ҳамма мўл ҳосилнинг ташвишига тушиб қолди.

Уша йили ҳосилдорлик бирийла саккиз центнер кўтарилиб, одамларнинг кайфиятига таъсир қилди, кишиларда юқори ҳосил олиш мумкин экан деган ишонч туғилди.

Еш раиса ўша пайтларда кундалигига қўйидаги сўзларни ёзиб қўйди: «Тўрт нарсани доим ёдимда тутишим керак экан: колхознинг каттаю кичигига бирдек меҳрибон бўлиш, механизацияга астойдил суяниш, ўғитдан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш, сувга хушёр бўлиш». Умринисо опа бугунги деҳқончиликни буларсиз тасаввур қила олмасди, правление ёзоларига ҳам шу фикрни маъқул қилдирди. Натига чакки бўлмади. Утган йили колхоз гектаридан 29 центнердан хирмон кўзтарди.

Қозонда бўлса чўмигча чиқади деганларидек, даромад ошиб кассага пул тушгач, колхозчиларнинг турмуш маданиятини ошириш имконияти ҳам туғилиб қолди. Хонадонлар ёппасига газлаштирилди, электр туширилди, водопровод ўтказилди, колхозчиларнинг 70 фоизига яқини янги уйларга кўчиб ўтди.

Халқ йўлида қилинган меҳнат зое кетмас экан, бундай кишининг эл ичиде обрўси ошар-

кан, азиз-мўътабар бўларкан. Колхозчилар ўз раисаларини Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб кўрсатишди. Область коммунистлари эса донг таратган ёш коммунистни шонли КПССнинг XXIV сьезидега делегат қилиб сайлашди.

Умринисо Ҳасанованинг бундай эъозланишида мана шу ширин уйқусидан кечиб, тонг палласида дала кезиб юрган отахоннинг ҳам хиссаси бор. «Биргина у эмас,— фикрдан ўтказарди раиса,— Назир ота, Турсун амакиларчи, Тўхтаўжа, Исроилжонга хўшаган сув келса симириб, тош келса кекириб йил сайин мўл «оқ олтин» ундирётган механизаторларчи, ишчанликда тенги йўқ Менгсулов, Шамаларингиз олдида қарздорман, бу ҳурматлар учун сизларга таъзим қиламан! Сизлар туфайли колхоз равнақ топяпти, сизлар туфайли унинг доврўғи ошяпти».

Опаннинг қалби тўлқинлидан кетди. Ҳамид отага илиқроқ бир сўз айтгиси келдию, ҳадеганда шунақа сўз тилига келавермади.

— Раҳмат, ота!

— Йўғ-э, қизим, нимасига раҳмат бунинг. Шунчаки ўзимиз қиладиган иш-ку бу...

Йўл чеккасида енгил машина келиб тўхтади. Партком Абдураҳмон бўлса керак. Ҳа, ўшанинг ўзи. Оқшом, эрталаб барвақт келаман, далани бирга айланамиз деб раисага ваъда бериб кетган эди.

— Худди ўзим ўйлагандек бўлипти-да, опа!— деди йигит омонлашгач.

# ДЕЛЕГАТ

## ҚИШЛОҒИГА

### ҚАЙТГАНДА



— Иимани ўйлаган эдингиз?— сўради раиса.  
— (Ламиз сабри чидамай, дала айланмишга кечасиёқ чиқиб кетар деб кўнглимдан ўтказган эдим.

— Далаларни соғиниб қолибман, Абдурахмон.

— Ернинг меҳри-гиёси бор, ўзига тортади дейишади.

— Қайдам.

Олисроқ бўлгани учун аввал учинчи бригада ерларини кўздан кечиришмоқчи, экишда бошқаларга намуна бўлган ўша бригада аъзолари билан кўришмоқчи бўлишди. Машина кўзгалгач:

— Шундай қилиб, ишлар чакки эмас дент?— сўради раиса шунчаки гап бошлаш учун.

— Чакки эмас, опа, Коммунистларимиз, фақат коммунистларгина эмас, бутун колхозчиларимиз сьезд ўтаётган кунлари бошқача кайфиятда ишлашди, сьездимизга меҳнатимиз совға бўлсин деб, экишни ҳам мўлжалдан уч кун олдин тугатдик, ўзиям кечасию кундузи иш бўлди-да.

— Ростданими?

— Рост. Сьезд йилида ҳосилдорликни 30 центнердан ошириб юборамиз, дейишяпти.

— Сиз ҳам агрономдан чиққансиз-ку, ўзингиз нима деб ўйлайсиз?

— Менми? Менимча ҳам, 30 дан оширса бўлади. Утган йили сувимиз олислик қилиб, икки центнер ҳосил йўқодик, тўғрими, опа?

— Тўғри. Абдурахмон, бу йил кўшимча сув топиш йўллари ахтаришимиз керак.

Шу йўсин қолақ бир колхозни республикага донги кетган илгор хўжалик даражасига кўтаришда бир-бирига кўмакдош, бир-бирига маслаҳатчи, бир-бирига ёрдамчи бўлган икки раҳбар, колхозчилар, колхознинг истиқболи, бу йилги деҳқончиликнинг бориши хусусида суҳбатлашиб боришарди. Опа баъзан чигит ташланган ерларни айланиб кетар, экилган чигитни кавлаб олиб гоҳ ҳидлар, гоҳ тишлаб кўрар, ҳовучига тупроқ олиб намлиги, ҳароратини ўлчаб боқар, гўзаси униб чиққан ерларни кўриб, ёш боладек қувониб кетар эди. У Москвада, Сьездлар саройида ўтириб колхознинг беш йиллик истиқбол планини қайтадан кўриб чиқиш зарур деган хулосага келганлигини айтди.

— Нега энди, опа, ахир биз у планини жуда пухталаб тузган эдик-ку?— сўради партком.

— Йўқ, жуда пухта эмас экан,— шоммасдан тушунтира бошлади раиса,— Партия ва Ҳукуматимизнинг деҳқонга бераётган ёрдамлари даражасида эмас экан. Пахтаимизнинг ҳосилдорлигини камида ўттиз беш центнерга етказишимиз керак. Сут билан гўштни кўпайтирамиз дебмизу, молларнинг зотини яхшилашни ўйламамиз. Тўғрими?

— Тўғри айтасиз, опа, бу ёғи сал хомроқ эди.

— Масалан, пиллани олайлик. Мана қаранг, карталарнинг марзасини ажриқ босиб ётибди. Нега ҳаммасига тут кўчати экиш мумкин эмас? Мен янги мактаб, катта клуб, марказий болалар богчаси қуришни ҳам ўзимча ўйлаб қўйдим. Кишлоғимизни овод қилиш планини шунақанги бошлаб тузайликки, уни амалга оширгач, кишлоғимиз худди шаҳардек бўлсин... Мен ўртоқ Брежневнинг докладини тинглаб ўтириб, мана шулар ҳақида ўйладим... Йўқ, Абдурахмон, биз энди ишни бутунлай бошқача ташкил қилишимиз керак.

— Баландга чиқсанг, узоқни кўрасан деганларидек, опа, сиз анча ўзгарибсиз.

— Эҳтимол...

Ўша куни нонушта маҳалигача раиса колхознинг саккиз юз гектарлик пахта майдонини кўздан кечириб чиқди, кўнгли таскин топгандек бўлди. Учинчи, бешинчи бригадалардаги ишининг боришини кўриб ўзида йўқ севишдек кетди. Завено бошлиги, донг чиқарган механизатор Ислам Усмоновнинг ерларида яшил квадратлар шунақанги текис унибдики, худди қўл билан териб қўйилгандек...

— Москва таассуротларини қачон эшитамиз?— сўраб қолди партком Абдурахмон Ҳайдаров қишлоққа қайтаётганларида.

— Кечқурун митинг ўтказамиз деясиз-ку.

— Тўғри, опа, кечқурун колхозчилар тўпланишмоқчи.

— Таассуротларини ўша ерда бийрўла сўзлаб берарман.

**Худойберди ТУХТАБОВ,**

Ўрта Чирчиқ район, В. Терешкова номидаги колхоз

## Космосда янги жасорат

Космонавтлар Владимир Александрович Шаталов, Алексей Станиславович Елисеев ва Николай Николаевич Рукавишников ўртоқлардан иборат экипаж бошқарган «Союз-10» космик кемаси «Салют» станцияси билан бирга илмий-техника тадқиқотлари программасини бажариб бўлганидан кейин, 1971 йил 25 апрелда Москва вақти билан соат 2 дан 40 минут ўтганда Қарағанда шаҳрининг 120 километр ғарби-шимолида муваффақиятли равишда оҳишта кўнди.

«Салют» орбитал илмий станцияси билан биргаликда икки кун давом этган учиб вақтида бир-бирини қидириб топадиган, узоқдан келиб ақинлашадиган, ёндаширадиган, космик кема билан автомат станциясини бир-бирига туташирадиган ва ажратиб юборадиган тақомиллаштирилган системаларнинг қандай ишлай олишини текшириб кўришга доир тадқиқотлар комплекси бажарилди.

«Салют» орбитал илмий станцияси билан аэкспериментлар қилиш давом эттирилди.



Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Владимир Александрович ШАТАЛОВ



Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Алексей Станиславович ЕЛИСЕЕВ



Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Николай Николаевич РУКАВИШНИКОВ

## МЕҲНАТ БАЙРАМИ

1971 йил, 17 апрель. Советлар мамлакатининг барча меҳнаткашлари ленинча коммунистлик шанбаликка чиқдилар. Партияимиз XXIV сьезди қарорларини бажаришга астойдил бел боғлаган Ўзбекистон ишчилари, деҳқонлари, зиёиллари ҳам бу кунни меҳнат байрамига айлантириб юбордилар. Марғилон «Атлас» фирмаси коллективи шанбаликда 30 минг сўмлик шохи газламалар тўқиб, беш йиллик фондида ҳада этди. Каттақирғон пахта тозалаш заводи ишчилари 125 тонна толь, 15 тонна момиқ ишлаб чиқарди. Бухоро ремонт-механика заводи ишчилари тежалган ашё, ёнигли, электр қуввати ҳисобига 4 контейнер, 7 тележка, ўнта электр двигателини ремонт қилдилар.

Пойтахтимизнинг Киров районида шанбаликда саксон мингга яқин киши иштирок этди. 370 минг сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланди. Амударё этакларидаги шиликорлик хўжаликлари, Қарши, Сурхон-Шеробод даштлари, Мирзачўл, Фарғона водийсида ҳам шанбалик меҳнат, бунёдкорлик байрамига айланиб кетгани ҳақида хушхабарлар келди.

Шу кунни ўқувчилар ҳам ота-оналари, ака-опалари қатори меҳнат байрамида иштирок этдилар. Тошкентда 150 минг, Бухорода 41,5 минг, Самарқандда 27 минг бола коммунистлик шанбаликка қатнашди. Нукус пионерлари шу кунни қадрдон шаҳарларида 5 гектарлик катта «Дўстлик боғи» ўтқаздилар. Республикаимизда ленинча шанбалик ана шундай ўтди.



# БИЗНИНГ ЙЎЛДОШИМИЗ

«Мухбир» саҳифалари ўқувчиларнинг дидига монанд безатилмоқда. Изланувчан суратнашларнинг энг дуруст суратлари галлаб берилмоқда.

Энг муҳими — «Мухбир»га эндигина қўлига қалам ёки фотоаппарат тутган мухбир ва фоточи ҳаваскор ўзининг илк ижод намуналари билан қатнашиб туриш имкониятига эга. Утган йили «Ленин голяри билан яшамоқдамиз ва курашмоқдамиз» деган фотоконкурсга мен ҳам ўзининг фото суратларим билан қатнашдим. Менден оддий фото ҳаваскорининг суратларини «Мухбир» яхши баҳолади. Бунинг учун редакциядан миннатдорман.

Журнал саҳифаларида суратлар бериб бориш тўғрисида баъзи мулоҳазаларимизни ҳам айтиб ўтмоқчиман. «Мухбир»да «Жонажон ўлкамиз бўйлаб» рубрикаси очилсаю, унда республикамизнинг турли бурчакларидан суратлар бериб борилса... Чунки ўлкамизда фотомухбирнинг қадами етмаган жойлар жуда кўп. Ўзбекистоннинг гигант қурилишлари, меҳнатсевар одамлари, гўзал табияти ҳар қанча мадҳ қилинса арзийди.

Биз ҳали фотографиянинг кўп сирларини тўла эгаллаганимизча йўқ. Шунинг учун бу мавзуда бериладиган махлаҳагларга муҳтонимиз. Ростини айтганда, «Мухбир»да худди шу мавзу нам ёритилайтир. Энг пешнадам фотомухбирлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашсалар, биз хурсанд бўлар эдик. Албатта, «Мухбир» бу борадаги исталаримизни ҳисобга олади, деб ўйлаймиз.

С. ШАРОФИДДИНОВ,

Ўрта Осиё кемаСОЗЛИГИ бошқармасининг денгизчиси

Чоржўй шаҳри



«Мухбирлар йўлдоши» — «Мухбир» журнали дастлаб шу ном билан чиққан эди.

## мухбир

## МЕҲМОНИМИЗ

## ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАМКОРИ

Ўзбекистон матбуот ходимлари учун махсус профессионал нашр яратиш фикри аллақачонлар — ўлкамизда Улуғ Октябрь социалистик революцияси галаба қозонган дастлабки кунлардаёқ тугилди. Мазлумки, Туркистон Коммунистик партияси ва ҳукумати Ўрта Осиёда Совет тузуми қарор топиши билан аксил-инқилобий газеталарни тугатиш ҳамда марказда ва жойларда чинакам халқ матбуоти яратиш учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширди.

Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 28 мартда чиқарган Декретига асосан барча босмаҳона ва тошбосмаҳоналар национализация қилинди. Ноябрь ойда эса Туркистон Марказий Ижроа Комитети ҳузурда матбуот бюроси тўзилди. Шу йилнинг ўзидеёқ «Наша газета» ва ундан кейин «Иштирокион», яъни ҳозирги «Совет Ўзбекистони» газетаси нашр этилди. Газета вақти-вақти билан матбуот ходимлари, ишчи-деҳқон ва солдат мухбирлар учун журнал ва бюллетенлар чиқариб турди.

1918 йилнинг 15 июлида Тошкентда матбуот ходимларининг биринчи журнали «Туркистон матбаачиси» босмадан чиқди. Миллий чегараланишдан кейин, 1924 йилда «Туркестанская правда» ўрнига «Правда Востока» газетаси чиқа бошлади. Шу муносабат билан матбуот ходимлари учун аввал «Наш рабкор», иккинчи йилдан сўнг «Трибуна рабкора» ҳафталик журнали чиқарилди. 1928 йилдан бошлаб эса «Мухбирлар йўлдоши» журнали нашр этила бошлади.

«Мухбирлар йўлдоши» журнали коллективлаштирил, мамлакатни индустрлаш, беш йилликлар, стахановчилик ҳаракатини оммалаштириш бўйича катта ташкилотчилик ва тарғиботчилик ишларини олиб борди.

1939 йилнинг март ойдан бошлаб «Мухбирлар йўлдоши» журнали «Большевиктик матбуот» номи билан чиқа бошлади.

1941 йилнинг июнь ойда Улуғ Ватан уруши бошлангани сабаби бошқа бир қанча

нашрлар қатори бу журналнинг босилиши ҳам тўхтатилди.

Улуғ Ватан урушидан кейин, 1952 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг агитация ва пропаганда бўлими бу нашрни қайта тиклади. У дастлаб «Маҳаллий матбуот ходимларига ёрдам» номи билан бюллетень тариқасида икки ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида нашр этилди.

1965 йили «Маҳаллий матбуот ходимларига ёрдам» бюллетени «Ўзбекистон матбуотини ойллик журналга айлантирилди. 1969 йилнинг январидан бу журнал «Мухбир» номи билан «Совет Ўзбекистони» газетаси ва Ўзбекистон журналистлар союзининг нашри бўлиб икки тилда чиқмоқда.

«Мухбир» журнали ҳозирги кунда матбуот, радио-телевидение, нашриёт, китоб савдоси, ишчи-қишлоқ мухбирлари ва алоҳа ходимларининг катта трибунаси бўлиб қолди. Журналда «Ленин бизнинг байроғимиз», «Ленин мактабининг публицистлари», «Ҳаёт, Идеология, Матбуот», «Матбуот обзори», «Тажриба, ташаббус», «Район матбуоти», «Газета жанрлари», «Журналист ва ёзувчилар клуби», «Журналистлар ижодидан», «Ҳамкасбларимиз», «Бизнинг сўхбат», «Ўзбекистон матбуоти тарихидан», «Телевидение ва радио», «Ишчи-деҳқон мухбирлари университети» ва бошқа рубрикалар бор.

Журнал Ўзбекистонда нашр этилаётган 109 район газетаси, 8 шаҳар газетаси, 20 область газетаси редакциялари билан доимо алоқада ва ҳамкорликда. Шунингдек, у республика миқдосидаги 17 газета ва 57 журнал редакцияларининг иш тажрибаларини ҳам оммалаштириб боради. «Мухбир» — журналистларимизнинг ҳамкоридир.

Эндиги энг муҳим вазифамиз — жонажон партиянинг XXIV съезди қарорларини ҳар бир совет кишини онгига етказишда журналистларга ҳар тарафлама кўмаклашишдир.

И. ХУЖАЕВ,

«Мухбир» журнали бош редактори ўринбосари

## Журналистман

Журналистман, тинмайман асло,  
Ўлкам бир боғ, унда кезаман.  
Мадҳ этаман юртим камолин,  
Сўз дурини ипга тизаман...

Чўпон — дилдан севган ўртоғим,  
Бинокорга дўстман — жонажон.  
Ишчи билан инженер доим  
Юрагимга яқин, қадрдон.

Элга хизмат қилмоқ одатим,  
Мени шунга ўргатди ҳаёт.  
Дилни дилга пайванд этишдек  
Орзу мемага бахш этар қанот.

Меҳнат ишқи ёндирса қалбинг,  
Кўзларингга уйқу инмасан...  
Шул сабабдан дейди ошiqқ дил:  
Жасоратни куйла тинмасдан.

Р. ЭШОНКУЛОВ,

Зомин райони «Шарқ тонги» газетасининг адабий ходими

## Дўстимга

Гоҳо бўрон,  
Гоҳо тўполон,  
Гоҳо олов пурқайди қуёш,  
Қўпоқ кўйиб қурра кўксига,  
Син антенна —  
Айлайди бардош.  
Бевош шамол бермоқ бўлар панд,  
Гоҳо қунаб, гоҳо титрар замин.  
Антенна жим,  
Хаёлларга банд —  
Кузатади ҳаёт оқимин.  
Ҳавас билан тикилиб ўнга,  
Мен бир ажим ўйга толаман:  
Мухбир дўстим,  
Сени гоҳ унга —  
Мўқозса қилиб қоламан.

Н. САЪДУЛЛАЕВ,

ТошДУ журналистика факультетининг студенти





## УЛАР БИРИНЧИЛАРДАН ЭДИ

Бу саҳифада сиз кўриб турган фотосурат «Правда» газета редакцияси фоторепортёрларидан бири томонидан ролпа-роса 45 йил муқаддам Москвада олинган бўлиб, ўзбек журналистикасига бевосита алоқадордир.

Суратда Мария Ильинична Ульянова билан ёнма-ён Ўзбекистон ишчи-деҳқон мухбирлари делегациясининг аъзоларини кўриб турибсиз. Унда «Правда Востока» редакциясининг вакили, Урта Осиёда ишчи ва деҳқон мухбирларининг оммавий ҳаракатини ривожлантиришга кўп куч ва ғайрат сарфлаган Юрий Кугель турибди. Юрий Кугель ўша вақтда «Правда Востока» газета редакциясида ишчилар ҳаёти бўлимига бошчилик қилар эди.

Кугель билан ёнма-ён «Қизил Ўзбекистон», «Камбағал деҳқон» ва «Янги Фарғона» газеталарининг Андижон округ, Шахрихон уездидаги актив деҳқон-мухбири Жамолиддин Низомидинов турибди. Уша пайтда Ж. Низомидинов «Кўшчи» союзи маҳаллий ташкилот раисининг ўринбосари ва секретари бўлиб ишлар эди. Матбуот ишида актив қатнашиш мухбирнинг маданий-сиёсий жиҳатдан ўсишига ёрдам берди: кўп ўтмай у партия ишига кўтарилди. Бир неча йил давомида Андижон областида район партия комитети (ҳозирги Москва район комитети)нинг секретари бўлиб ишлади. Уртоқ Низомидинов 1926 йилдан буён Коммунистик партия аъзоси. У ҳозир ҳам жамоатчи мухбир сифатида матбуот ишида актив қатнашмоқда.

Чалда, энг четда делегация раҳбари, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг вакили, 1964 йилда вафот этган таниқли ўзбек журналисти Аҳмаджон Ёқубов турибди. А. Ёқубов ўз ҳаётининг сўнги йилларида республикадаги энг

йирик нашриётлардан бири — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриётининг ишига бошчилик қилди.

А. Ёқубов ёнида Юқори Чирчиқ районидagi Каардан қишлоғидан деҳқон-мухбир Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев ҳам бўлган. Афсуски, суратнинг Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев тасвирланган қисми йиртилиб кетган. П. Сиддиқхўжаев энг актив деҳқон-мухбирлардан бири эди.

Москвадан жўнаб кетганидан кейин кўп ўтмай, «Правда» газетасига йўллаган хатида П. Сиддиқхўжаев бундай деб ёзди: «Устозимиз Ленин бошлаб берган буюк ишни амалга оширишга ёрдам берман. СССРнинг узоқ бурчакларидан бирида яшаганим ҳолда ёш новдаларнинг гуллашига қўмақлашман, ўтмишнинг қора меросига қарши тинмай курашман, Октябрь революциясининг самараси бўлган Қизил матбуотни кенгайтириш йўлида хизмат қиламан».

«Қизил Ўзбекистон», «Камбағал деҳқон», «Батрак» газеталари, «Муштум» журнали саҳифаларида унинг жуда кўп турли мақолалари ва корреспонденциялари босилиб турарди.

Жонажон қишлоғига қайтиб келгандан кейин П. Сиддиқхўжаев ҳамқишлоқларининг йиғилишида кенгаш тўғрисида доклад қилди. Бу йиғилишда 120 дан кўпроқ деҳқон қатнашди. Сўнгра у Тошкент округидаги Хитойтепа волости район ижроия комитетининг пленумида деҳқон-мухбирлар ҳаракати ва Бутуниттифоқ Учинчи кенгаши тўғрисида батафсил доклад қилди. Пленум унинг доклади юзасидан волостада кенгаш қарорларини амалга оширишга, деҳқон-мухбирлар ҳаракатини ўстириш ва уларнинг сафига энг камбағал деҳқонларни жалб этишга ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Пленум қарори «Правда» газета редакциясига ҳам юборилди.

## СЎЗ ҲАҚИДА СЎЗ

Кўнгул дуржи ичра гуҳар — сўз дурур,  
Башар гулшанида самар — сўз дурур.

Сўзни кўнгилда пишқармагунча тилга  
келтурма,  
Ва ҳар неким кўнгилда бор — тилга  
сурма.  
НАВОИЙ

Авал ўйлангиз, сўнгра сўйлангиз:  
Девордин аввал кўйилур негиз.

САЪДИЙ

Кам гапиру сўзни танла мисли дур.  
НИЗОМИЙ

Сўз — кўнгил жилвасин шоҳиди.  
ЖОМИЙ

Кимки қисқа сўзда дейди кўп маъно,  
Равонлик бобида ул киши аъло.  
ФИРДАВСИЙ

Авторнинг қалбида йўқ нарса унинг  
ёганлариди ҳам бўлмайд.

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ

Жангчининг қуроли милтиқ бўлса,  
адибнинг қуроли — тил, қурол қанчалик  
яхши бўлса, жангчи шунчалик  
кучли бўлади.

А. М. ГОРЬКИЙ

Услуб биллурга ўхшайди: ярқираш  
тозалигига боғлиқ.

В. ГЮГО

Ёзиш санъати — ихчамлик санъати де-  
макдир.

А. П. ЧЕХОВ

Фикрларнинг қандай жойлашишини  
ва тўғри ифодаланишини ўйлаб ўтир-  
май, хомани ёзиб чиқиш керак. Иккинчи  
мартта ҳамма ортиқча нарсаларни  
чиқариб ташлаб, ҳар бир фикрнинг  
ўз жойига қўйиб кўчириш лозим. Уч-  
инчи марта кўчираётганда тўғри, ифода-  
ли қилиб ёзишга имкон туғилади.

Л. Н. ТОЛСТОЙ

Услубга келганда, у қанча содда  
бўлса, шунча яхши. Энг муҳими — ҳа-  
қиқат ва самимийликдир. Воқеликнинг  
ўзи шу қадар мароқлики, у ҳеч қан-  
дай безак талаб этмайд. Безаклар  
унга зиён етказиши мумкин, холос.

А. С. ПУШКИН

Ёзувчилар тилни халқдан ўрганишлар-  
ни лозим. Халқ тили ажойиб учмир-  
лар ва қочирликларга бой, битмас-ту-  
ганмас, асп манбадир.

ОИБЕК

Китобхонга бир фикрнинг ёки бир нар-  
сани аंगлатиш учун кишининг бошини  
қотирмайдиган, очиқ, раvon содда тил  
керак.

Абдулла ҚАҲҲОР

Бир сурат изидан

Т. ПИДАЕВ



# УША ҒИРВОН

ОЧЕРК

Кайси бир жамоатга ғирвонлик аралашдими — бўлди, ўша ерда аския, кулги, қаққақага барака кирди, деяверинг. Икки оғиз гапни бир-бирига қовуштириб, лаб-лунжини тўрилашни ўзига беҳад машаққат деб биладиган одам ҳам ғирвонликни чандимасдан туролмайди. Хеч бўлмаса, уни ловиядан олади. Ҳа, ғирвонлик бор жойда «ловия» пайрови айланмасдан иложи йўқ. Худди наманганлик қатиқ билан лайлак, тошкентликка мошкичири билан мошхўрда елимдай ёпишиб олганидек, ғирвонлик «ловия» тўғрисида ҳеч қутуллолмайди.

Яширмоқ нима, каминангиз ҳам ғирвонлик дўстлар билан ҳамдамлашиб қолган чоғларимда, билиб-билмай «ловия» пайровига аралашиб кўярдим. Кейин, «Нимага ғирвонликларни ловияхўр дейишадиган» деб анча вақтгача ўйлаб, ўйига етолмай юрардим.

Шу сафар борганимда мударраимини колхоз раиси Иброҳимжон Рўзиматовга айтсам, далиғули йилги эмасми, «Ҳе, шунгайм сиқилиб юрибисами, дарров ағдариб ташлаймиз-да бу гапнинг астар-аврасини» деб, ўрта мактабда телефон қилди. Биология ўқитувчисини сўради. «Домла, бу ерда бир тошкентлик меҳмон билан муаммо устида гангиб ўтирибмиз. Шунга ёрдамлашиб юборсангиз. Ловияни биласиз-а? Уша гап қаёқдан чиққан?»— деди. Телефоннинг нарги бошида ўнгайсиз бир сукунат чўккани биз ўтирган хонада ҳам сезилиб турарди. Ниҳоят, трубкадан кўйидаги сўзлар ҳатто менга ҳам барала эшитила бошлади:

— Ловия — дуқаклилар оиласига кирувчи бир йиллик ўтсими ўсимликлар туркумидан. Кўп уруғли дуқак шаклида ҳосил беради. Мош ҳам ловия туркумига кирди...

Санамай саккиз деб юборганига Иброҳимжон сал мулазм тортгандай бўлди. Кейин ўзини ўнглаб олиб, хижолатини кулги билан босишга тиришди:

— Оббо, домласи тушмагур-эй, у кишидан росткам сўрасам, гапимни ҳазилга йўйгани кизиқ бўлди-ку. Ғирвонлик-да минг қилсаям. Дарров ўзига олди... Майли, ҳечқиси йўқ. Ловиянинг тарихини бари бир кетгунингизна билиб бераман. Ровустонда бир отахонимиз борлар. У киши дақиқонус замонидан бу ёғидаги ҳамма тарихни кўзларини чирт юмиб гапириб берадилар...

(Көвс ичиде икки нарсани айтиб қўяй. Биринчиси: ҳозир Куйбисhev қишлоқ Совети номи билан машҳур бўлган жамоа Ғирвондан ташқари Ирвадон, Ровустон, Шишаки қишлоқларини ҳам ўз ичига олади. Уларнинг аҳолиси битта хўжаликка — Свердлов номи колхозга бирилагани учун бу қишлоқлар ўртасидаги аввалги чегаралар аллақачон йитиб кетган. Иккинчиси: Иброҳимжон Рўзиматов — асли ровустонлик, ўзи муавлимдан чиққан: қишлоқдаги ўрта мактабда физика-математикадан дарс берган. «Ловия» дейишми билан ўша ерга телефон қоқишининг боиси ҳам шу бўлса керак).

Ғирвонликлар ҳақидаги зарбулмасаллар фақат ловия билан тугамайди. Ғирвон Наманган темир йўл станциясининг шундоққина биқинига ўрнашган. Шаҳарга илк бор поезд келганида, ғирвонликлар қандай тараддудга тушганини эшитганмисиз?

— Ажабо, бу поезд дегани қолқора бир махлук эмиш, йигирмата-ўттизта уяни одам-подами билан ғизиллатиб тортиб келариниш...

— Йўқ эсам, девларнинг оти десангчи уни...

— Ҳа, ҳа, топдинг! Отнинг ўзи. Қора айғир!

— Қизиқ, нима ер экан-а у?

— От бўлгандан кейин нима ерди! Беда ейди-да!..

Шундай қилиб, ғирвонликлар станцияга келиб тўхтаган паровознинг олдига арава-арава кўк беда олиб чиқиб тўқишибди. Паровоз ишлатиб бўлган бугини пишқириб, ташқарига пуфламайдими, буни улар ўзича фахмлаб:

— Ҳе, бунга сув пуркамасдан еяверинг, бу — қуруқ беда эмас, ҳўл беда! — дейишармиш...

Шунақа ичак узди зарбулмасаларни эшитганимда, Насриддин афанди аслида Ғирвондан чиққанмасмикин, деб иштибоҳлиб қолсан дабдурустдан. Лекин афандининг ёши миңг йиллар билан ўлчанишини, Ғирвон эса нисбатан навқирон қишлоқ эканлигини ўйлаганимда, ҳафсаланг беихтиёр сўнади.

Ғирвон қандай юзага келгани хусусида шундай латифа бор. Наманганнинг тепасидаги Қўқимбой адирларидан тушиб келадиган сой бўйига шаҳардан беш-олти камбағал хўжалик кучиб чиқиб, зироат қила бошлайди. Бир кунги шу манзилгоҳ ёнидан хон ўз аёнлари билан ўтиб қолади. Соё лаёбда кўзқўнайган капаларга кўзи тушиб, «бориб, билиб кел-чи, бу қандай одамлар экан!»— дея мулозимларидан бирини юборди. Мулозим қайтиб келиб: «соян давалатингизда беш-олти ғариб шаҳарни тарқ этиб, бунда зироат билан машғул эркан», дейди. «Шундайми, ундай бўлса, айт, бу қишлоқнинг номи Ғарибон бўлсин!» деб амр қилади хон. Уша замонда одамлар содда бўлишган эмасми, китобий «Ғарибон»га тиллари келмай, тезда уни «Ғирвон» қилиб олишган экан.

(Дарвоқе, Наманган шеvasида сўзларни қисқартириб айтишга мойиллик ҳам бунда ўз ролини ўйнаган бўлса керак: масалан, «Эски обод»—«Исковот», «Машҳад»—«Машаде», «Пуштиқўрғон»—«Пишқўрғон», «Заркент»—«Заркато», «Қизил Равот»—«Қизравот» тарзида ҳали-ҳали бузиб таллафуз қилинади)...

Наманганнинг мева бозорига кирганмисиз? Ҳар биттаси сўйилгандан кейин битта лаганини бемалол тўлдирадиган пўсти юпка анорларни, сарв қад хонимларнинг қўраткич бармоғи билан буй талашадиган зарғалдоқдай ҳўсайни узумларни кўрганда харидор «архи неча пул?»— деб сўрамайди, аввал «каернинг анори, қайси қишлоқнинг узуми?» деб сориштиради, «Ғирвоннинг дарганини эшитгач, байлашиб ўтирмай, «қани, тортинг бўлмаса», дейди. Қуваликлар ҳафа бўлишмасин-ку, лекин Нодирбегим анор тазьрифида қалам тебратганда Ғирвон боғларининг бу антиқа мевасини кўзда тутмаганликам, деб қўрқаман-да.

Ана шундай. Шаҳардан сой бўйига «бахт» излаб чиққан ғарибонлар ўз соддаликлари ҳақидаги зарбулмасаллар, ўзлари бино қилган боғларнинг мевалари билан ўзларини элга танитадилар. Аммо, «боз ёрилса бурк ичид» дегандай, уларнинг бу шон-шухрати элимиздан ташқарига чиқмай, юртимизнинг ўзиде қолиб кетди. Уша ғарибу бечораларнинг авлодлари эса, совет замонасида оламшумул ишларни рўёбга чиқариб, Ғирвоннинг доврүгини етти иқлимга ёйдилар. Маллабой Боқибоев... Тожихон Асқарова... Бу номларни изоҳлаб ўтиришга ҳожат бормикан? (Колхоз партия ташкилотининг секретари Боқижон Халиловнинг гапи: «Бурноғи йили Ленинградга саёхатга борган эдим. Эрмитажда Тожихон опанинг мойли буюк билан ишланган катта портретини кўриб, дабдурустдан гагати бўлиб кетдим. Буни қаранг, бизнинг Ғирвон қаёқдаю Ленин-

град қаёқда, бўлмаса. Опанинг шухрати тоғлар оша, қирлар оша шу ерларгача етиб келиб-ди-я!»)

## ТАРИХДА ҚОЛГАН НОДИРЛИК

Бизнинг бугинимизга мансуб кишилар бу опанинг номини мактаб остонасига қаддам қўйган пайтларидан билишади. Уттизинчи йилларнинг ўрталарида Валерий Чаплов, Полина Осипенко, Алексей Стаханов, Паша Ангелина, Макар Мазай, Алексей Бусинг, Мария Демченко, Иброҳим Раҳматов сингари донгдор, ҳаётдаги реал қаҳрамонларимизни тилга олганимизда, шуларнинг ёнига албатта Тожихон Асқаровани ҳам қўшиб қўярдик.

Оламда шухрат юқидан оғир нарса йўқ, уни кўтаришга унча-мунча елка дос беролмайди, дейишади. Лекин опанинг доврүги эл аро йигирма йилдан эвд гуриллади, халқ уни икки бор — 1937 ва 1946 йилларда СССР Олий Советига депутат қилиб сайлади, ҳукуматимиз унинг хизматини олий мукофотлар — Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, икки марта «Журнат Белгиси» ордени, қўша-қўша медаллар билан таъдирлади. Оддий деҳқоннинг фарзанди, коммунист Тожихон Асқарова бир неча йил давомида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг аъзоси бўлиб турди...

Опанинг ўзини илгари ҳеч кўрган эмасман. Шунинг учун унинг хўзурига йўл олар эканман, кўнглимда қарама-қарши ҳислар ҳўқмон эди. Шухрат соясиде юравериб талтайиб кетган, энди пенсияга чиқиб, уйда ўтириб қолгач, бутун жаҳон-оламдан шикоят қилиб, «илгари кучимиз борлигида керак эдик, белимиздан қувват кетгач, ҳеч ким бизни йўқламай қўйди, ҳатто бизга ўхшаш мухбирлар ҳам йил-ун икки ойда бир марта хабар олишмайди» деб нолийдиган укинчи, хафақол одамнинг шикоятларини ёки бўлмаса, олдимга бир даста қизил дафтarchалари, ҳар хил мандатларни, турли қиёфаларда олинган суратларни, газета қирқимларини тахлаб ташлаб: «Мана кўрдүнгизми, мен фалон йилли фалон-фалон съезд, қурултой, пленумларда қатнашганман, фалончи акам билан офтобда қатиқ, пистончи опам билан кўланкада ош ичшганман» дея кўйраги муштлайдиган шаддод кишининг мактан-чоқликларини тинглашга ўзимни чоғлаб борар эдим. Ахир, шунгақа одамлар кам, дейсизми? Бошқаларни билмадим-у, лекин бу, қалам аҳлига унда-бунда учраб турди.

Опани, унинг очиқ чеҳрасини кўриб, «келинлар, меҳмонлар» деган босиқ, мулойим овозини шитдим-у. ўзимнинг бу ўринсиз шубҳаларимдан ўзим хижолат тортиб кетдим. Қаршимда мушфиқ, жонсарак волидан муҳтарамаларимизнинг оддий бир вақиласи — бошига оқ дона рўмол ўраб, эгнига қора ласдан пахтали камзул, обғига маҳси-кавуш кийгач,

(Давоми 12-бетда)

КПСС XXIV съезди делегатлари. (Чапдан ўнган) Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик фабрикаси директори С. Султонова, Тошкент авиация заводи директори В. Сивец, шу завод электрчилар бригадаси бошлиғи А. Мирзаева ва Сарисий районидеги «Коммунизм» колхози раиси Б. Омонов ўртоқлар

Г. ГРАФКИН фотоси











## ИЛҲОМБАХШ СЎЗ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди замонамизнинг энг буюк воқеаси бўлди. Чунки унинг муҳим тарихий ҳужжатлари жаҳон социалистик системасининг ҳаётий кучи, ҳужалинини бошқариш ва илмий-техника тараққийотининг қонуниятлари, халқ ҳаёти фаровонлигини ошириш ҳақидаги ленинча таълимотининг фанний асосда янада ривожлантирди. Съезд мамлакатимизни ҳар жиҳатдан янада мустақамлашнинг тўқтининчи беш йиллик Директиваларини тасдиқлади.

Директиваларда совет ишчилари олдига турган бунёдкорлик ишларининг кенг ва ёрқин истиқболлари белгилаб берилган. Истиқбол режаларини омма орасида кенг тарғиб қилиш жуда муҳим вазифадир. Ҳар жабҳада умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдириш, меҳнатнаш халқимизни куч-ғайратини коммунистик қурилишнинг янги вазифаларини бажаришга сафарбар қилиш пропагандистларимизнинг ишига ҳам боғлиқ. КПССнинг шонли XXIV съезди ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVIII съезди қарорларида ленинча пропагандаси олдига турган асосий вазифалар ҳам белгилаб берилди. «Съездимиз қарорларининг моҳияти ва аҳамиятини меҳнатнашларга кенг қўламада тушунтириш яқин давр ичда партиянинг пропаганди ва агитация-оммавий ишида марназий ўринлардан бирини эгаллаши лозим», дейилди. Марназий Комитетининг КПСС XXIV съездидаги ҳисобот докладыда.

Съезд қарорларидан руҳланган «Билим» жамияти ташкилотлари Директиваларда кўрсатилган буюк ишларнинг моҳиятини меҳнатнашларга чуқур ва атрофича тушуинтириш бўйича лекция пропагандасини янада қизитиб юбордилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳамда «Билим» жамиятининг ташаббуси билан республикамизнинг область ва шаҳарларида КПСС XXIV съездида бағишланган фан кунлари ўтказилди, унда республикамизнинг таниқли олимлари — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, КПСС XXIV съезди делегати О. Содинов, вице-президенти И. Мўминов, С. Сирожиддинов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги В. Қобулов, К. Саидов, мухбир аъзоси М. Хайруллаев, профессор Э. Юсуповлар фаол қатнашдилар.

Кимёгарлар ва кончилар шаҳри Олмалиқда ўтказилган фан кунларида республикамизнинг кўзга кўринган слимларидан С. Сирожиддинов, Т. Мавлонов, В. Қобулов, А. Зуфаров ва бошқалар мазмунли сўхбатлари билан йиғилганларни мамнун қилдилар, Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган фан кунларида ҳам таниқли олимлар иштирок этдилар.

Республика «Билим» жамияти Яриқ саннат норхоналарида, қурилиш ташкилотларида, колхоз ва совхозларда лекторийлар уюштирилди, КПСС XXIV съезди тарихий кўрсатмаларини тарғиб-ташвиҳ қилишни давом эттирилди. Шундай лекторийлар Марҳамат районидagi «Октябрь 50 Йиллиги», Балиқчи районидagi К. Маркс номи колхозларда, Андижон шаҳридаги 162-қурилиш трести қошида айниқса яқин ишлаб турибди.

Лекторийларимиз Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа областларда намунали фаолият кўрсатмоқда. КПСС XXIV съезди Директиваларини пропаганда қилиш учун республикамизнинг барча областларига юздан ортқи тажрибали лекторлар юборилди. Айниқса, Хоразм областининг Шовот районидagi «Моснава», Урганч районидagi Карл Маркс номи, Нарининов номи колхозларда бўлган «Иқтисодий таҳлил нечалари» жуда қизиқарли ва фойдалли бўлди.

«Билим» жамиятининг асосий вазифаси КПСС XXIV съезди қарорларини республикамизнинг ҳар бир меҳнатқошига етказишдир. Шу мақсадда область, шаҳар, район «Билим» жамиятлари омма орасида лекция пропагандасини кенг қўламада олиб бормоқда.

«Билим» жамиятларининг лекторлари аҳолининг кенг табақалари ўртасида сиёсий ахборот олиб боровчи ходимларнинг энг оммавий отрядидир. Улар асосан раҳбар кадрлар, инженер-техник ходимлар, халқ ҳўжалигининг мутахассислари, маданият ходимлари, ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторлардан иборат. Оммага сиёсий ахборот беришда ва КПСС XXIV съезди Директиваларини тушунтиришда Хоразм, Андижон, Тошкент областларида ишлаб турган мингларча активистларимиз жуда яқин ўрнат қўрсатмоқдалар.

Умуман олганда ҳали жойларда сиёсий ахборот ва сиёсий билимлар мавзусида лекция ва сўхбатлар ўтказишда талай нуқсон ва камчилилар бор. Аҳолининг турли социал гуруҳлари ва табақаларининг ёши, касби, маданий сависли ва бошқа ўзусуятлари етарлича ҳисобга олинаётгани йўқ. Баъзи жойларда лекторлар озчилини ташкил қилади, лекциялар мунтазам ўтказиб турилмайди. Кўргазмали агитация воситаларидан ҳамма вақт фойдаланилмайди. Кўпинча сўхбатни тингловчиларнинг манфаати нунтан назарини кўзда тутиб, маҳаллий далиллар ва мисолларга сунган ҳолда ўтказилмайди.

Ҳар бир агитация ходими кенг ва ижодий фикр юрти оладиган, ижтимоий ҳаёт воқеаларини, коммунистини нурилиш тажрибаларини марксизм-ленинизм ғоулари асосида таҳлил қилиш ва умумлаштиришга қодир, назарий билимларни чуқур эгаллаган киши бўлмоғи керак. У сиёсий агитациянинг ленинча санъатини яқин эгаллаган, ҳозирги замон совет фанининг ютуқлари билан қуролланган бўлиши зарур.

Пропагандистнинг оташин, илҳомбахш сўзи ҳозир жуда зарур. Чунки халқимиз олдига тарихий вазифалар турибди. Биз мутахассис лекторлар сонини оширишга кўп эътибор бераётимиз. «Билим» жамияти аъзолари сафининг ўсиши, қорхона, колхоз ва совхозларда бошланғич ташкилотларнинг тузилиши, мароли лекцияларнинг қўлаб ўқилишига сабаб бўлмоқда. Агар 1966 йилда республикамиз меҳнатнашларига 47 ярим мингдан ортқи лекция ўқилган бўлса, ўтган йили ўқилган лекцияларнинг сонини 63 мингга етди. Эндиликда биз пропагандининг таъсирчанлини шанларини қидирмоқдамиз. Лекция ва сўхбатларнинг гоёвий-сиёсий сависини яқинлаш, «Билим» жамияти аъзоларининг лекторлик маҳоратини ошириш бизнинг кундалик ташвишимиздир. Колхоз ва совхоз, қорхона, муассаса, завод ва фабрикаларда лекция тингловчиларнинг сафи йилдан-йилга ўсиб бораётгани биз ўз ишимиздан қаноатланамиз.

Республика партия ташкилоти раҳбарлигида ўз ишини пухта қурган «Билим» жамияти олимлар, мутахассисларнинг ёрдамига таяниб, элимизни илм ва маърифат нурларидан баҳраманд этаверади.

Қ. ФОЗИЛҲУЖАЕВ,

Республика «Билим» жамияти раёисси раёисининг ўринбосари, тарих фанлари доктори

Мамлакатимизда беш йил ичда илмий ходимларнинг умумий сонини 1,4 барабар кўпайди ва эндиликда 930 минг кишини ташкил этади. Олимларимиз бир қанча энг муҳим соҳаларда жаҳонда илгор мавқеаларни эгалладилар. Жуда мукаммал, соз автоматик линиялар, лазер техникаси, электрон-ҳисоблаш машиналарининг янги хиллари яратилди. Катта фойдали қазилма конлари топилди. Космосни тадқиқ этишда янги муваффақиятларга эришилди. Ичда учувчиси бўлган «Союз» кемаларининг группали, кўп босқичли парвозлари яқин ўтказилди. Ойга дастлабки оқишта қўнишдан тортиб, Ерга Ой тупроғини келтирган «Луна-16» ва толмас захматнаш — луноход ўрнатилган «Луна-17» каби мукаммал системаларни вужудга келтиришгача, Венера планетасига биринчи парвозгача бўлган йўл босиб ўтилди.

Республикамиз олимлари ҳам янги кашфиётлари билан фан ривозига, халқ ҳўжалигининг юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Фанимиз ҳаётга тобора яқинлашиб, саннатимиз, қишлоқ ҳўжалигимиз олдига турган муҳим муаммоларни ҳал этишга ёрдам бераётир.

Фаргона Давлат педагогика институти ботаника кафедрасининг мудири, биология фанлари кандидати, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Сирож Саҳобидинов ҳам кўплаб шогирдларни тарбиялаш билан бирга баранали ижод қилмоқда. У юздан ортқи илмий ишлар муаллифидир.

С. БЕЗНОСОВ фотоси



# ЮРАКДАГИ ТУҒЁН...

Мирмуҳсин эллик ёшга кирибди. Ҳақиқатан, умр чопогон... Дўстимнинг эллик ёшини ўйлаб ўтириб, ўн саккиз ёшлик йигитлигимиз, илк танишув, битта институтда ёнма-ён ўтириб ўқиганларимиз эсимга тушиб кетди. Худди кечгайда ёдимда. 1939 йилнинг баҳори эди. Эрталабки дарс бошланиши олдида Бешёғочдаги бўтана бўлиб оқабган анҳор ёнида Мирмуҳсин менга завқу шавқ билан янги ёзган шеърини ўқиб берди:

Юрагимда муҳаббатнинг бўрони,  
Хаёлимда ёр чиройи ҳар оқшом.  
Мисраларнинг дилда шовқин-сурони.  
Юрагимда муҳаббатнинг туғёни...

Мана шу шеърнинг муסיқий бир садоси ҳамон қулогимда, дўстим ҳамон тўлиб-тошиб шеър ўқийётганга ўхшайди. Ҳали-ҳали ўн саккиз яшар йигит қалбдаги муҳаббатнинг ўтли бўронинию шеърларининг сўнмас шовқин-суронини кўраман. Уша вақтлардаёқ у ўз тенгқурлари, шеър мухлислари орасида, катта-кичик гурунларда шеър ўқиб назарга тушган, ўсиб келаётган жўшқин шoir сифатида танилган эди. Йиллар ўтди. Мирмуҳсиннинг қалбдаги ўша ёлқин, муҳаббат бўрони энди уни миллион-миллион китобхонларга етук шoirгина эмас, атоқли адиб сифатида ҳам танитди. Мирмуҳсин шoir ва адиб сифатида замонанинг энг муҳим масалаларини кўтариш, В. И. Ленин, Партия, Ватан мавзуларини чуқур ишлаш билан ўзининг ғоявий етуқлигини кўрсатди.

Кичикми-каттами, Бир нарса ёзиб бировга манзур қилиш қийин. Мирмуҳсин эса, ўнлаб шеърли тўпламларнинг, қатор-қатор ҳикоя ва романларнинг, публицистик мақолаларнинг авторигина эмас, давр нафасини бериш эътибори билан Гафур Ғуломнинг «Кўпан батраки», Ойбекининг «Қизлар» каби поэмалари даражасидаги «Уста Ғиёс», «Яшил қишлоқ» каби кўплаб дoston ёзган, дostonчилигимизга катта ҳисса қўшган шoir ҳамдир. Мирмуҳсин ўзбек совет адабиётида биринчи шеърли роман «Зиёд ва Адиба»ни ёзди, у «Широқ», «Невара» поэмаларининг ҳам авторидир.

У тили ширали, ўткир прозаик сифатида ўнлаб ҳикоялари, «Жамила», «Оқ мармар», «Чўри», «Тунги чақмоқлар», «Чини-қиш», «Умид» каби катта асарлари билан машҳур. Унинг бу асарлари прозасининг салмоғини оширди, адибнинг етук маҳоратини кўрсатди.

Мирмуҳсиннинг отаси кулол бўлган. Сиртдан қараганда шoirлик билан кулолчиликнинг ўртасида муштараклик йўққа ўхшайди. Лекин ўйлаб кўрсам, халққа хизмат қилишга иккаласи ҳам бир-бирига жуда яқин, иккалеси ҳам ижод экан. Кулол ота асаган пилбалардан халқ баҳра олган, ташна юраклар чанқоғи босилган бўлса, шoir Мирмуҳсин ўз асарлари билан ўзбек китобхонларининга эмас, Иттифоқимиздаги минглаб ўқувчиларнинг қалбларини тўлқинлантирмоқда, уларга маънавий озиқ бермоқда.

Ҳар нарсанинг икки томони бўлганидек, 50 ёш ҳам умрининг ярим палласи. Мен дўстим Мирмуҳсинга умрининг тўла бўлишини, ўн саккиз ёшдаги ўша муҳаббатнинг ўтню, шеърли тўлқинларининг яна ҳам туғёи уришини тилайман.

ШУКУРЛЛО



**П**оэзия соҳасида Мирмуҳсиннинг «Уста Ғиёс» ва «Яшил қишлоқ» поэмаларига тўхтаб ўтмоқчиман. Булар содда шеърли тил билан, жимжимадор ва баландпарвоз чекинмаларсиз, муваффақиятли ёзилган поэмалардир. Улар тасвирий жиҳатдан ҳам, қаҳрамонлар характери жиҳатидан ҳам ҳаққоний.

Николай ТИХОНОВ

**Ж**онажон Ўзбекистоннинг иши ва кунлари, ажойиб кишиларини Мирмуҳсин конкрет, содда, ҳаяжонли деталларда куйлайди.

Шoir билан бирга биз колхоз йиғилишига ҳам кириб борамиз, қарилишга ҳам гўзаллиги, ғайрати йўқолмаган, қомади букилмаган дондор пахтакор Тожихонни кўриб қувонамиз. Киши ўз ишдан, унинг натижасидан хурсанд бўлса, қариллик ҳам бас келмайди. Шoir ҳаётини эпизодларда меҳнат аҳлининг табиатини очиб беради. Бу метод Мирмуҳсин учун жуда характерлидир. Сўғориш каналининг қурувчилари, агрономлар, зоотехниклар, селекциячилар, теримчилар китоб авторининг севимли қаҳрамонларидир.

Шoir ўз сатрларида Ўзбекистон пахта далазлари, боғлари, унинг энг узоқ колхозларини бизга яқинлаштиради.

«Яшил қишлоқ» поэмаси ҳам диққатга сазовор. Унда яланғоч, қақраган чўлда яшанаётган қишлоқ барпо этилиш тарихи кўрсатилади. Поэма қаҳрамони, қишлоқ қурилишига бошчилик қилган колхозчи Умурзоқ қийинчиликларга бардош беради. Лекин энг оғир варақаларда Умурзоққа уруш эсдаликлари ёрдамга келади. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси эди. У Днепрни кечиб ўтиш вақтини эспайди, бу — чўлдагидан мушкулроқ эди албатта. Поэма қаҳрамонига шoirнинг ўзи ҳам кўмаклашади. Коммунистнинг иродаси барча қийинчиликларни енгади. Янги қишлоқ чўлда қад кўтаради. Далалар, боғ-роғлар уни кўршаб олади.

Мирмуҳсиннинг етук асари — «Уста Ғиёс»дир. Ғиёс қартайган бўлса ҳам, юраги ёш миршкор-пахтакор. Автор унинг ҳамқишлоқларини ҳам моҳирлик билан тасвирлайди, Ғиёснинг табиатини ажойиб сатрларда очиб беради.

ёснинг табиатини ажойиб сатрларда очиб беради.

«Ленин колхозда» деб аталган, ҳаяжон бағишловчи бобда уста Ғиёс В. И. Ленинни экранда кўриб, уни ўз даласида ҳис этгани тасвирланади.

Вера ИИБЕР

**И**ккинчи бўғин тўғрисида гап борса, қирқ азамат ўғилнинг отасидай, қалбим тўла гурур сезаман.

Шу соғлом ижодий плейданинг пўлат занжирдай мустаҳкам силсиласида бир кўзанақ бўлиб шoir Мирмуҳсин туради.

Бу шoir адабиётда туғилгандан буён муборак касбимизга ихлос билан, қаноат билан ажралиб туради. Дуруст, баъзи танқидчилар унинг баъзи шеърларида лирика кам, деб қамситгандай бўлиб юрадилар. Гап замонга, халққа энг зарур гапни ўз вақтида айта олишда.

Унинг «Уста Ғиёс» поэмаси Улуғ Ватан урушидан сўнг қишлоқ ҳўжалигимизни қайтадан тиклов давридаги маъқул асардир.

Бизнинг адабиётимизда халқ огази адабиёти ва Дурбек, Лutfий, Навойлар бошлаган дostonчиликларни ҳисобга олганда, янги замон мазмунидаги романчиликда Мирмуҳсиннинг «Зиёд ва Адибаси биринчи манзум, шеърли романдир. Бу жанрда Мирмуҳсин қанчалик муваффақ бўлди, бу энди адабиёт танқидчиларининг муътабар фикрларига мунтазирдир. Унинг шoir ё адиб бўлишини мумкин, аммо бир гуруҳ шoir ва адибларнинг ижод саройида саройбон бўлиб туришлик гоятада мушкул ва масъулиятли вазифадир. Мирмуҳсин «Шарқ юлдузи» журналида ролпа-роса ўн йил редактор бўлиб ишлади. Шундай катта дарағда шунча мuddат масъул бўлиб туриш, бу энди унга партиямиз томонидан қилинган катта ишонч белгисидир.

Сўнги йилларда у республикамизнинг йирк ва кекса журналларидан «Мушум»га редакторлик қилиб келмоқда.

Гафур ҒУЛОМ



## Ленин туғилган шаҳарда

Волга оқиб ётибди, кўз илғамас қирғоғин,  
Жимирлайди мовий сув; қудратли, чексиз дарё.  
Бирлаштириш бағрида руснинг юз минг ирмоғин.  
Узи бир буюк тарих, ўзи бир буюк дунё.  
Балаид қирғоғидан, боқарканман дафъатан,—  
Қаёқда у оқмоқда, билиб бўлмас. Буюк сув.  
Шунчалик буюкмисан, эй, бизнинг эзгу Ватан!  
У билар на довулни, на тўсиқ ва на кўрқув...  
Кемалар — елкасида гўё бир писта Волга;  
Денгиз дейсан ва лекин денгиз оқмас, у оқар;  
Қирғоғига етолмас булутлар очиб қучоқ,  
Қудратига тасанно — фалақдан қуёш боқар.

Шу дарё ёқасида, баландликлар устида  
Табаррук ва муқаддас бир гўзал шаримиз бор.  
Шунда туғилди Ленин, башарият умиди!  
Шунда туғилди, дейман, абадул-абад баҳор.  
Уни тугдди бир оддий рус Она У кишилик —  
Бахти учун курашди, бошладди элини бахтга.  
Қудрат берди қалбига шу дарё, буюк Волга:  
Кийанлар парчаланди, барҳам берилди тахтга.  
Кекса ўзбек боболар галига солиб қулоқ,  
Келтирдим сен туғилган бу шаҳар тупроғидан —  
Тошкентга тўқинди уни — қучди тупроқни тупроқ,  
Салом, эй қўтлуг шаҳар, сенга ўзбек боғидан!

Ульяновск.

## Дунё яшармоқда

Коинот бўшлиғида айлиниб юрибди Шар.  
Сиртида океанлар, куруқликлар, тоғу тош...  
На чети-поёни бор, абадул-абад башар,  
Ҳаёту ҳаракатнинг сабабкоридир Қуёш.  
Кунга узра гулдурас, аюқноҳан, довул ҳам,  
Денгизлар ҳансираши, ёнар тоғлар нафаси,  
Музларнинг ёрилиши, зилзилалар дамодам,  
Туялар карвонидай булутлар қаҳ-қаҳаси,  
Инсонларнинг тиниксиз югуриши ҳам шунда,  
Тугилиш тантанаси, ўлимнинг совуқ ҳунки,  
Кундузу қуёш, юлдузлар жамолин кўриш тунда,  
Кураш, енгилш ҳам шунда, тиклаш, мжод ҳуқуқи...  
Коинот бўшлиғида чарх уради йўшди Шар.  
Бу улуг катра узра қанча сиргу синоат...  
Бирок у яшармоқда, қайта туғилар башар,  
Миллион йиллик умрга тенгдир бизнинг бир соат.  
Қуёшга тик қараган бир қирмизи ёноқдек  
Муваззам мамлакатим — бахту қудрат ўчоғи,  
Бу замин иқлими-ю баҳорига йўқдир чек,  
Қоронғилик йўқолсин, ўссин кўрмасиз боғи!  
Жонбахш баҳор нафаси ер узра ҳоким буюқ,  
Борғай учиб кўп узоқ дашту биёбонларга.  
Қуёшимиз Лениннинг нури ила ўс ва уч,  
Бу нур — ҳаёт, бу нур — бахт, бу нур — жонбахш  
жонларга.

Баҳорда у туғилди, бергандир уни баҳор,  
Қалби ҳам, гоёси ҳам, мақсади — баҳор элтмак.  
Абадий баҳор келди, дунёчалик умри бор.  
Қуёш бор — ҳалқларимиз бахти, камоли демак.

Коинот бўшлиғида айлиниб ўчмоқда Шар,  
Кун сайин яшаради қайта туғилган башар!

## Москва эслатибди

ТУҒИЛГАН КУНИМ...

Шоирнинг туғилган кунга қиян деб,  
Москва эслатибди менинг ҳақимда...  
Сенга, азиз Пойтахт, таъзиму салом!  
Тошкентлик ўғлинг ҳам буюк оқимда —  
Икки юз қирқ миллион халқинг биттаси,  
Икки юз қирқ миллионлик сафда у дадил,  
Узинг шаҳарларинг буюк отаси,  
Ҳеч қачон ўзгармас садоқатда дил.  
Саркарда эмасман, арбоб ҳам эмас,  
Аммо элга таниш намтар овозим.  
Фвақат бир шоирман — касбим шарафли,  
Шоирлик ҳам азиз, масъул лавозим.  
Каминанинг эллик ёшта туғганин  
Билиб, табриқлабсан, бу мен учун бахт.  
Ҳеч нарс керакмас, бугун умримга  
Шунинг ўзи етар, жонанон Пойтахт!

## ЗАНГОРИ ЭКРАН СЕҲРИ...

Мамлакатимизда 130 телестудия иш-  
лаб турибди. Ҳар оқшом хонадонла-  
римизда 40 миллион зангори экран  
ёнади. Сунъий йўлдош ёрдами билан  
телевидение Камчаткага, Помирга етиб  
борди. Москва кўрсатувларини айни  
вақтда Петрозаводск ҳам, Термиз ҳам  
томоша қилади.

Телевизор ҳақиқатан ҳам асримиз-  
нинг ажойиб мўъжизасига айланмоқда.  
Газеталарнинг хабар беришича, жаҳон  
чэмпionatoи вақтида Мехикодан берил-  
ган телевизион репортажларни ҳар  
кун би йўла 800 миллион томоша-  
бин кўрган экен. Бундай аудиторияни  
жаҳондаги энг машҳур санъаткорлар  
ҳам ҳалфа келтира олган эмаслар.

Лекин айтиш керакки, шу улкан а-  
удиторияларнинг маълум бир қис-  
ми Пеле ёки Алехандро Яшиннинггина  
эмас, Сикотунский ва Якур Бурхон-  
нинг, Майя Плисецкая ва Галия Измай-  
лованинг ҳам ихлосмандларидир. Бир  
кун келиб, санъаткорларимиз шундай  
миллионли аудиторияни жалб этиш-  
лари шубҳасиз. Бундай кунни яқинлаш-  
тириш эса, албатта, аввало телевиде-  
ниенинг ўзига боғлиқ.

Зангори экран одами сеҳрлаб қўя-  
ди, дейишди. Бунда ҳақиқат бор ва  
бундан асло нолиш керак эмас. Модом-  
ки, у шундай жозабали нарсга экан,  
биз уни ўзимиз учун қатта қувончга  
айлантиришимиз керак. Агар дастлабки  
йиллари телевизорни «асримизнинг бо-  
ласи» деб, баъзи ибтидоийроқ томоша-  
ларини ҳам кўриб, «сингдириб» келган  
бўлсак, эндиликда ундан миллионли  
аудиторияга арзийдиган, сунъий йўл-  
дош ва Останкино сингари мўъжиза-  
ларга арзийдиган программалар талаб  
қилишимиз мумкин. Томошабиннинг  
юксак омига, олижаноб ҳисларига му-  
рожаат қилиш ҳозирги телевидениега  
гоят муносиб вазифдир.

Телевидение кўп функцияли систе-  
ма. Информацион хизмат, таълим қис-  
мили, тажриба минбари, драматик про-  
грамма, ҳалқаро суҳбат, адабий эшти-  
риш, пропаганда ва агитация, бола-  
лар кундалиги, сийсий ўқув ва ҳоказо.  
Буларнинг бири ҳисобига иккинчисини  
қўйатиришни талаб қилиш нотўғри бў-  
лар эди. Ҳаммаси ҳам зарур. Гап фа-  
қат буларнинг сифати, шакллари, таъ-  
сирчанлиги ҳақида бўлиши мумкин.

Москва телевидениесининг КВН, ки-  
носёҳат, «Миллионлар университети»,  
«Қидириш», «Орленок», Ираклий Ан-  
дроников суҳбатлари, «Мовий чироқ»  
Останкино залидаги концертлар синга-  
ри кўрсатувлари ҳозир чиндан ҳам бе-  
ниҳоя катта аудиторияни тўлламоқда.  
Миллионларга семили бўлиб қолган  
бундай традицион эшитиришлар биз-  
нинг Тошкент телевидениесида ҳам бор,  
аммо улар ҳали кам. «Истикбол эгалари»,  
«Ёрқин ҳаёт», «Оталар сўзи», «Телеми-  
наторалар», «Оламга савҳатга сингари  
кўрсатувлар» анча қўпиликнинг диққа-  
тини жалб эта бошлаган эди, бирок  
кейинги вақтда улар ангилки қидириш-  
ни бир оз сустлаштирдилар. Уларда баъ-  
зан шакл ранг-баранглиги, мазмун чу-  
қурлиги, ижодий изловчанлик етишмай-  
ди. «Оталар сўзи»да гримланган актёр  
ота-оналар билан негандир болалар ти-  
лида гаплашди, миниатюраларнинг  
драматик материали гоҳо анча саёз,  
репортажларнинг таъсир кучи кам.

Драматик кўрсатувлар орасида бир  
неча муваффақиятли инсценировкалар-  
ни кўрдик. Бу ишни бўшаштирмай, до-  
им ривожлантира бориш яхши бўлар-  
ди. Телекранда негандир академик те-

атрларнинг асосий спектаклларини  
кўрмаймиз. Катта театрларга бевосита  
келиб томоша кўролмайдиган, узоқда  
яшовчи томошабинларнинг юксак про-  
фессионал санъатга бўлган эҳтижини  
ҳисобга олиш керак эмасмикан?

Фундаментал спектаклларини экран-  
лаштириш яхши йўлга қўйилши керак,  
Ҳозир биз Аббор Ҳидоятлов ўйнаган  
«Отелло» ё бир вақтлар шухрат қо-  
зонган «Гамлет» спектакли телекранда  
кўрсатилса мароқ билан томоша қил-  
масмикан? Афсуски, бу классик спек-  
такллар ҳам, улардаги улуг артистлар  
ҳам лентга олиб қолинмаган. Акаде-  
мик театрларимизнинг ҳозирги ишлари  
телевизион лентга олинса ўзимизгина  
қувониб қолмай, келажак авлодлар ҳам  
бизга қатта раҳмат айтарди.

Адабий эшитиришлар ҳақида ҳам  
шунини айтиш мумкин. Ҳамид Олимжон,  
Гафур Гулом тушган кичик лента пар-  
чалари ҳозир бизни жуда ҳаяжонлан-  
тиради. Бизнинг даврда адаб ва санъ-  
аткорларни телевизион ленталарга олиш  
техникаси мураккаб иш эмас. Бу иш  
йўлга қўйилса телевидениенинг олтин  
фонди бойиб қолар эди.

Телевидениенинг муаммоларидан бири  
шуки, янги спектакль ва янги фильм-  
ларни телекранда кўрсатиш қийин,  
чунки улар тега савҳаси учун, катта  
экран учун яратилган ва аввало ўша-  
ларда кўрсатилиши зарур. Иккинчи то-  
мондан эса, телекраннинг азамат а-  
удиторияси ҳам янги спектакль ва фи-  
льмларни талаб этишга ҳақли. Нима  
қилиш керак? Бунда, албатта, бирдан-  
бир йўл—телевидениенинг ўз асарла-  
рини, янги телеспектакль ва телефи-  
льмлар яратишдир. Бизда бу иш ҳозир  
яхши йўлга қўйилмоқда. Москва теле-  
видение «Майор Вихрь», «Жаноб  
олийларнинг адютанти» сингари ажой-  
иб телефильмлар яратди. Тошкент  
телевидениесининг «Қисмат», «Урф»  
сингари спектакллари, «Телефильмнинг  
баъзи дастлабки маҳсулотлари ҳам  
манзур бўлди. Лекин ҳали бу соҳа  
жуда секин ривожланмоқда. Тошкент  
студиясида телеапарат астойдил иш  
бошлаши, телефильмлар учун махсус  
сценарийлар яратилиши керак. Афсус-  
ки, ҳозирча теледраматургия масала-  
ларига республика Ёзувчилар союзи  
ҳам етарли эътибор бераётгани  
йўқ.

Ҳозир беш йиллик илғорларнинг  
тажрибаларини тарғиб қилиш, меҳнат  
қаҳрамонларининг портретларини яра-  
тиш, КПСС XXIV съездининг тарихий  
қарорларини пропаганда қилишининг  
ранг-баранг, таъсирчан формаларини  
топиш — телевидениенинг энг муҳим  
вазифасидир. Бунга санъат-адабиёт хо-  
димлари ҳам, кинотехника ва репор-  
таж усталари, энг қобилиятли лектор-  
лар ҳам, жамоат ташкилотлари, фан  
ва жамоат арбоблари ҳам жалб эти-  
лиши лозим. Энг муҳими — ишга ижо-  
дий ёндашиш, телевидениенинг ўз ху-  
сусиятлари ва имкониятларини кўзда  
тутиш, ҳар эшитиришда ҳақиқий каш-  
фиётчилик зарур. Телевизор чиндан  
ҳам — ақдоқларимиз орзу қилган ой-  
наи жаҳондир. У бизни даврининг буюк  
ишлари билан, халқимиз ҳаётининг ажой-  
иб граждандлик руҳи, қаҳрамонона  
руҳи билан кунде боғлаб туради. Зан-  
гори экран сийсий ва ахлоқий тарбия-  
нинг қудратли воситаси бўлиб қолди.  
Унинг барча программалари ҳам маъ-  
мун, ҳам шакл жиҳатидан халқимизнинг  
юксак дидига яраша тобора яхшилан-  
шига шак-шубҳа йўқ.



юзлари йилу фасллар зуғумига бўйин бермай, ўз тиниқлигини сақлаб қолган нуруний онахон турарди. Мунис кўзларда нолиш эмас, аксинча, комронлик, пири бадавлатлик шукронаси. Астойдил тикилиб боққан кишигина аллақандай табиий ҳорғинлиқнинг нишонасини илғаб олиши мумкин бу кўзлардан.

Оланинг умр йўлдоши Пўлат ака бизни рўпарадаги пешайовли уйнинг меҳмонхонасига бошлади. Тожихон опа дастурхон ёзиб, боғичи узилган аски бири папкани кўрпачанинг ёнига қўйгач, бизни таъоман Пўлат аканинг ихтиёрига топшириб, ўзи чиқиб кетди.

Пўлат ака Мўминови кўпдан танийман. Таржимани ҳолидан ҳам оз-моз хабарин бор. Бу киши Маллабой аканинг сафдошларидан, икковлари биргалашиб Ғирвонда «Қизил омон» колхозини тузишган, кейин унга «Қизил шахматчи» деб ном беришган. Пўлат ака шу колхозда правление раиси, Маллабой ака эса, ҳосилот шўросига раис бўлган. Икковлари ҳам олдинма-кетин юқори идораларга ишга кўтарилишган. Пўлат ака Наманган район ижроия комитетининг раиси, район қишлоқ ҳўжалик бошқармасининг бошлиғи лавозимларида ишлаган. «От айланаб қозини топади» дегандек, яна қишлоғига қайтиб келиб, колхознинг «Ғирвон» участкасига беш-ўн йил мутасаддилик қилгач, ҳалол меҳнат фароғатини суришга киришган. У ҳам Тожихон опа сингари республика аҳамиятидаги шахсий пенсияонер. Нуқраранг чўққи соқоли ўзига ярашиб турибди.

— Пўлат ака, нечага кирдингиз?

— Етмиш олтига...— сўнг бир оз ўйланиб туриб, илова қилди:— Қариллиқнинг энг биринчи, ёмон белгиси шу эканки, хотиранг сири кўчган ойнадек хиралашиб қоларкан...

Пўлат ака бу гапни нима мақсадда айтди? Утмишин сўраб, мени уялтирманглар, бари бир кўп нарса эсимда йўқ, демоқчимий! Агар шундай бўлса, кейинги саволимизга берган жавоби у ўз хотирасидан беқорга хавотирланиб юрганини кўрсатди.

— Биз Ғирвонга ёзувчи Абдулла Қодирийнинг изидан келдик. У киши бундан ўттиз беш йил бурун Маллабой ака ҳақида очерк ёзиб, унинг «шахмат» усулини тасвирлаган эканлар. Уша усул қандай бошланганини билармикансиз, деб ўйлаган эдик.

Пўлат ака худди туришга чоғлангандек шартта қўзгалдию, лекин яна боягидек чўкалаб ўтирди, чопонининг этакларини иккала тиззаси остига яхшилаб қистириб олгач, одади бўйича кўзини юмиб-очиб, киприкларини пирпиратганича гап бошлади:

— Биламан, нега билмас эканман, албатта биламан... Оббохолам, йигирма тўртинчи йилмиди. Ҳали ер-сув ислохоти ўтказилиб, биздаке камбағалларга ер улашилмаган кезлар. Беш-олти ҳўжалик қишлоқнинг теласидидаги Қўқимбой адири эгатидадан қўриқ ер очмоқчи бўлиб, артель туздиқ. Асосан, пахта экардик. Ер шунчақая тошлоқ эдикки, кунига кетмонни икки-уч марта пешламасангиз, ўтмас бўлиб қоларди. Бунақада иш унаримди. Беқор оворе бўлганинг қолади... Бир кунни шерикларимиздан бирининг меҳмонхонасида ўтириб маслаҳатлашдик: шу бўйича қийналиб ўтаверамизми ё бирон чора толамизми, деб. Раҳматли Маллабой кўп ақлли йигит эди. «Ерга, умуман, кетмон солмасдан ишласак, нима қилади?»— деб қолди. «Кетмон солмасдан, э, эсингни едингми, Маллабой!» дейишди баъзилар кулиб. Маллабой пинагини бузмади. «Ўғзани,— деди у,— шахмат усулида қирқамиз. Кейин узунасига ҳам, кўндалангига ҳам уланда ишлай берамиз». Шу билан маслаҳатимиз пишиб, махсус омон, маркёр ясадик, чигитни 70×70 кенглидаги эгетларга эдик. Икки томонлама ишлаш учун ҳозирги чизелга ўхшатиб тахтадан бир асбоб тайёрладик. Унга ҳам орасини етмиш сантиметрлик қилиб, йўғон сим қокдик. Шу тариқа, техника етишмаган замонда ўз мушкулумизни ўзимиз енгиллаштирдик. Колхоз бўлганимиздан кейин трактор, сеялка, плуг, культиваторга ўхшаш машина-асбоблар келди. Улар биз ўйлаб топган «шахмат» усулига жуда мос тушди. «Шахмат» шарофати билан Маллабойнинг номи Итифокқа танилди, каминангиз ҳам Москвани кўриб келдим...

Ширин хотиралар таъсирида Пўлат аканинг чехраси ёришиб, юзидаги чизиқлар текисланди.


— Уттиз бешинчи йилнинг охирилари эди,—



Тожихон Асқарова



Маллабой Боқибоев



Давлатали Маллабоев

деб ҳафсала билан давом эттирди у ўз ҳикоясини.— Узбекистондан 114 кишини Москвага, партия ва ҳукумат раҳбарлари ҳўзурига қақаришди. Шуларнинг ичиде Намангандан «Шўрон колхозининг раиси Абдуллоҳан Бобоҷон», «Большевикнинг раиси Иброҳимҷон Макжуну», тошбулоқлик зверо бошлиғи Ҳамро Садбарова ва мен ҳам бор эдим. Калинин отанинг кўлларида 917-рақамли Меҳнат Қизил Байроқ орденини олиб қайтдим. Мана Шуниси ўла-ўлгунча эсимдан чиқмайди. Мен мукофотланган пайтада, бу орденини кўксига таққан одамлар сони ҳали мингтага ҳам бормаган экан-а, қаранг, мингтага ҳам! Ҳукуматимиз пахтакорнинг қадрини мана шунчақ баландга чиқариб қўйган!

Уртага чўккан сукутдан фойдаланиб, боя Опа ташлаб кетган папкани очдим. Ичи тўла қоғоз экан, Область музейидан келиб депутат гувоҳномалари орден дафтарчаларини аплақачон олиб кетишибди. Ҳар хил ёзишмалар, баъзи бир фотосуратлар қоплибди. Уларнинг ичиде М. И. Калинин, У. Юсупов имзо чеккан расмий хатлар ҳам бор. Уруш вақтида жангчилардан келган мактублар айнақса кўп. Ҳаммасининг мазмуни деярли бир хил: «Сизнинг пахта далаларидаги жасоратингиз бизларни малъун ёвга қарши матонат билан жанг қиляшга руҳлантирмоқда. У ёқдан сиз, бу ёқдан биз бўлиб, фашист босқинчилар устидан теворқ галаба қозониш учун жонимизни фидо қила берайлик!».

Мана, лотинча алифбеда тузилган бир жадвал. Уз вақтида у оддий ҳўжат бўлгандир, лекин ҳозир унинг томирида тарихнинг қони кезаётганга ўхшайди. «Тожихон Асқарова зевносининг иш кўрсаткичлари. Пахта майдони — 4 гектар. Шартномаси — ҳар гектаридан 32 центнер, жами 12800 килограмм, бажаргани — ҳар гектаридан 56,5 центнер, жами 22660 килограмм. Терган пахтаси — 1937 йилда 16220 килограмм, 1936 йилда 7400 килограмм».

Шоймардон Қудратов, Ҳафиз Полюнов, Турсуной Охунова сингари юз, юз эзлик гектар ерда пахтани ўзи етиштириб, уни ўзи машинада териб олаётган азаматларнинг ишини мезон қилгудек бўлса, бу рақамларнинг кўзимизга ожиз ва жўн бўлиб кўриниши мумкин. Аммо, ҳар бир ҳодисани ўз даврининг тоштерозиси билан тортмоқ керак. Терим машиниси олис келажакда бунёдга келувчи ширин хаёл, афсона бўлиб туюлган ўша замонларда бир теримчининг қўлда ўн олти тонна пахта териши чинакам мўъжиза, асл қаҳрамонлик эди!

Наманганлик кекса журналист Абдуллажон ака Тиллаев шундай ҳикоя қилади:

— Тожихон Асқарованинг кунига бир тонна ва ундан ошириб пахта теравганини ёлғон гап деб, мен ишлаб турган «Ударник» газетасининг редакциясига ҳар хил хатлар кела бошлади. Шунда мен буну ўз кўзим билан кўриб келиш учун Ғирвонга бордим. Эрта саҳардан соватини қўлимга олиб, Тожихон билан изма-из пайкалга тушдим. У, пахтани чунонам чаққон теравдикки, мен беқор турган одам, унинг кетидан зўрга етиб юрардик. Тўлган эгати эгатиинг ичига ташласа, бошқа одам келиб олиб кетарди. Тушга бориб терган пахтасини тортсак, 480 килограмм чиқди.

Тожихон оланинг чевар теримчилиғи шак келтирган одамларни ўйлаб аябланаман. Кўп минг килограммчилар ҳаракатини ажувдга келтирди, бу эса, совет пахтачилиғи тарихига апоҳида ёркин бир боб бўлиб кирди! Шунинг учун Тожихон Асқарованинг номи бизга Шоймардон Қудратов, Турсуной Охунова, Жавод Кўчиевлар сингари азиз-мўтабардир!

Пўлат ака билан Тожихон олани суратга олиш учун ташқарига чиқдик. Боя шошилишда сеҳн солмаган эдим, ҳовли хийла катта экан. Теварак атрофи иморат. Уртада баланд сўриток.

— Шундай ҳайхотдай ҳовлида чол-кампир зерикиб қолмайсишларми, Пўлат ака?

— Йўқ, нега зерикайлик? Набиралар зерикшга қўяди дейсизми?

— Кўпчилик экансизлар-да?

— Ҳа, аччагина боримиз. Каттаимиз Абдулҳамид ТошМини битириб, ўша ерда қолиб кетди. Учинчи хирургияда ишлайдик. Кичиги Абдурашид ўзимиз билан бирга. Шаҳардаги ўттинчи автобазада инженер. Томск политехника институтида сирданг ўқияпти. Узимизнинг набиралар, қўни-қўшиларимизнинг болалари йғилишиб, Тожихон оланигини зериктириш-



майди. Мен бўлсам, кўпроқ иш билан бандман.

— Пенсиядасиз-ку, яна ишлаяпсизми?

— Ҳа, қимирлаб турмасак бўлмайди. Раисга бориб, колхозда бир кишига қанча ер тўғри келади десам, 60 сотих деди. Шуну боғнинг орқасидан ажратиб олиб, пахта етиштириб бераман.

Биз бу меҳнатқаш, пири бадавлат оилага қушойиш тилаб, қишлоқ марказига қайтдик...

#### ГИРВОНДАН ЧИҚҚАН... ГРОССМЕЙСТЕР

**Х**ужжатлар... Қандай сехрли кучингиз бор-а сизнинг! Расмияти буюрократ қўлига тушиб қолсангиз, у лотманот деб сизганад сизга, унинг кўзини қора парда янглиғ тўсиб, тирик одамни кўрмайдиган қилиб қўясиз. Холис ниятли тарихчи қўлида эса, булбули гўё бўлиб тилга кирасиз, даврлар, одамлар, тақдирларнинг чин кўзгусига айланасиз!

#### «АЪЗОЛИК БИЛЕТИ № 25

Ушбуну кўрсатқувчи ўр. Ғоибов Мааллобой Ўзбекистон Илмунияти (большевик)лар партияси Марказий Қўмитасининг аъзосидиркин, олтинчи партия курултойида сайлангандир.

Марнақўм котиби — (имзо)  
Тошкент, 1934 йил

#### ФАХРИЙ БИЛЕТ

Ўзбекистон К(б)П Хатирчи район Комитети, Район икrojeя қўмитаси пахта мутахассиси Маллобой Ғоибовнинг пахтанинг юқори ҳосили учун кураш, шахмат усулини киргизишда ўзининг қанчий зарбдорчилиги қобилиятини кўрсатгани учун иккинчи беш йилнинг 1935 йилги зарбдори фахрий унвони билан мунофотлайдир.

Имзолаб.

#### ШАҲОДАТНОМА № 97

Берилди Уртоқ Маллобой Ғоибовга шу тўғрдаким, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Марказий Икrojeя Қўмитаси Президиуми (унинг) пахтачилигини ривожлантириш соҳасидаги хизматларини таъкидлаб, ўзининг 1933 йил 27 сентябрь қарори (протокол № 19/82) билан унга пахта устози номини берган.

ЎзССР МИККнинг раиси  
И. Охунбобов.

ЎзССР Ер ишлари Халқ Комиссарлиги

#### ГУВОҲНОМА

Уртоқ Ғоибов ЎзССР Ер ишлари халқ комиссарлигида тажрибакор вазифидада хизматда турадик.

ЎзССР БИХК ишлар мудир (имзо)  
1938 йил 28 сентябрь

«Меҳнатнашлар депутатлари Қизил Байроқ орденли Тошкент Шаҳар Совети

#### ДЕПУТАТЛИК БИЛЕТИ № 376

Кўрсатувчи уртоқ Ғоибов М. 1-қақирғи Тошкент шаҳар Советига депутат қилиб сайланган.

Икrojeя комитети раиси (имзо)  
Икrojeя комитети секретари (имзо).

#### ШАҲОДАТНОМА

Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ Комиссарлигининг тажрибакор агрономи орденли Маллобой Ғоибов кўндалангига қилиб экин ва ёзуани ишлаш тартибини биринчи бўлиб қўлланди, бу тартиб ҳосилдорлигини ошириш билан бирга қўл меҳнати сарфини 2-3 баравар камайтиради.

Шунинг учун бу уртоқ кўрғазма қатнашчиси этиб тасдиқланди ва унинг номи Ҳурмат китобига ёзиб қўйилди.

Москва, 1930 йил. Втунииттифок қишлоқ хўжалик кўрғазмасининг Бош Комитетини

Аслида қандай бўлса, шундайлигича — услуби ҳам, илоси ҳам сақланган ҳолда кўчирилган бу ҳужжатларни менга Маллобой ақанининг ўғли Давлатали тахмондаги кўрпаларини йқитиб, сандикнинг бир чеккасидан олиб берди. Баъзининг ранги унгиб, баъзининг хати сўниб, баъзининг четлари титилган бу табаррук ҳужжатларни авайлаб кўздан кечирар эканман, «нега, нега!» деган саволлар миямин чулғаб, пармадаги кемира бошлади. Аввало, мана шу ҳужжатларнинг жойи нега Ўзбекистон халқлари тарихи музейида эмас! Музей ҳодимлари республикамизнинг донгдор кишиларига, атоқли партия, давлат, жамоат арбобларига махсус стендлар, ҳатто заллар ажратиб, ўта хайрли иш қилишган. Нега ўшанда улар Маллобой ақани унутиб қўйишган?

Маллобой ақа янги усубли ўйлаб топган ўша 1924 йили шахмат оламида кечган воқеаларни эслайлик. Кубалик Капабланка улуг Ласкердан жаҳон чемпиони тожини тортиб олган, энди бу олий унвонга Александр Алехин талабгор бўлиб юрган пайтлар эди. Худди шу кезларда неча-неча минг километр олисдаги Гирвон қишлоғида яна бир истеъдоқ соҳиб шахмат муҳорабасига киришди. Йўқ, у Капабланка, Алехин, Ласкерларин олтимси тўрт каттали тахта устида беллашишга чорлагани йўқ. Деҳқончасига пешанасини боғлаб олиб, бу курашни ўзича бошлади. Ер — унинг учун шахмат тахтаси, ангиликдан ўтдек чўчидаган ўсал одамлар унинг рақиблари бўлди, У шуларнинг ҳаммасини мот қилди, пахтачиликда асл гроссмейстер эканлигини кўрсатди. Кейин республика қишлоқларини тинимсиз кезиб, деҳқонларга бир варакай «сеанслар» берди — ўзининг «шахматини бутун ўлғага ёйди. Бунга биз юқорида келтирган ҳужжатлар ҳам шохид. Гроссмейстернинг ҳўрмат-у хотирасини унинг ўзига, қилган ишларига муносиб бўлгани маъқул эди!

#### ОТА УЎЛИ

**Д**авлаталининг шофёри Ғабибулло бир қоп ёнқонинг ўзи. Ундаги қўвонқликни тепса-тебранмаслардан ўнтасига тақсимлаб берсангиз, яна ўзига икки кишилик қўвонч ортиб қолади. Шунинг учун ёлғир араштириб қор ураётган ҳавонинг бузуқлиги ҳам, узундан-узоқ йўл ҳам бизга унча сезилмади. Биз Ғабибуллодан кўп нарсани — ўзининг таржimai холини, Давлаталининг нечта боласи борлигини, гирвонлик танишларимиздан ҳозир кимлар қаерда ишлаётганини билиб олдик. Қўли рўлдаю, бизни эриктирмаслик учун гапни гапта улаб борар эди.

— Тўғилиб эсимни танибманки, филдирак шайдосиман,— дер эди Ғабибулло,— Шуну деб, ўқиш ҳам ўлда-жўлда қолди. «Қизил шахматчи»лик пайтимизда аравақаш эдим. Шу денг, ярим тонна пахтачи ортиб, даладан то учинчи заводгача отимни чоптириб борардим. Кейин биргон аравага ўтдим. Қарасам, от-арва билан тонг отмайдиган. Шофёрликка

ўқидим. Аввал юк машина ҳайдадим. Мана, тўққиз йилдики, Давлатали ақа билан биргачан. Қолхоздегилмизда «Волга»имиз бор эди, энди мана шу «Газикини миньялимиз. Давлатали ақа жуда тўпори, содда одам,— у кишига юриб турса бўлди — машина танламайди. «Э, ақа, унта болангиз бор, рўзгорингиз катта, қурбингиз ҳам етади, битта «Волга»ни олиб, ҳовлининг бир чеккасига қантариб қўймайсизми», десам, «қўйсангчи, Ғабибулло, ҳозирча пиёда қолаётганимиз йўқ-ку, мабодо, ишдан бўшасак, оламда нима кўп — автобус кўп, яёв юрмасмиз» дейди. Агарми, ҳамма Давлатали ақага ўхшаш ишчан, софдил бўлганда, аллақачон олам гуллитон бўлиб кетарди. Аломат одам-да, бизнинг кўжайни!

Ғабибулло сўнги гапни алоҳида гурур билан айтди. Шу пайт рўпарадан шитоб билан қўлида «Москвич» келаверди. Ғабибулло унинг рузида ўтирган кишини тузукроқ кўриб олиш учун энгашиб, астойдил тикила бошлади.

— Ҳа, у эмас экан,— деди машина ўтиб кетган қаддини тиклаб,— Маъмурвойми, дебман...— Бу ном бизда нотанишлиги эсига тушди шекилли, тўлиқ изоҳ беришга киришди.— Бизнинг Гирвонда Маъмурвой деган тракторчи бор. Узи назарга кирмайдиган, ювочи, безор одам. Аммо жуда серферзанд. Бултур, денг, иш ўнгидан келиб, лотерега «Москвич» ютиб олса бўлмасми! Ҳали Намангандан чиқди «Маъмурвойнинг уйи қайда?» деб. Ҳали Учкўрғондан келди: «Машина ютган Маъмурвой шу қишлоқда турадимки!» деб. Одамларда ҳам мўмай пул кўпми дейман, «Москвич»ни баҳосидан икки ҳисса ортиқча оламан деб, хараша қилармиш ҳаммаси. Бутун қишлоқнинг назари Маъмурвойда бўлиб қолди. Одамлар «қани, кўрайлик-чи, Маъмурвой нима қиларкин», деб туришибди. Баъзилар «Аёлманд одам, ўзи бир ёшга бориб қолди, лотереяни сотиб, пулини кичиккага қўяди-да, уйда мазза қилиб ётди кейин» дейишса, баъзилар «Улибмиди, шундай қилиб, унда Гирвондан бош олиб кетгани маъқул» дейишди. Уртада келишмай, гаров ўйнаганлар ҳам бўлди. Кейин денг, бир кун эртапаб туриб қарасак, Маъмурвой ўғилларини ёнига олиб, кўча эшикни кўчиряпти. «Ҳа!» десак, «Сизларни беш-олти кун бир гулуга солдим-да, жиннинманми машинани сотиб, бола-чақаларим билан ҳузур қилганимга не етсин!» дейди. Азамат, кечгача эшикнинг ўрнига дарвозани ўрнатиб, эртасига базадан қизил «Москвич» олиб келди. Мен бояғи машина ўшаникимикан, деб ўйлабман...

Дамкўлга етиб борганимизда, қор ҳам тиниб қолган, пекин осмонда булут қалин эди. Давлатали Ғабибуллони тушириб, рулга ўзи ўтирди. Боғина елдиридек учиб келётган «газик» худди улўғсифат одамнинг сури бэсиб, бирдан ювочи тортган шўх боладай охишта юра бошлади.

Қишда далаи айлашиб, нима ҳам кўрардингиз? Ҳамма ёқ қор. Уйқўга чўмган яланғоч дарехтларнинг шох-бутўғи бўлмаса, йўл ёқасидаги симёғочдан фарқи йўқ. Аммо, ўн олти



АССИН



йил бурун келганимда шу дароҳлар, шу кафдай равон йўллар, шу симёғочлардан асар ҳам йўқ эди-ку! Ҳамма ёқ қажимзор эди. Ёлғиз оёқ йўлдан кетаётиб, «ширт» этган товущидан ваҳимага тушиб, рўпармадан бури ё тўнғиза чиқиб қолмасмикин, деб юрагингизни чангаллардингиз. Энди қамишдан ном-нишон йўқ. Тўрт томон уфққа қадар оппоқ, текис дала. Урасидан ўтган юқори вольтли электр симилар бир маромада гувиллаб, қўриқ ерни сукутга қўшишга қўймайди. Икки ёнда шифер қалпоқли оқ уялар...

— Бу йилдан шу уяларни олиб ташлаймиз,— деди Давлатали «буларга ҳадеб аҳамият бераверманлар» дегандек.— Колхозлар сайёр бригада қақриб юрган кезларда, наридан бери қурилган уялар-да, кичик. Урнига мустаҳкам қилиб, икки қаватли коттежлар қурмоқчимиз. Ҳар бирига иккитадан ҳўжалик киради. Олдида полизга, бочгаси ҳам бўлади...

Давлатали — йилга новча, сувғи йўғон, тўладан келган хитга. Гапирганимда, овози кўксидан чиқибтавган ўхшайди. Шунинг учун гапининг побинини илғаб олиш қийинроқ.

Маллабой ака вафот этганда, у еттинчи синфда ўқир экан. Ота изидан бориб, агроном бўлиш учун қишлоқ ҳўжалик техникумига кирган. У ерда олган билими билан қаноатланмай, Тошкент қишлоқ ҳўжалик институтига ўқишга кетган. Уни 1951 йилда битирган. Шундан бери умри деҳқончилик билан ўтади. Район қишлоқ ҳўжалик бошқармасида, МТС-ларда боз агроном, район партия комитетининг зона секретари, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошлиғи бўлиб ишлаган. Беш йил ўша қишлоқдаги Свердлов номи қолхозга раислик қилган. 1969 йилдан бери Дамқўлдаги «Наманган» совхозининг директори. Совхоз қандай бунёдга келганлигини унинг ўзи шундай хикоя қилади:

— Районимиздаги Свердлов номи, Ленин номи, Қ Маркс номи, «Ўзбекистон» қолхозлари Дамқўлдан ер олиб, деҳқончилик қилишарди. Масалан, бизнинг Свердлов номи қолхозининг ўзи беш йилда 640 гектар ер ўзлаштирди. Аммо, ер, техника бир қўлда бўлгани қайдою, майда-майда сайёр бригадаларга сочиб юборилгани қайда! Марказий Фарғона массивидан ер олган қолхоз раҳбарларининг ҳам кўнгли алағда. Бу ёққа қарайман деса, у ёқдаги иши қўлиб кетади. Ҳар йили баҳорда янги ерда бошқатдан одам таллашади. Келган одамлар эса, кўнглини жам қилиб, астойдил ишлашмайди. Шуларни ҳисобга олиб, ҳўкуматимиз жуда яхши тадбир ўйлаб топди: сайёр бригадалар бирлаштирилиб, 1969 йил бошида «Наманган» совхози тўзилди. Унга шу жойдаги мазанлар қолхози ҳам қўшиб юборилди. Шундай қилиб, чўл ўзлаштирила бошледи. Чинакам план асосида. Мана натижаси: дастлабки йили 1000 гектар ерга чигит экиб, 1650 тонна пахта берган бўлсак, бултур 1500 гектар ерда гўза қўқартириб, 2200 тонна пахта бердик. Мўлжалимиз — беш йиллик охиригача бунга 4—4,5 минг тоннага чиқариш. Тагин қўл меҳнати даярли йўқ. Ҳамма ишни асосан механизация бажаради.

— Аёлман бўлиб қолибсиз, Ғирвондек сўлим жойни ташлаб, чўлга келиш оғир ботгандир?

Давлатали истехзо билан жилмайди: — Солдатимиз, фалон жойга бор деса, йўқ деймизми?! — Сўнг иккидий оҳангда қўшиб қўйди: — Дамқўл — менга қадрдан жой. Яқин ўн йиллик умрим шу ерда ўтган. МТС, райком, «сельхозтехника»да ишлаган йилларим Дамқўлда эдим-да. Бу жойлардаги ҳар бир ариқ тугул, ҳар бир марзани ҳам биламан. Идоранинг орқасидаги янги боғимизни қўрдингизми? Ғирвондаги боғлардан қаери қолшади? Ҳали қараб туринг, Дамқўлни Ғирвондан ҳам ўтказиб юборамиз!

Ота ўғли... Яхши отанинг ўрнини босиб қолган фарзандни бизда шундай деб эъозлашади. Ҳа, Давлатали чинакам ота ўғли! У ҳам отаси каби агроном, у ҳам отаси каби коммунист, ўзини эл-орт хизматига буткул бағишлаган беминнат инсон!

Маллабой ака сулоласида яна бир агроном воляга етиб келаяпти. Бу — Давлаталининг тўнғичи, Бахтиёр. Келаси йили Тошкент қишлоқ ҳўжалик институтида агрономлик дипломини ёқалайди. Ҳозирча практикасида «Наманган» совхозида, дадасининг пикирига ўтказиб, қўзини пишириб оляпти. Ажаб эмас, йиллар ўтиб, агроном Бахтиёр Маллабоев бирон янги усул,

кашфиёт яратганлигининг гувоҳи бўлсак. Ҳа, Маллабой ақанинг руҳи мудом баҳархат! Унинг иши муносив ўринбосар қўлида!

## АНТИҚА ҚИШЛОҚ, АНТИҚА ОДАМЛАР

Колхозга келганимга уч-тўрт кун бўлиб қолди-ю, лекин ҳар сафар клубга кирганимда, бир нарсага ҳайрон бўлаверман: вестибюлга кириш билан қаёққа қараманг, суратлар витринасига қўзингиз тушади. «Актив жамоатчи хотин-қизлар»... «Машъалларимиз»... «Пенсионерларимиз»... «Колхоз ветеранлари»... Назаримда, шу қолхоздаги катта ёшдаги эркак хотиннинг ҳаммасини яхши билган киши орадан анча вақт ўтказиб қишлоққа келиб қолса, ўзи истаган кишининг суратини бу витриналарнинг биронтасидан топиб олиши турган гап. Агар бу ердан ҳам топилмаса, клубнинг нариги ёнбошидаги мўъжазгина хонага ўрнашган қолхоз тарихи музейидан топиши муқаррар. Ҳа, бу қолхозда ҳамма ҳўрматга сазовор, қобил, роийш одамлар экан-да, деган ҳўлоса ўз-ўзидан чиқиб келаверади.

Клубда кишини ўзига жалб этадиган яна бир нарса — деворга бўлиштирилган ўнлаб қикматлар. «Эҳтиёт бўлинг: ҳар туп кўчатда қўнчиликнинг риизи рузи бор»... «Қошиқлаб йиғилганини чўмчилаб совурма»... Вестибюлнинг ўнг тарафида девсрга катта-катта қўйма ҳарфлар билан ёзиб қўйилган мана бундай лавҳа ҳам бор: «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи — ишчи ва деҳқонларнинг социалистик давлатидир».

Ҳа, ҳозир Қуйбеш қишлоқ советидақа антиқа қишлоқ ҳеч қаерда бўлмаса керак. Гапни яна қолхоз раиси Иброҳимжондан эшитинг:

— Қолхозимиз чегарасида костюмбоп газламалар комбинати қурилди. Республикада биттаю битта комбинат. Ҳурсанд бўлиб, шартта эллик гектаз ер ажратиб бердик. Комбинат ишчиларига уй-жой қуриладиган бўлди. Микро-районга деб яна эллик гектар ер кетди. Ишчиларга естироҳатгоҳ керак-ку. Ғирвонсойнинг икки ёнидаги қирқ гектар еримишни икки қўллаб тутдик. Ҳозир ўша ерда биз оромгоҳ яратилаяптики, Шохимардондаги Қўли Қуббонинг ўзи! Комбинатнинг шарофати билан темир йўл бизга аввалдиган ҳам қадрдон бўлиб қолди: Ровустонда каттагина станция қурилиб, поездлар тўхтаб ўтадиган бўлди.

Иброҳимжоннинг овозида заррача шикоят оҳанги йўқ. Аксинча у алоҳида ғурур билан гапирарди:

— Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, комбинатга ер бериб ютқазганимиз йўқ. Шимолий Фарғона каналининг тепасидан бизга беш юз гектар ер ажратишди. Давлатимиз комбинат ҳисобидан каналга насос ўрнатиб бераяпти. Утган йили ўша ернинг, 150 гектарига чигит эдик. Суви водопровод шаклида ер тагидан олиб бордик. Бунақа деҳқончиликни қайда қўргансиз. Аммо ҳўсилимиз чакки бўлмади. Хўллас, қишлоғимиз ҳам бора-бора ўша томонга қўчади, шекилли. Аммо ҳали-бери эмас. Негаки, янги массивни тўлиқ ўзлаштиришга камида уч йил кетади.



«Ловияни қўп еб қўямдигизми?» Қишлоқ насаљхонасининг бош врачси Ҳамидхон Шерғозиев гоҳе беморларни шундай ҳазил билан қарши олади.

Ерини бир чеккадан комбинат, темир йўл станцияси олиб турса, боз устига Марказий Фарғонадаги эпақга келиб қолган 540 гектар қўриқни, ёнига энг янги техникани қўшиб, совхозга узатса, ҳар қанақа ҳўжалик ҳам эсанкараб қолиши мумкин. Аммо бу қолхоз одамларининг антиқалигини қўрингки, улар гўё ҳеч нарса бўлмагандек, берилиб ишлаб келяптилар. Утган беш йилликда пландагидан 1004 тонна пахтани қўп берибдиллар!

— Шаҳарнинг бизга тобора яқин келиб қолгани жуда яхши,— дейди Иброҳимжон.— Маданиятимиз тез ўсяпти. Аммо, бунинг бир чакки томони бор, ҳўлос. Мактабни битирган ёшларимизни қолхозда ушлаб қўлиб қўйинлашди. Комбинат тўфайли транспорт кўшайди. Шаҳарга тушиб чиқиш осонлашиб қолди. Шаҳарда нима қўп — ташкилот, қорхона қўп. Ёшлар ўзларини ўша ёққа уриб кетишмаса. Комбинатнинг ўзи ҳам анчагина йигит-қизларни тортиб оляпти. Энди биз ҳам, қараб турмасдан, қолхоздаги шаронини тезроқ шаҳардагига ўхшатиб оламасқ бўлмайди. Ҳозир бутун кучни шунга йўллаймиз.

Қуйбеш қишлоқ Совети қақикатан маданияти юксалган қолхозлардан. Бунинг учун қолхоз бўхгалтери Маждидхон ака Султонов айтган биргина рақамни келтириш қифоя:

— Буну ҳисобга олиш бизнинг вазирамизга кирмаса ҳам, қайси куну хомачўт қилиб қўрсак, қишлоқда 280 киши олий маълумотли экан. Узоққа бормай, бухгалтерияни олайлик. Ёрдამчиларимдан тўрт киши халқ ҳўжалиги институтини битирган, яна икки киши шу институтида сиртдан ўқияпти. Бизнинг қишлоқдан борган студентларни ҳатто Омскада қўришингиз мумкин, ҳа, ҳа, у ерда ҳам тўрт йигитимиз бор!

Ажаб, бир замонлар поезднинг нималигига ақли етмаган одамларнинг авлоди орасида салкам уч юз киши олий маълумотли! Энди илмага толиб бўлиб, Сибирга ҳам боришаверади!

## ЛОВИЯНИНГ ТАГИ ЧИҚДИ

Қишлоқдан қайтаётган куним эди. Иброҳимжон севинчдан ёрилгудай бўлиб, идорага кириб келди:

— Суюнчи берибг, ловиянинг тагини топдим...

— Ҳўш, ҳўш...

— Қедим замонда бир хон иккита гўзал хотинини қапалик аравага ўтказиб, шеҳардан Хонободдаги қорбоғига қиқарадиган бўлибди. Хонободни биласиз-а, Ровустоннинг тепасидаги қишлоқ. Хон, йўлдаги ҳамма қишлоқларнинг фуқаросига хабар қилинганлар, ҳаммалари уйига кириб, беркиниб ётсин, токим бизнинг хотинларнинг жамолига уларнинг қўзини тушмасин, дебди. Сарбозлар қишлоққа-қишлоқ юр-б, ҳаммани уйига қамашди. Кўчалар сув селгандек жимжит бўлибди. Шунда қапалик аравалар йўлга тушибди. Аммо ғирвонлик икки эркак «қани, хоннинг хотинлари қанақа бўларкин, бира кўрайлик-чи» дебди-да, сабри бошмай, арава ўтиб кетаётганда девордан бошини кўтариб қарабди. Сарбозлар икковини дарров ушлаб, хоннинг ҳўзурига элтишибди. Хоннинг қайфи тороқ экан: «буларга буриндич чиққунча ловия едиришлар», деб буюрибди. Шундан чиққан экан бу патифа.

— Нега ловия едиришга буюради, бунинг нима хосияти бор экан?— дея сўради сўхбатда ўтирганлардан бири ажабланиб.

— Хе, шуниям билмайсизми! Ловия, ахир, совуқ мижоз озақат-ку. Қўп тановул қилган одамни бўлка ноңдай бўшатириб қўяди, деб жавоб берди Иброҳимжон кулиб...

Давлатали Маллабоев билан Тошкентда учрашиб қолган пайтимизда, унга ловия афсонасини айтиб бердим.

— Шуну рости билан Иброҳимжондан эшитдингизми? Шошмай турсин, қайтиб борсам, бир ўзиниям боппай,— деди у ҳазил аралаш муштини қисиб.

\* \* \*

Ғирвон... Уша Ғирвон... Тилларда зарбулмасал бўлган қишлоқ. Энди у тамоған яшариб, ўзгача чирой касб этган. Унинг довуриг ҳам энди бошқа, баландроқ пардаларда қуйилани, мадҳ қилинади. Булар сабаб унинг антиқа одамлари, шу одамларнинг антиқа ишларидир.

Наманган — Тошкент.



# РАДИО ВА ОКТАБРЬ

Болтик флотининг кемалари бир неча кун давомида бир-бирлари-га шартли сигналлар бериб турдилар. Қисқа-қисқа учкун зарядлари охири буйруқларни етказар эди:

- Линкор белгиланган курс билан юрсин...
- Алоқа боғланг...
- Петроград остоналарини ҳимоя қилувчи гарнизон тўла жанговар тайёрликда туриши керак...
- Ҳарбий-революцион комитет талаб қиладики...

Бу телеграф гуруннини соат 21 дан 40 минут ўтганда «Аврора» залли яқунлади. Аммо эфир ҳали саҳродек жимжит эди. Унинг бепоён бўшлиқларида аҳён-аҳёнда ҳарбий маълумотлар, расмий хабарларгина эшитилиб турарди. Жаҳон ҳали Октябрь ғалабасидан беҳабар. Қишлоқ Саройнинг олинганлигини ҳали Москва ҳам билмайди. Денгиз радиопередатчиклари янги хабар кутар эди...

1917 йил 25 октябрь. Эрталаб В. И. Ленин ёзган буюк ҳужжат ҳали В. Д. Бонч-Бруевичнинг уйида эди. Уни жаҳон афкор омма-сига қандай етказиш керак! Дарҳол редакцияларга юбориш керакми! Лекин газеталар фақат эртага эрталаб чиқиши мумкин. Телеграфдан фойдаланилса-чи! Аммо телеграф хабари бир нусха бўлади, уни минглаб адресларга тезда жўнатиш мушкул. Бунинг йўли фақат радио эди. Революция ғалабаси ҳақидаги дохий сўзларни бутун жаҳонга ва аввало «Россия граждандарига» бىр йўла фақат радио орқали етказиш мумкин эди.


Радиотелеграфчи Ф. Алонцев «Аврора» кемасидан революция ҳақидаги хабарни, Тинчлик, Ер ҳақидаги, Совет ҳукумати тузилганлиги ҳақидаги декретларни эфир орқали бутун жаҳонга хабар қилди. Эфир шу топдаёқ сигналлар, шифрларга тўлиб кетди. Радио хабарини Германия, Англия, Италия, Австрия, Болгарияда барча халқ эшитди. Уни Парижнинг Эйфель миноридидаги радиостанция қабул қилди. Шу дақиқадан бутун дунё радиоси Россия ҳақида гапира бошлади.

Кишлоқ Сарой олингандан кейин иккинчи кунёқ Царское Се-ло радиостанциясининг техника комитети раиси Н. Дождиков Смольнийга етиб келди. У эфирдан «ушлаган» чет эл радиограмма-ларини Владимир Ильичга топширди.



Тилларда ва дилларда Ленин.

Р. ШАМСИДИНОВ фотоси  
(УзТАГ)



Тошнентдан қабул қилинган биринчи радиограмма.

В. И. Ленин радистга бундай маълумотларни ҳар кун етказиб бериб туришни айтиди. Эртасига у Центробалт раиси билан телефон-да гаплашаркан: «Республика» кемасида радиотелеграф борми ва у сафар вақтида Питер билан гаплага оладими?», деб сўради. Бу саволга ижобий жавоб бердилар. Маълум бўлдики, совет радиограммалари Европага тўла етиб бораётган экан. Владимир Ильич бу муҳим фақини дарҳол ҳисобга олишни таклиф этди:

«Швед тилида кўпроқ ва батафсилроқ радиохабарлар бериб ту-риш керак...».

«Биз радиотелеграф орқали Париж билан алоқа қилиш имкони-га эгамиз...».

«Ҳозир Килдан халқаро пролетариатга қаратилган радиограмма олдик...».

«... бу хабар радио орқали немис, француз ва инглиз тиллари-да хабар қилинсин».

1922 йил 7 ноябрда, Буюк Октябрь байрами кунин Москва кў-чаларида қизиқ бир автомобиль пайдо бўлди. Узоқдан у қандайдир фантастик кемага ўхшаб кўринарди. Тепасида сим тортилган тўрт бурчак, граммофон қарнайига ўхшаш рупор. Сирли мурватлари оф-тобда йилт-йилт этар эди. Автомобиль ичидан қаттиқ музика ян-гарарди. РСФСРда биринчи кўча радио мана шундай пайдо бўлди.

Шу кунёқ Москваанинг концертларини Иркутскида, Тошкентда, Шимолий Кутбда ҳам тингладилар. Россиянинг бепоён кенгликлари-да музика янгарар эди.

1921 йили баҳорда М. Бонч-Бруевич янги фотоэлемент ик-тиро қилди; у кучайтирувчи лампа билан бирлаштирилса сайёр та-сирларнинг радио тўлкинини тугиб олар эди. Рупорин қора нарсга йўналтирилганда эса, экранда жонли тасвирлар пайдо бўларди.

Шу йили апрелда почта-телеграф халқ комиссари А. Николаев В. И. Ленинга хат ёзиб, рус олимларининг «Радиотелескопия» ишти-ро этишдаги тажрибаларини хабар қилди. Бу телевидениенинг меха-ник схемаси эди.

Тўрт йил ўтгач, механик телевидениенинг дастлабки сеанси бе-рилди, унда Владимир Ильичнинг мақоласи ўқилди, экранда эса томошабинлар буюк дохйининг эфир орқали етиб келган портрет-ни кўрдилар.

Ҳозир СССРда 900 дан ортиқ телевизион марказ ва ретран-спляторлар ишлаб турибди. Совет радиоси 130 тилда гапиради.

Мамлакатнинг 200 дан ортиқ шаҳри Марказий телевидение кўр-сатувларини томоша қилади. «Орбита» системаси эса 142 миллион аҳоли ашайдиган территорияни ўз ичига олади.



# БАХТИМИЗНИ

## ҚУРИҚЛАГАНЛАР



толим устида даста-даста хатлар, суратлар, ҳужжатлар, хотира дафтарлари ва онопларда чизилган хатталар... Уларнинг қай бири билан танишманг, қахрамонлиқдан, жасоратдан ҳимоя қилади. Урушнинг дастлабки кунлари собиқ жангчи Қобил Фозиловнинг ёдида худди нечагидек сақланган. «1941 йилнинг июнь ойида авиаполкимиз Фарбий чегарага яқин — Украинанинг Бердичев шаҳри яқинида ёзги лагерда турган эди, — деб ёзади у. — 22 июнь, эрталаб соат уч яримларда қаттиқ портлашдан чўчиб уйғондим. Чегарани бузиб ўтган фашист самолётлари аэродромимизни бомбардирон қилаётган экан...»

Қобил Фозилов учун Улуғ Ватан уруши ана шундай бошланди. 1941 йил 22 июнь эрта тонгда Қобил ана сингари ўз минглаб Ватан фарзандлари беш ярим миллион аскар, уч ярим минг танк, эллик минг тўп, беш минг самолёт билан мамлакатимизга бостириб кирган фашист галаларига қарши кўракинлари қаллон қилиб муқаддас жангга кирган эдилар. Шимолий Муз океанидан Қора денгизгача бўлган оралиқда қирғин уруш бошланди. Юзлаб-мингаб оилалар номига «қора хат»лар кела бошлади...

«Мен жанг майдонларида самарқандлин дўстим жангчи Хуррамовдан, шерободлик акам Абдуназаровдан, арманистонлик биродарим Анбаряндан, ростовлик ўртоғим Ванядан, озарбайжон Ҳожни бомбодан жудо бўлдим...», деб нуониб ёзади гузорли Нума Ҳимматов.

«Кичкинагина Лангар қишлоғидан 150 навқирон Йигит урушга кетиб, 70 нафари ҳалон бўлди, 50 нафари оғир ярадор бўлиб қайтди, ўттизи эса ном-нишонсиз кетди», деб ёзади яна бир собиқ жангчи Ғози Раҳимов.

Академиш шоир Ғафур Ғулум:

Улуғ жанг қунидир, жангчи беомон,  
Лашкар деган ахир бехатар бўлмас,—

дея бор ҳақиқатни айтиб қўя қолган эди. Бу урушда 20 миллион азиз ватандошимиз келангимиз учун, юртимиз омонлиги учун қурбон бўл-

ди. Собиқ жангчи, бухоролик журналист С. Умаров бу ҳақда шундай ёзади:

«...Уруш туфайли неча юз гўдаклар етим қолди. Сандиқларда, қурпа қатиде оналар сақлаган қанчадан-қанча чопонлар, шойи қийинлар, дўппилар эгаларига насиб бўлмади қолди... Тоқати тоғ ота-оналар бардошига балли!»

Совет кишиларининг она-Ватанга булган муҳаббатини на ўн, на бомба, на жудослик, на одамзод кўрмаган қийноқлар сундирилди, Милсиз жасорат кўрсатган капитан Гастелло, оддий солдат Александр Матросов, Тўйчи Эрийгитовлар сафи кун сайин ненгайиб борди. Уларнинг жасоратини юзлаб жангчилар тақоррлади. Янгиерин Н. Хўнаев шундай қахрамонлиқнинг гувоҳи бўлганлиги тўғрисида хабар қилади:

«Биз Шимолий Кавказдаги Красноармейск шаҳарчасини ҳимоя қилиб, кўп сонли душмани ўтказмаслик учун жон-жаҳдимиз билан олишдик. Шунда позициямиз томон немис танклари ёпирилиб кела бошлади. Ёнгинамда оқолда турган ҳамқишлоғим Нурилла Файзуллаев лип этди юзюрга чиқди. Граната бойламини қўйнига тиқди ю, эмаллаб кетди. Мен: «Ҳей!», деганимча қолавердим. Дам ўтмай у ўзини жудд яқин келиб қолган душман танки остига ташлади. Танкининг нули кўнжа соврилди.»

Даҳшатли жангларда тошлар кунунга айланган, темир тўсиқлар эриган чоқларда ҳам совет кишилари пўлатдек мустаҳкам, матонатли энанлиларини оламга намойиш қилдилар. Яқингача номлари кўпчиликлари таниш бўлмаган Совет Иттифоқи Қахрамонлари: самарқандлин Бакир Мустафоев, андижонлик Усмон Ёнубов, 24 ёшида гвардиячи майор бўлган батальон номандири булунгурлик Аҳмаджон Қурбонов, нарпайлик Сафар Хушназаров шулар жумласидандир. Уларнинг қисқа, аммо мардона ҳаёти достонларда куйланишга лойиқдир.

— Мен фронтга узатишда «Болам оғ бориб-саломат келгин», деб бағрига босиб йиғловчи онам, «арслон ўғлим, ёрни янчиб, омон қайтгин» дегувчи отам йўқ эди,— деб ҳимоя қилади Очил Абдуллаев.— Қиймат деса дегудек урушларга кириб чиқдим, лекин бошим тошдан эканми, омон-эсон қайтиб келдим. Баъзан бунга ўзим ҳам ишонмайман...

Ватан устига ёрилган фалокат билан бир вақтда Очил Абдуллаевнинг бошига ҳам оғир кулфат тушди: бир йил ичиде отасидан, онасидан, севган қизидан айрилади. Бу мусибатдан юрак-бағри қон бўлган Очил ўз ихтиёри билан фронтга жўнайдди.

Қора денгиз, Ворошиловград, Сталинград жангларида қатнашган бу оддий солдатнинг қисмати ўзи бир китоб. Очил ака ҳозир Тошкентда, сантехника буюмлари заводиде монтаж бўлиб хизмат қилади. У ўн фарзанднинг отаси. Ўз нурули билан ҳимоя қилган адолатли социалистичн тузум самараларидан эл натори баҳраманд бўлиб бахтиёр яшамонда.

Сталинград жангининг қатнашчиси полкин ўқитувчи Турди Толипов ўша қонли кунларни шундай эслайди: «Совуқ 30 дарама, Ёйдиган озиқ-овқатимиз музлаб қолган. 15-мотомеханикалашган ўқичлар бригадасига қарашли полимиз Котельников станциясини озод қилиш учун олдинга интиломонда эди. Ениб битган мактаб боғиде бир неча ўқувчини дарслик китобларига қўшиб қоринларидан дарахтга михлаб қўйилганини кўрдик. Шунда фашистларни битта қолдирмай қирмагунча қўймаймиз, гуноҳсиз осилганлар учун ҳасос оламиз, деб қасам ичдим».

Сталинград жангиде қаттиқ қирғин жангин инсоният тарихи кам кўрган. Душман шаҳарни бомбардирон қилиш билан қаноатланмай самолётда ёнувчи моддалар тўлатилган бочкалар ташлаган. Шаҳардаги ёнғин алангаси 80 метрга етди. Чанг-тўзон, қопқора тутун қўш юзюни тўсиб, кундуз билан туннинг фарқига етиб бўлмай қолган. Бу даҳшатни ўз кўзлари билан кўрган, бардош берган элдошларимиз кўп бўлган. Абурураҳмон Расулов, Пулат Ғаниев, Амир Холтўраев, Воҳид Зоҳидов, Янгиёбий Бекмуродов, Бердий Хуррамов, Саттор Холқов, Исокул Тўйчиев, Жўрабой Мирзаев, Иброҳим Маллаев, Норул Рашидов, Нейматулла Алишев, Эргаш Аҳмедовлар ана шу буюн жанг қат-



Врач қабулига олтиш беш-етмиш ёшлар чамасидаги бир киши кирди:

— Уғлим, рентгендан ўтиб келинг деган эдингиз, мана қозғи, — деди.

Еш врач рентген плёнкасини қироққа тутиб узоқ тикилиб қолди. Ўнғ аттанг дегандек бош чайқади:

— Ота, йўталиб турибсиз. Бу дейман роса папирос чекар экансиз-а?

— Йўқ, ўғлим, сира чеккан эмасман.

— Ростини айтинг, мана, плёнкада доғ бор...

— Ҳм... Ғапим рост, мен ҳеч чекмаганман.

— Упкангизнинг чап ёғиде нўхатдай доғ бор. Шундан хавотирланиб айтаямман,— дея ўқитишди врач.

Отанинг кўзлари сал катталашиб, қаёллари уни узоқларга олиб кетди.

— Хавотир олманг, врач ўғлим. У доғ сиз ўйлагандек касал-

лик белгиси эмас. Ундан ҳам батари — фашизм асорати. Мана кўринг,— дея у ечини кўкрагини кўрсатди.

Врачнинг кўзи юрак устидаги кичкина чандиққа тушди.

— Буни қаранг-а, у шундоқки-на эт билан суюгиниз ўртасиде турибди. Олдириб ташласангиз бўларди, отахон.

— Нима қилман олдириб. Операция столига ётишга сира тоқа-

## Юракка қадалган снаряд парчаси

— Фронтда... Юрагингизга ўқ текканми?

Беморнинг юраги устини пайпаслаб кўрди. Қаттиқ бир нарс бармоқларига ботди.

— Уқми?

— Снаряд бўлаги, — деди ота.

тим йўқ. Ун бир марта ёганим етар. Осколка ҳозирча азоб бермаяпти. Шамоллаб қолдим шеккили, қуруқ йўталу, бош оғриғи қийнапти. Яна қандайдир лоҳаслик, дермонсизлик сезялман, Шунга келувдим.

9 май—

Ғалаба кун



нашчиларидир. Улар редакциямизга йўллаган мактубларида ўзларни қатнашган жанг эпизодларини хикоя қилганлар.

Ленинград қамали, ленинградликларнинг матонати Ватанимиз тарихида ўчмас аз қолдирган. Бу шаҳар учун 1941 йилнинг сентябритдан 1944 йилнинг 27 январигача, яъни душман қамалини ёриб ўтилувчи қадр бўлган жангларда қатнашган ўзбек йигитлари Баҳром Равшанов, Қодир Исомов, Едгор Омонов, Абдулла Раҳматов, Тўхта Хониевлар редакциямизга ўз эсдаликларини юборганлар.

Шамсия Ҳатамова деган қиз қаҳрамон шаҳар ҳимолсининг қиз-нашчисини Иброҳим Тошев оғзидан эшитганларини ёзиб юборибди: «Чирсиллама совуқ эди. Позициямизга Ленинград фронтининг қўмондони келди. У менга ачинлашиб:

— Иссиқ юртинг боласига ўхшайсан,— деди.

— Худди шундай. Ўзбекистонданман, ўртоқ қўмондон!— дея жавоб қилдим.

— Совуқ қотмайсанми?— деб ҳол сўради.

— Ленин шаҳри учун жанг қилиб турганда совуқ қотиб бўлар эканми, ўртоқ қўмондон!

Днепр дарёсидан кечиб ўтиб душманнинг додини берган ўзбек йигитлари ҳам қўп.

«Қоронги тун эди,— деб ёздаи наманганлик Ироҳимон Эгамбердиев.— Тревога билан уяғандик. Дарё бўйига тушиб резина қайиқларга ўтириб, моторли қайиқлар шатағида Днепрнинг ғарбий қирғоғига қараб сузиб нетдик. Дарёнинг ўртасига етмасизданю душман сезиб қолди. Атрофимизда миналар, снарядлар портлаш бошлади. Ен-веримиздан ўқлар «виз-виз» учиб ўтиб турибди. Шунга қарамай, орқага қайтмадик. Қирғоққа етдигу тиш-тироғимиз билан ёпишиб олдик. Шу жангда кўп кишиларимизни йўқотдик. Менинг томикистонлик дўстим Афандиев ҳам қаҳрамонларча ҳалон бўлди. Биз оз бўлишимизга қарамай, беш кеча-кундуз жанг қилдик. Беш кеча-кундуз туз тотишиниқ имиони бўлмадик... Ҳар кунни немислар олти-етти марта ҳужум қиларди. Ватаномиздан бор-йўғи 15 киши қолдик. Шу жангда контузия бўлдик. Қўлларим, юзларимдан яраландик, чала ўлиш ҳолда эдик. Бешинчи кунни тонгда дарёдан ёрдан ўтиб келдик. Бизларни Велико-Зеленовка кишлогига жўнағишдик».

Тошкентлик Гулом Исахонов ўша кунларни шундай хотирлайди:

— Немислар тўп ва миномётлардан биз тушган солни ўнча тўтар, атрофимизда ёрилган снаряд ва миналар Днепр сувини теран бўйга кўтариб тепамиздан қўяди. Аммо бахтимиз чоғиб, шикастланмасдан на. риги қирғоққа ўтиб олдик...

Бухоролик Хол Махмудов ҳам Днепр учун бўлган жангларда қатнашган:

— Дарёнинг қоқ ўртасига борганимизда ракета ота бошлади. Ракеталардан зим-зиё тун кундуздай ёришиб кетар эди. Душман бизни кўриб қолди. Устимизга ўқ ёғдира бошлади. Қайғимизни чўқди. Қўлимда кўп пулемёти, дисналар. Чўча бошлаганимда шерилларим ёрдамга келди. Олти киши ғарбий қирғоққа суза бошладик. Фақат уч киши дарёдан омон-эсон ўтдик...

Дилмурод Юбаев, Убайдулла Масолиев Ватанимиз пойтахти Москва мудофасида иштирон этганлари ҳақида хикоя қилганлар. Муталибжон Мамадулов, Мамадали Туланов, Абдуҳомид Эмоматов, Баҳо Саидов, Иброҳим Соидов, Муртазо Бердиев, Ойёй Сайрамов, Мамаиқидди Тўрабоев, Сиддиқ Соиров, А. Мамаиризаевлар эса хотирларига «Мосивадан Берлингача» деб сарлавҳа қўйганлар.

Фашистлар билан жангларда ўзбек чавандозлари аюойиб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганлар, Андиқонлик И. Мирзаев, фарғоналик Р. Сатторов, ана-уна Тобшоеновлар, наманганлик Б. Мансуров каби кўплаб отлик асарлардан ҳам хатлар келган:

— Урмон ичидаги йўлда бир олдиқнинг иорасини кўрдим,— деб ҳўла қилади избосанглик Маҳнамбой Аҳмадалиев.— Лейтенант Қўлиевдан ижозат олиб, олтиқни қувалаб нетдим. Немис офицери экан. «Тўхта!» деб қичқирдим. Офицер ота бошлади. Қулгани тағидан учта ўқ ўтиб

нетди. Отим чоғири эди. Немисга етиб олдим. Гўппонча ўқталган қўлига ичиқ уриб яраладим—да, шартта эгардан узиб олиб эгарга унгардим. Бу воқеа 1941 йил 7 ноябрда юз берди. Менинг Октябрь байрамини «совгам» шу бўлди. Немис офицерино Москвага жўнатдик. Қўмондонлик бу хизматим учун мени Жанговар Кизил Байроқ ордени билан мунофотлади...

Москва остонасида фашистлар натта талафот берди. Сталинград жанги гитлерчилар армиясини ҳалокат ёқасига олиб бориб қўйди. Армияимизнинг 1944 йилда устма-уст берган ўнта қақшатқич зарбаси фашист қўшинларини бутунлай ҳолдан тойдирди. Берлин учун бўлган жангларда 8в тиз чўқиди, таслими бўлди. Шу жангларда иштирон этган собиқ жангчилар Андиқон областидан: К. Қирғизов, У. Холиқов, М. Мирзаев, Ф. Рўзиев, М. Қаҳрамонов, Р. Омонов, Ҳ. Мўминов, Ҳ. Холматов, И. Мавлонов С. Ботиров, С. Сатторов; Бухоро областидан: М. Алиев, Е. Обидов, Ф. Ражабов, Т. Шарипов, М. Замолитов, М. Раззоқов, В. Арслонов; Наманган областидан: Д. Отахонов, М. Саидов, Н. Уматов, О. Тоҳиров, Т. Рустамов, Л. Д. Коган; Самарқанд областидан: Ж. Раҳмонов, А. Болтаев, М. Жўраев, Ҳ. Шобўтаев, Қ. Қўрдошев Ю. Раҳимов, Т. Жумаев, Ж. Ражабов, О. Худойбердиев, Қ. Омонов, Ҳ. Ашуров, К. Маматов, Т. Бобоназаров, А. Ризаев, Д. Суяров; Сурхондарё областидан: Э. Норбоев, Д. Жумаев, И. Эрдоноев, И. Зшқулов, Н. Садиоров, Ж. Ҳокер; Сирдарё областидан: Ш. Маҳмамов, Т. Остонакулов; Тошкент шаҳри ва областидан: М. Аҳмедов, Қ. Норматов, Э. Абдураҳимов, К. Раҳимзода, Ж. Расулов, М. Файзиев; Қақшадарё областидан: Н. Шуңуоров, Р. Имомов, А. Омонов, Қ. Қўлмухамедов; Фарғона областидан: Т. Дадабоев, А. Холматов, И. Тўхтасинов, Ҳ. Ҳайдаров, В. Жўраев, Ҳ. Азимов, Ҳ. Уматаллиев, Қ. Мамаев, М. Хусанов, Т. Наримов, Қ. Абдуллаев, Э. Мирво; Хоразм областидан: Ҳ. Собиров, Р. Авазмуродов, А. Рўзиматов, М. Садиоровлар ҳам урушда нўрган-кечирганларини редакциямизга ёзиб юборганлар. Бу хатларнинг ҳар бир сатридан совет ишчиларининг бардоши, жасорати яққол кўриниб туради.

«Санбатдаги меҳрибон ҳамширалар оғриқни босадиган дори ичирди. Ботинкамнинг ипларини ечишди. Бироқ ботинкам чиқмади. Чунки оғвим совуқдан шишиб нетган эди. Ботинкаларимнинг тумшўғигача пичоқ билан кесиб олишга мажбур бўлишдик»,— деб эслайди зоминлик Урлобй Ҳўмабенов 1943 йил 27 ноябрда нечасини.

«Мен 1942 йилдан 1945 йилгача 10 000 километр масофани пиёда босиб ўтдик. Шу давр ичида кам деганда 200 марта ҳужумда қатнашдик. Кўп марта яраладик, Чап кўзимнинг четига 25 йилдан бери немис миносининг ларчаси турибди. Ленин яшайлган»,— деб ёздаи пай-ариқлик гвардиячи Бапул Ҳасанов.

«Қаттиқ жанг билан Харьковга яқинлашдик. Бир кишланда оқоп қазиётганимда душман самолётлари бомба ташлади...

Бу ҳодиса 1943 йилнинг декабрь ойида содир бўлди, Ҳўшимга келганимда кўларим болғиқ госпиталда втган эканман. Врачлар бир нўзини операция иқлиб олиб ташлади. Иккинчисини ҳам қаттиқ изроҳатланган. Ленин уқинмайман. Озодлик учун, Ватан учун жон фидо қилсақ арзийди»,— деб ёздилик Тошиқидин Дадабоев.

Ҳа, 1418 кунга қўзилган оғир жанглар жароҳати ҳамон баданларда сақланган. Ота-оналар, ана-уналар, опа-сингиллар қалбчини ҳамон зир-қиратади.

Фашистлар Германияси устидан қозонилган Ҳалаба кунини — 1945 йил 9 майда бир йўла 1000 тўпдан 30 марта ўқ узиб салют берилди. Бу буюқ тантананда ҳаққимизнинг минг-минглаб асл фарзандлари қатнаша олмади, бу оламшумул тантанани кўрмади. Жанг майдонидан қайтмаган мардларнинг номи, хотираси авлодлар қалбига абадий яшайди. Биз билан галаба байрамида қатнашган, ёнма-ён ишлаётган, ёнма-ён яшавтган собиқ жангчилар ҳўрмати эса доимо дилимиз тўрида!

Улуғ Ватан урушида совет солдати, совет ҳалқи қозонган галабаниннг шон-шўҳрати ҳеч қачон сўнмайди.

М. БЕК

— Кечиринг, ота,— деди врач беморнинг анкетасига қараб,— Кўчкор ота, айтинг-чи, бу воқеа қачон бўлган эди?

— 1944 йилнинг ёзда, пишиқ-чилик эди. Биринчи Украина фронтига қарашли 240-ўқчилар дивизияси, 188-ўқчилар полкининг бир ротасига командирлик қилардим.

Украина ерларидан фашистларни қўзиб қичираётган эдик. Гороховка кишлогига бўсағасида бир оз нафасни ростлаб олиш учун мудофаага ўтдик. Бир кеча шу ерда тунашга тўғри келди. Эртасига тонг билан ҳужумга ўтамиз. Бу ҳақда ротамга полк командиридан буйруқ келди. Буйруқни чап чўнтагимга солиб қўйдим. Чўнтагимда асир тушган бир немис офицериинг шахсий номери бор эди. У бир парча оқ алюмин бўлиб, никелланган орқа томони — кўзгу ўрнида фойдаланилар экан. Шиша кўзгулар ҳадеб синиб қолавергани учун,

вақт-бевақт соқол олиб турарман деб, олиб қолгандим.

Шундай қилиб, десангиз, эртасига тонг билан ҳужумга ўтганимизда снаряд бўлаги худди шу еримга келиб тегса бўладимки! Осколка буйруқ ёзилган қозонин, партибетимини ҳам, ўша алюмин кўзгучи тегиб, ана шу еримда туриб қолган,— деди Кўчкор ота юрагини ушлаб.

— Дастлабки кунлари бир оз оғриб юрди, кейин унутиб юбодим.

Фашистларни қувлай-қувлай Берлин остонасигача бордик. Берлинга атиги етмиш-саксон километр қолганда, Германиянинг Форстинга шаҳри учун бўлган жангда чап оғимдан оғир яраландим. Бу ўн биринчи марта ярадор бўлишим эди. Буниси мени саяфдан чиқарди.

— Яшакни, ўша «кўзгу» ва ҳужжатларингиза чўнтагингизда экан. Осколканинг кучи анча қирқилди, бўлмаса...— деди врач ачинган бўлиб.

— Кейинчалик тегиш партибетимни ҳарбий-сиёсий ботқармада алмаштириб беришдик.

— Иродангиз зўр экан, ота-хон,— дея врач Кўчкор акага дори-дармон ёзиб берди. Уни кўчага кузатиб қўйди.

Кўп ўтмай Кўчкор ака дам олиш уйига жўнади. У ердан қайтиб келса, уйига қақриқ қозғиз юборишди, уни олиб Тошкент шаҳар Октябрь район ҳарбий комиссариятига борди. «Қариган пайтимда кимга керак бўлиб қолган эканман-а!» деб ўйлади у.

Собиқ рота командири, запасдаги старший лейтенант Кўчкор Мирзаевни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, полковник Ботир Бобоев саниқини қўлади. Ота бир йўла бешта ҳўкумат мукофотини топширди.

Булар ичида биринчи даражали Ватан уруши ордени, Кизил Юлдуз ордени ва медаллар бор эди. Ота ўзи шон-шўҳрат ортидан қўмаса ҳам, шон-шўҳрат

уни излаб юрган экан. Йигирма беш йил ўтгандан сўнг бу юксак мукофотлар ўз эгасини топиқ олди.

Кўчкор Мирзаев Улуғ Ватан уруши бошлангунга қадар партия ходими эди. 1930 йилдан буюн КПСС аъзоси бўлган ота-хон фарзандларини ҳам Коммунист партия ва ҳалққа содиқ қилиб тарбиялади. Катта ўғли Холмирза ҳам Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси. Ота-бола бир қисмда хизмат қилишган. Катта сержант Холмирза Мирзаев жасорати ва мардлиги учун бир неча марта ҳўкумат мукофотлари билан тақдирланган. У ҳозир Бўзсувда механик бўлиб ишлайди. Қолган фарзандлари ҳам ҳаётда ўз ўрнини топган кишилардир.

Улуғ Ватан урушининг ветерани, камтар коммунист Кўчкор ота Мирзаев ҳозир шахсий пенсияда. У Тошкент шаҳрида фаронов ҳаёт кечирмоқда.

СОБИТ ҒОҒУРОВ



ик-чик, чик-чик, чик-чик...

Рўпарамдаги деворда осиглиқ турган соатга кўзим тушиб, анграйиб қолдим. Бу ўша соатми ёки... Бехитиёр ўриндан туриб кетдим, деворга яқинлашиб, соатга разм солдим. Уша соат!.. Фақат... у пайтда юрмас, бир умр тўхтаб туришга маҳкум этилган эди, энди унинг капкири бир меъёрда тебраниб турибди. Ажабо...

Бу ерга тўрт йил илгари ҳам колхоз раисеси ҳақида очерк ёзгани келганимда соат тарихини, тўғрироғи шу соат гувоҳ бўлган бир муҳаббат тарихини оланинг ўз оғзидан эшитган эдим.

Дала айланиб тушга яқин идорага қайтдик. Опа мени уйига бир пиёла чойга таклиф этди. Шофёр машинани идорага етмай ўнг томондаги кўчага бурди ва қатор тераклар соя ташлаб турган дарвоза олдида тўхтади. Ичкарига кирдик. Ешгина аёл мулозамат билан қаршилади.

— Келиним,— деди Ҳафиза опа, сўнг чап томондаги ойнаванд иморатга ишора қилди:— ўғлимнинг уйи. Мана Буниси меники. Келинлик пайтимдан шу уйда тураман.— Опа айвончадан ўтиб, эшикни очди.— Қани, марҳамат.

Бежирим, чорбурчак даҳлиз орқали гилам тўшалган хонага кирдик. Опа кўрпача ёзиб, ёнимга яшил духоба сирилган иккита болиш қўйди:

— Енбошлаб туринг.

Ҳафиза опа ташқарига чиқиб кетди. Миллий услубда безатилган хонани кўздан кечира бошладим. Қаршимдаги тахмонга кўрпа йиғиб қўйилган бўлса керак, калампир гул қашталанган сўзана тутилибди, тахмоннинг икки ёнидаги тоқчаларга чинни идиш-товоқ терилган. Мебель деб аталадиган ва ҳар бир маданий хонадонда бўладиган буюмлар бу ерда кўринмасди. Тўрдаги дераза олдида мўъжазгина эски ёзув столи билан курси турибди. Полга тўшалган гилам эскириб қолган. Лекин рангини йўқотмабди. Ҳовли ҳам бошқаларникидан деярли фарқ қилмас эди. Мен кўпгина раисларнинг уйини кўрганман, аммо... Қизик, сохта камтаринлики бу ёки...

Шу пайт бир қўлида дастурхон, иккинчи қўлида нон, мева, қанд-курс уйилган патнис кўтариб Ҳафиза опа, орқасидан чойнак ва пиёла олиб келини кирди.

Чой устида об-ҳавонинг ноқулай келганлиги, пахтачилик, умуман, колхоз ишлари ҳақида гаплашиб ўтирдик.

— Энди турсак,— дедим мен бир пайт.

— Овқат пишиб қолди. Идорага чикқанамиз билан экономистлар йўқ,— деди опа деразадан ҳовлига бир қараб қўйиб.— Далага чиқиб кетишган.

— Соат ҳам тўрт бўлиб қолгандир?

Шундай деб девор соатга қарадим. Хали эътибор бермаган эканман. Кўшалоқ занжирига маккажўхоридай иккита чўзинчоқ, бужур қора тош осиб қўйилган, ёғоч қутили, ғоят эски соат. Аммо у юрмас эди.

— Соатингиз тўхтаб қолибди,— дедим.

— Ҳа... Тўхтаб қўйганман,— Ҳафиза опа оҳиста жавоб берди. Йигирма беш йил бўлди...

— Нега?— деб юбордим беихтиёр. Аммо саволим жавобсиз қолди. Оланинг қошлари чимирилди, лаблари қимтилган, ҳозиргина мамнуният балқиб турган чеҳраси бирдан тундлашди, чой қўяётган қўллари сезилар-сезилмас титрарди.

Орага ноқулай жимлик чўкди. Ноўрин савол бериб, мезбоннинг дилини огритиб қўйдимми, деб зил кетдим. Ҳатто оланинг чой узатганини ҳам сезмабман. «Чойга қаранг», деганидан кейингина ўзимга келдим, шoshi пиёлага қўл чўздим.

— Саволимга жавоб бермади, деб хафа бўлманг,— деди опа секин.— Хаёл олиб кетбди... Соатни рostaдан ҳам ўзим тўхтаб қўйганман. Аммо сабабни ҳозиргача бисон кишига айтмаганман... Ҳатто ёлғиз ўғлим ҳам билмайди.— Ҳафиза опа чуқур тин олди, кейин вазмин оҳангда гап очди:— Уруш бошланганда турмуш қурганимизга атиги ўн кунгина бўлган эди...

Опа аёлларегина хос аллақандай ҳиссиёт, ёниқ ички изтироб билан ҳикоя қилар экан, унинг тақдири бутун тафсилоти билан кўз олдимда намоён бўлаётган, ўша воқеаларнинг ҳаммасини гўё сахнада кўраётгандек эдим.

...Мана, Ҳафизахон нонуштага тайёргарлик кўра бошлади. Жалил чўмилгани дарёга кетди.

Ҳафизахон Жалил билан шу дарё бўйида танишган эди. Улар ҳар кунни тонгда, ҳали қуёш чиқмай туриб ўша жойда учрашишарди.

Ҳафизахон барвақтроқ бориб, сувга бир-икки шўнғиб чиққан, Жалилни кутарди. Жалил соҳилга етмасдан оқ йўлаккай кўйлак-шимини ечиб, бир четга отарди—да, чопиб келиб сувга калпа ташлар эди. Ҳафизахон киргоқда, сулага ўхшаш ялпоқ харсанг устида ўтириб йиғитнинг балиқдек шўнғишини, шох ташлаб ангил сузишини завқ билан томоша қиларди. Жалил сувдан чиқиб, артиниби, кийиниб олгандан кейингина кулимсираб, салом бериб қиз ёнига келарди...

Улар турмуш қурганларидан кейин Ҳафизахон истихоло қилибми, дарёга бормай қўйди. Аммо Жалил одатини тарк этмади. Мана, бугун ҳам Жалилнинг яққа ўзи кетди, ёш келин эса нонушта тайёрлагани уйда қолди.


Ҳафизахон сопол косада қаймоқ келтириб, энди дастурхонга қўйган эди, оёқ шарпаси эшитилди. Бошини кўтариб ялт этиб қарадию сочқ ташлаган елкасини эшикнинг кесакисига тираб, кулимсираб турган эрига кўзи тушди. Унинг хиёл қисқик кўзларида бир дунё меҳр балқир, бу меҳр ҳозир Ҳафизахоннинг вужудига, бутун хонага, хонагагина эмас, бутун қишлоққа нур таратаётгандек эди. Ҳатто, Жалилнинг соч ва юзларида, бўйни ва кўксиде йилтиллаб кўринган сув томчиларида ҳам ана шу нур акси бор эди. Аммо ана бир неча дақиқадан сўнг бу нур ғойиб бўлади—да, Ҳафизахон учун қоронғи кунлар, бедор кечалар бошланади. Эри билан бирга қалбидан қувонч, турмушдан ҳаловат кетади.

# БИР УМР ТЎХТАМАСИН

ҲИКОЯ



Муҳаммад ХАЙРУЛЛАЕВ



Расми Э. ОХУНОВ чизган.



Ҳафизахоннинг юраги орзикди. У гўё севгилисини узоқ вақт кўрмай, висолига ташна бўлгандек ўрнидан сапчиб туриб, ўзини Жалилнинг кучоғига отди, олов бўлиб ёнган юзини эрининг гул-гул ураётган куксига босди. Кўзларидан дур-дур тўкилган қайноқ ёш Жалилнинг кўрагида йилтираб турган совуқ томчиларга қўшилди.

Жалил уни бағрига босди, юзларини кафтларга орасига олиб, ёш ялаган ёнокларидан такрор-такрор ўпди...

Чой совиб, дастурхон қандай ёзилган бўлса, шундайлигича қолди. — Ҳафизахон,— деди Жалил хотинининг сочларини силаб,— мен борай.

Аммо Ҳафизахон эрининг қучиб олган кўлларини бўшатмади, аксинча қаттиқроқ чирмаштирди. Агар ўз ихтиёри билан қўйиб юбормаса, ҳозир ҳеч қандай куч Жалилнинг унинг кучиқидан тортиб ололмади.

— Ҳафизахон,— деди яна Жалил секин девордаги соатга бир қараб олиб,— вақт бўлди. Кеч қолмай тагин...

Ҳафизахон бошини кўтариб аввал соатга, сўнг Жалилга қаради:

— Соатни тўхтатиб кетинг.

Жалил тушунмади:

— Нега?

— Сизиз сиз ўтган вақтларни ўлчамим йўқ.

— Вой тентак-эй,— деди Жалил, зўраки жилмайиб,— вақтни тўхтатиб бўлармиди?!  
— Бўлади, мен учун бўлади! — Ҳафизахон ёш халқаланган кўзларини жовдиратиб эрига термилди.— Келганингиздан кейин яна юргизиб юборасиз.

Жалил илтижо билан ўзига термилди турган бу кўзларга узоқ бардош бера олмаслигини ҳис этиб, хотинининг бағридан секин сирғалиб чиқди—да, кўчага отилди.

Ҳафизахоннинг кўллари ҳавода муаллақ қолди. У бир неча дақиқа нима қилишни билмай шу ҳолатда тургач, секин бориб, курсини деворга суриб қўйди—да, устига чиқди. Соатга тикилиб турди. Унинг кичик миля «8» рақамини, катта миля «2»ни кўрсатарди.

Ҳафизахон чиқ-чиқ қилиб беларво тебранаётган капкирни ушлади. Соат тўхтади. Хонага жимлик чўқди. Гўё Ҳафизахоннинг юраги ҳам уришдан тўхтаган эди. Шу ҳолатда ҳушини йўқотди ми ё курси тойиб кетди ми, гурсиллаб йиқилди...

...Ой-кучи яқинлашиб қолган Ҳафизахон биринчи тўлқоини ҳам далада ўтказди. Бригадасидигилар, болага шикаст этмаган бўлсин—да, деб хавотирда эдилар. Хайрият, нозандақина ўғил туғилди. «Хатарли сафардагилар омон қайтсин», деб отини Омонбой қўйишди.

Уруш тугади. Кўнлар кейтидо аммо Жалил қайтмади. Омон эса далада, эгет бошида ўсди.

Фронтдаги жанглар хотима топдию аммо даладаги жангу жадаллар авж олди. Ўша йилни уни ўз колхозига раис қилиб сайлашди. Жанг кўрган, эл кўрган баҳодир йигитлар сайлашди уни.

Ҳафизахон белини маҳкамроқ боғлади. Арслондек эридан жудо қилган душманга бўлган интиқом захрини ҳам, соғинч изтиробларини ҳам, уруш йилларида тортган барча азоб-уқубатларининг аламини ҳам яна ишдан олди.

Энди унинг ягона суянчиғи, овуңчоғи — ёлғиз ўғли Омон. Аммо унинг ҳам дийдорига тўймас, вақтида эркалаб, суя олмас, тонг саҳарда Омон ширин ўйқуда ётганида қўшни кампирга қолдириб, далага кетарди—да, баъзан ярим кечада қайтар эди. Бахтига Омонбой соғлом ўсарди. Ўғ онасининг бир нафас бўш вақти йўқлигини, иши бошидан ошиб ётганини сезгндек, баъзи болапарга ўхшаб инжиқлик ҳам қилмасди...

— Биласизми,— деди Ҳафизахон опа пировардида,— одам мекнатдан қаримас экан, аксинча нохуш ўйларинг, вақтинча бўлса ҳам унутилиб, ҳам билан эзилган юрегинг пича ёзигар экан. Мен бир нарсадан — ёлғизликдан кўрқардим. Чунки танҳо қолдим дегунча ҳар хил ўй-хаёллар исканжага оларди, юрагим ҳаприқиб, ваҳима босарди.

Ҳафизахон опа ҳижосянини тугатди. Урнимдан қандай туриб кетганини билмайман. Соатдан кўзимни ололмайман, ҳаяжонлиб тикиламан. У ҳамон ўша вақтни, Жалил халқини деб, Ҳафизахонни деб, туғилган ўғли Омонбойни деб жангга кетган дақиқаларни кўрсатиб турарди. Чап бурчагида киралашиб қолган ёзув: «1941 йил 5 июль».

Ким билади, балки бу ўша кунга, ўша минутда тўхтатилган ягона соат эмасдир...

\* \* \*

Мана, беш йилдан сўнг мен яна шу соат — бир муҳаббат гувоҳи бўлган соат рўпарасида сеҳрлангандек, қимир этмай турибман.

Шу кўйи қанча вақт ўтганини билмайман. Елкамга қўйилган қўлдан сесканиб, орқамга ўтирилдим. Ҳафиза опа жилмайиб турарди.

— Уйланиб қолибсиз?

Мен ҳамон ўзимга келмаган, шу сабабдан бирон нарса дейишга қодир эмасдим, тахмон томон юз бориб, кўзларим билан соатга ишора қилдим.

— Ҳа,— деди опа қулиб,— бир кунни тушлик қилгани уйга келдим. Жуда нарчаган эдим, пича чўзиллиб ёнбошлай деб бу ерга кирдим. Поёнка қадам қўйида чиқилган тоашуни эшитиб тақво тўхтадим. Соатга қарадим. У юрми турибди... Ҳайрон бўлдим, «Жалил», деб қичқирдим. Зум ўтмай ёнимда катта неварам пайдо бўлди. У соатга ишора қилиб алланималар дерди, аммо мен эшитмасдим, аланг-жаланг бўлиб эшикка кўз тикар эдим. Ниҳоят: «Жалил, келдингми!»— дедим яна ён-веримга қараб. «Бувижон, мана мен»,— деди неварам қўлимдан тутиб. Шундагина ўзимга келдим. Айтгандек, унинг ҳам оти Жалил. Бобосининг стини қўйганми. Лекин ҳамма Дадажон деб чақиради. Мен ҳам. Фақат баъзи-баъзида эркалаб Жалил дейман. Бу «Соатни ким юргизди?» сўрадим умид билан, «Мен, бувижон. Қўлимни тегишим билан юрди-кетди», дейди неварам. Турган жойимда ўтириб қолдим. Узоқ ўтирдим. Неварам эса атрофидан парвона, нима бўлганини тушунмай жос-сарак. Уй суриб кетдим, неварамни бағримга босиб эркаладим, бошини силаб: «Ажаб қилибсан, балли Жалилим!» дедим...

Ҳафиза опа менга қаради. Унинг дала шомолида, саратон офтобига қорайган қорамгаиз зотида, тийрак кўзларида бағри кенг, муҳаббатли чексиз, бардоши метин ёлларимизга хос доноликдан далолат берувчи ажиб бир ифода порларди.

## ҚУРОЛДОШЛАРНИ ЭСЛАБ...

Ватанимиз бошига қора кунлар тушганда афсонавий қаҳрамонлик кўрсатган кантемировчилар дивизиясининг шухрати ҳақида нима эшитмаган дейсиз! 4-гвардиячи дивизиямиз Улуғ Ватан урушининг айна қизиган дамларида — 1942 йилнинг 15 июнида тузилган эди. Унга то галаба кунларигача Совет Иттифоқи Қаҳрамони Павел Полубояров қўмондонлик қилган эди. Сталинград, Прага, Дрезден остоналарида, Дон ва Одер дарёлари соҳилларида гвардиячиларимиз мислсиз жасоратларини нз-моийш қилдилар.

Собиқ гвардиячи сафдошларимнинг шижоатини дoston қилса эрзигулик. Мен мўъжиза деса арзийдиган бир-иккита рақамларни тилга олай. Бу дushmanнинг 55 мингга яқин солдат-офицерини сафдан чиқарганмиз, 5 мингдан зиёд таннини, 21 ярим мингдан ортиқ автомашинасини ва минглаб ажал ёғдирувчи тўпларини яқсон қилганмиз. Ана шу жасоратлари аъзаига гвардиячиларимиздан 31 жангчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони уворинини олишга муваффақ бўлди. Қарийб 2<sup>о</sup> ярим минг жангчи турли орден-медаллар билан мунофотланди. Дивизияга СССР Олий Бош Қўмондонлигининг Ун саноқиз Тақдирномаси берилди.

Орадан чорак аср ўтди. Лекин гвардиячила-

римизнинг босиб ўтган жанговар йўли кеча-гайда кўз ўнгимдан нари кетмаган. Шонли кантемировчи қуролдошларимнинг ёди мени тинч қўймади. Утган йилнинг ноябрь ойида гвардиячиларимиз босган изларни зёброт қилиш учун сафарга отландим. Москвага келдим, ундан сўнг кантемировчилар манзилига йўл олдим. Ўша таниш ўрмонлар... Россиянинг қирчиллама ниши... Урушнинг қаддон тупроқда қолдирган жароҳат излари...

Н-қисмда мени жангчилар иссиқ қарши олишди. Улар турли миллат вакиллари, навқирон йигитлар. Улар сиёсий ва жанговар тайёргарликдан ўтган хушёр, эпчил, бардам жангчилар. Утли курашларда ҳалон бўлган дўстларимни эслаганда дилим бир товуз қомуш тортди, лекин кантемировчилар чинанам ўринбосарларининг пўлат сафларини кўриб кўзим кувонди. Улар собиқ кантемировчиларга содиқ, тинчлик постининг хушёр қўриқчилари.

Еш жангчилар куршовида сўхбатни қизитиб юбордим. Кўнгил қатида ётган гвардиячиларимизнинг мангу ўчмас ва туганмас қиссасини уларга сўзлаб бердим. Етмиш саҳифали ёзма хотирамини дивизия қўмондонлигига топширдим. Дивизиянинг сиёсий бўлим раҳбарлари, партия ташкилотчи чексиз миннатдорчиликларини изхор қилдилар.

Мени гвардиячилар Москвагача кузатиб қўйишди. Қадрдон қуролдошларим босган изларга таъзим бажолаб қайтдим, бугунги кантемировчилар қалбимга ўйр олам шодлини бағишладим.

М. ЗУФАРОВ,  
истеъфодаги гвардия майори



Image del libretto Samatov Alessandro

Milano il 27 OTT. 1945

Еу — разведкачи хужжатидаги сурат. «Саматов Александр» Тугилган йили 15.1.1920. Жойи — Самарқанд (Россия). Бу ҳужжат берилган жой — Милан, Ф. Қазате кўчаси, 7. 10. IX. 1943—2. VI. 1945 йиллар.

У ким? Уруш йилларида Италия, Югославия партизанлари сафида хизмат қилган Шариф Саматов. Шу кунларда у ўз шахри Самарқандда лимонад заводининг ишчиси, Собиқ жангчи ҳозир ували-жували, катта биланинг бошлиғи.



## Осмон кўпиради...

Осмон кўпиради, кул ранг булутлар  
Ва рангсиз шамоллар

янги ҳудудлар —  
Излаб, уфқлардан тошмоқ бўлади,  
Осмон — кўпиради, осмон — тўлади...  
Бунда

ҳамма нарса истар ўзлигин:  
Юлдуз — унутмайди ўз юлдузлигин,  
Шамол — чақмоқ чақиб, ёқади чироқ,  
Чақмоқдан умидвор момақалдироқ —  
Тўйиб қаҳ-қаҳ урниб, бир кулмоқ керак!  
Ҳилол шошилади — ой бўлмоқ керак!  
Булутлар ташланур қуёш устига —  
Эслатмоқ истайди ўзлигин улар.  
Қуёш — бир зум кирар булут тусига,  
Бир дунё нур бўлиб, тагин тугилар...  
Осмон — кўпиради, осмон — тўлади.  
Силкиниб йиғлайди, гоҳо кулади...  
Унда

ҳамма нарса истар ўзлигин.  
Осмон ҳаммасини севади,  
лекин —  
Биргина қуёш деб курашар — яшар,  
Худди  
Йигирманчи асримга ўшар!

Ёмғир ёғар, бир томчи  
Интиҳодир фаслга.  
Ёмғир ёғар, бир томчи  
Ибтидодир фаслга.

Ёмғир ёғар, бир томчида:  
Қишинг совуқ сувади.  
Бир томчида — наваҳорнинг  
Бинафшаранг дастхати.

Ёмғир ёғар, гоҳ бир томчи  
Ҳам ўлим, ҳам онадир;  
Бир-бирида яшарлару  
Бир-биридан тонадир.

Ахир, не ҳам қилсин улар,  
Бугун ёғмоқ муддати...  
Ёйлади томчи бўлиб,  
Икки фасл қисмати.

Гулбаҳор, гулбаҳор, гулбаҳор яқин!  
Музларни йиғлатиб, кўпчигай тупроқ.  
Шамоллар уйғонур, тугилгай чақин,  
Осмонни силкитгай момақалдироқ.

Гултувак изнида синиққан бўйлар  
Елларнинг бағрига отажак ўзин.  
Хонада орзиққан баҳорий ўйлар  
Бойчечак ҳуснига йўллагай кўзин.

Гулбарглар жаранги қўнғироқ мисол  
Толиби ишқларни чорлар чаманга.  
Бир осмон нур бўлиб тикилгай ҳилол  
Иқболи пахтадек оппоқ Ватанга.

Алвон уфқларда ажиб тонг отгай,  
Тонгларга пардоздир орзулар ранги.  
Шудгорда ям-яшил ҳислар уйғотгай  
Бўртган томирларда қонлар оҳанги.

Кетмон дастасига суняиб деҳқон,  
Хирмонни ўйларнак уват бошида,  
Қуйилиб келару зангори осмон,  
Қуёш таъзим этар деҳқон қошида.

Шунда у бир сиқин тупроқни олиб,  
Қуёшнинг лабига тегишар аста:  
Белоён ўлкага доврўқлар солиб,  
Баҳорни заминга айлар побаста!..

Гулбаҳор, гулбаҳор, гулбаҳор яқин!  
Булутлар кўпиргай, кўпчигай тупроқ.  
Шамолни турткилаб, тугдириб чақин,  
Ғолиб қаҳ-қаҳлагай момақалдироқ!


Бир шабнамдек келдик дунёга —  
На бирон гард, на бирор гуноҳ!  
Йиллар ўтди... Бир кунни ногоҳ —  
Сингиб кетдик азим дарёга.

У маъсумлик, софлик йўқ энди,  
Бўтанамиз — жўшиб оқамиз.  
Аммо кўзга дадил боқамиз.  
Йўлимизда майсалар ундиз.

## ОЛТИН

## МЕДАЛЛИ

## МАШИНА



«Ташхимсельмаш» заводининг ижодкорлари пахтачилик машиналари бўйича Давлат лойиҳалаш конструкторлик бюросининг ходимлари билан ҳамкорликда янги машина яратдилар. Бу «ОВХ—14» деб номланган пуркагич-чанглагич машинадан асосан ғуза зараркунддаларига қарши курашда, боғдорчилик ва узумилиқда фойдаланилади. Бу машина ўтмишдоши «ОТН—8—16» машинасидан икки ярим баравар ортқ иш бажаради. Кимёвий дорилар вентилятор ёрдамида пурналади ва 20 метр наридаги усимликка етиб боради. Унинг яна бир муҳим хусусияти шундани, агрегат ёрдамида ғуза барглари тўкиш ҳам мумкин. Бу самолётлар билан ўтказилган дефолиациядан икки-уч баравар арзон тушади. Синовдан муваффақиятли ўтган машина Бутуниттифоқ Халқ ҳўжалиги ютуқлари нўрғазмасининг олтин медали билан мукофотланди.

1971 йилда «Ташхимсельмаш» заводи шу машиналардан 2600 тасини тайёрлаб деҳқонларга юборди.

А. ОБИДУЖАЕВ

Суратда: «ОВХ—14» марнали янги пуркагич-чанглагич машина.



## ОДАМ МЕҲРИ

Қўшнимизнинг бир жуфт тўтиси бор. Уларни поллопонлигидан вояга етказган. Тўтилар темирканот бўлганларида мошдек кўзларини кўкка кўп тикадиган бўлишди. Шабда дарахларнинг шоҳларини шовуллатса ёки мовий осмондан қушлар галаси учиб ўтса, тўтиларнинг тинчи йўқолади. Қафаснинг қилдек симларига тўш уришар, тор масканда пир-пир айланади. Охири, ҳолдан тойган, тиниқ осмонга лочин қараш қилиб, сукат сақлашади... Йиллар, муаллақ патлардек тўзиб ўтдилар. Улар тор қафасда кўним топишди.

Кўнларнинг бирида уларга қисмат кулиб боқди. Эгаси дон сепаиб, суводонни тўлғаздию, дарчани бекитмади. Паришонхотирлик тўтиларга эрк дарвозасини очиб берди. Улар палақмондан отилгандек, кўкка парвоз қилдилар. Эгаси сирдан воқиф бўлди, тахликада қолди. Лекин кўннинг тиғи қайтмай, тўтилар қафасга қайта бор учиб киришди. Бу ҳикमत қаршида қўшнимиз лол эди. Тўтилар тутқунликини тарқ қилмаган, одам меҳри уларни қайтариб келган эди.

## БУЛОҚ


Мингчинорнинг йўлида, адл тоғ этагидан бир зилол булоқ бор. Йўловчи бир кўнмай, кўнли жойига тушмайди. Булоқнинг сеҳри бор. Қизлар кўзгу булоққа қараб, соч тарашади, ўсма кўйишади. Уша булоқ бир гал менинг паришон хаёлларимни ўғирлаган эди... Кичик тош «курси»га ўтирдиму, сувада соямни кўрдим. Билинар-билимас ажинларимгача аниқ кўриниб турарди. Ҳаял ўшамай, булоқдаги аксим исзис йўқолди. Булоқ тубидан оппоқ булутлар сузиб ўтди. Булутлар подаси ортида эса тубсиз зангори осмон. Қарасам, булутлар билан бирга мен ҳам кинотда сузиб юрибман. Бошим айланиб

кетди. Бир маҳал булутлар подаси чекиндию қуёш булоқда қалқиб қолди. Аллани ханжардек ярқираб, қуёшга шартта тиг тортиди, қуёш симобдек бўлак-бўлак бўлиниб кетди. Ана шундан кейингина ўзимга келдим... Мен чалқанча тушиб ўйнаётган балиқнинг қилигидан сўнггина ҳушёр тортибман. Қуёшни парчалаган, булоқ сиртига дарз кеткизган ўша балиқ экан.

Бу йил ҳам Мингчинорга йўлим тушди. Ажабо, сеҳрли булоқ ўрнини қамиш ва қурбақа кўрпалари босиб ётарди. Мингчинорликлар чўлга кўчиб кетишди.

Мурод ХИДИРОВ

## НОДИР АГРЕГАТ



Машинасозлик бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг инженер-конструкторлари «Ташсельмаш» заводининг ижодкор коллективи билан ҳамкорликда «ХН—3.6» марнали янги «зангори нема» яратдилар. Тақомиллаштирилган бу машина «Ўзбекистон» каби тўрт қаторли, Лекин қатор оралири бир ярим баравар кенг, яъни 60—90 сантиметрларда. «МТЗ—50Х» тракторига тиркалади. Енгил, қулай ва чидамли бу агрегат бир кунда 300 теримчининг ишини бажаради. Янги машина 1971 йилнинг иккинчи кварталдан «Ташсельмаш» заводида кўплаб ишлаб чиқарилади.



## Таклифлар, истаклар

КПСС XXIV съезди Директиваларида «Ер эрозиясига қарши ҳар томонлама кураш олиб бориш...» масаласи кўйилган. Шу муносабат билан мен Бекобод шамоли ҳақида баъзи бир мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман. Бекобод шамоли Урта Осиёдаги энг кучли шамоллардан бири ҳисобланади. У эни 9—40 километр, бўйи 70—75 километр келади «Фаргона» ёки «Ленинобод» дарвозаси орқали эсади. Дарвозадан Сирдарё области томонга эсувчи шарқий ва шарқий-жанубий шамоллар «Ховос» ёки «Бекобод» шамоллари деб, дарвозадан водий томонга эсувчи шамоли эса «Қўқон» шамоли дейилади. Маълумки, Фаргона водийсининг шимолий, шарқий ва жанубий томонлари 4000—5000 метрли баланд тоғлар билан ўралган. Водийнинг фақат ғарб томони очик—бу ерда Ленинобод йўлаги бор. Шунинг учун Фаргона водийсининг ҳавоси бошқа жойлар ҳавосидан фарқ қилади. Урта Осиёнинг шимолидан келадиган совуқ ҳаво оқими республикамизнинг жанубий қисмларига ҳам кириб боради. Ана шундай ҳаво оқими Сирдарё области ва Далварзин чўлига келганда, унинг олд томонида ҳаво илқроқ, бинобарин босим паст бўлади. Бундай пайтда Фаргона водийсидаги кучли босимли совуқ ҳаво ғарб томонга оқди ва «Фаргона дарвозасидан» қисилиб чиқиб Ховос томонга қаттиқ куч билан эсади. Бу шамол «Бекобод» ёки «Ховос» шамоли дейилади.

Лекин бу шамол ҳар доим ғарбга эсавермайди. Арктикадан келган совуқ ҳаво Фаргона водийсиз ҳам кириб боради. Натижада ҳосил бўлган қаттиқ шамол водийнинг ғарб томонидан унинг ичкарасига томон урлади. Йил бўйи ўрта ҳисобда 48—52 кун кучли шамол бўлиб, кўпинча қиш даврида—ноябрь ойида бошланиб мартада тугайди. Қишда унинг тезлиги секундига 25—30 метр, айрим пайтларда 45 метрга етди, ёзда эса 10—15 метрдан ошмайди. Кучли Ховос шамоли 1—3 кун ҳатто 5 кунлаб давом этади.

Ховос шамолидан Сирдарё области ҳамда Фаргона водийи, Қўқон атрофи районларининг экинлари аинқиқа катта зарар кўради. Баҳор чоғлари эган бу шамол эндигина униб чиқаётган мурғак гўзаларни нобуд қилиб қетади. Чигитни икки-уч мартадан қайта экишга тўғри келади.

Олимлар экин картаси эни 100—120 метрдан ошмаса (картанинг узунлиги қанча бўлса ҳам бўлаверди) шамолини анча тўсишга ёрдам беришини аниқлаганлар. Картанинг шамолга қарама-қарши эни 100 метр бўлса, шу масофадан кейин 5—10 метр ер ҳайдалмасдан қолдирилиб ихотазорлар яратилса, шунда тупроқ ва экин шамолдан зарар кўрмайди. Ихота дарахтлари шамолининг кучини сусайтиради, тупроқнинг устки қатламида кўпроқ нам сақлаш имконини беради, тупроқдаги намнинг буғланиб кетишини ва ўсимликларнинг транспирациясини

озайтиради, бу эса сугориб шохобчаларига кетадиган сарфларни камайтиради. 1960—1966 йилларда шамол республика колхоз ва совхозларидagi экинларнинг 250 минг гектарини бутунлай нобуд қилган. Биргина Фаргона областида шамолдан колхозларда 185 минг гектар, совхозларда эса 25 минг гектарга яқин ердаги экин зарарланган.

Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалик министрлигига қарашли тупроқшунослик илмий-тектириш институти олимларининг Фаргона областидаги Киров ҳамда Жданов номи совхозларда олиб борган тажрибалари шуни кўрсатадики, мазкур совхозларда ихотазорлар ва бошқа тўсиқлар ташкил этилмасдан олдин қишлоқ ҳўжалик экинларининг 75 процентга яқини шамол эрозиясига дучор бўлган. Баъзан чигит 2—3 марта қайта экилган. Биргина Киров номи совхозда шамол 3087 гектар майдондаги гўзага зиён етказган. Олимлар шу майдонларни шамолдан тўсиқ чораларини кўрганларидан сўнг (кузги бугёда, жавдар, ихота ўрмонзорлар) пахта ҳосилнинг 8—12 центнердан 20—25 центнерга ошганлигини аниқладилар.

Ихотазорларнинг фойдаси равшандир. Бундай майдонларда ўсимлик нормал қалинликда ўсади, гўза типидagi қўсақлар сони кўпаяди, кўсак анча барвақт очилди, ва ниҳоят, пахтанинг ҳосилдорлиги 2—2,5 баробар ошди. Ихота дарахтзорлари «биологик зовур» вазифасини ҳам ўтайди. Тупроқ юзасини салқин сақлаб, намнинг буғланишини камайтиради. Ариқ ва каналлардан сизиб тушайтган сувларни транспирация орқали чиқариб юборади. Натижада тупроқларда шўрланиш жараёни камайтирилади. Урта Осиё ўрмончилик илмий-тектириш институтининг илмий ходими А. М. Молчанованинг берган маълумотларига қараганда, баландлиги 6—8 метргача етган ихота полосаси 60—80 метргача ерни шамол эрозиясидан сақлайди.

«Октябрь 40 йиллиги» совхозида ихота дарахтзорлари билан тўсилган 865 гектар ердан 1600 тонна пахта олинган ҳолда, дарахтзорлар билан тўсилмаган 886 гектар ердан ҳаммаси бўлиб фақат 826 тонна пахта териб олинган. Шамол эрозиясига қарши кураш, бу—мўл пахта ҳосили учун курашдир. Шамол—энергия манбаларидан бири, қисобларга қараганда бизнинг мамлакатимиздаги шамоилар энергияси бутун мамлакатда беш йил давомида ёқиладиган кўмир энергиясига тенгдир. Шунинг учун олимларимиз шамоил энергиясидан фойдаленадиган электростанциялар, насослар ва шунга ўхшаш машиналар ишлаб чиқаришга ҳарақат қилмоқдалар. Бундай станциялар кучли ва мунтазам шамоил эсиб турувчи «Фаргона дарвозаси»да ҳам қуриلسа фойдали бўлар эди.

Камол ҚУРБОНОВ,

Ўзбекистон Фанлар академияси география бўлимининг илмий ходими

## БЕКОВОД ШАМОЛИ

Гўштининг мўл бўлишида балиқчиликни ривожлантиришнинг аҳамияти борми? Менимча бор. Агар гўшт дўкони ёнида тирик балиқ ҳам сотилаётган бўлса, табиийки, кўпчилик типирчилаб ётган балиқни харид қилади. Бу эса аҳолининг гўшта бўлган талабининг бир қисмини қондиради. Тўғри, балиқ мол гўшти ўрнини ҳамма вақт ҳам босолмайди. Аммо балиқ гўшти чиқими камлиги, оқсилга бойлиги каби айрим хусусиятлари билан мол гўшtidан ҳам устунлик қилишини олимлар аллеқачон исботлашган. Бунинг устига, балиқ мол гўшtidан икки хисса арзон ҳам.

Аммо республикамизда сув ости чорвачилиги ҳисобланмиш балиқчиликни ривожлантириш учун катта имкониятлар борлигига қарамай, бу соҳа оқсоқ бўлиб қолмоқда.

Республикамиз денгиз ва океанлардан анча узоқда жойлашган бўлса-да, 100 минг гектар майдонни эгаллаган 13 сув омборимиз бор. Бундай сув ҳавзалари йил сайин кўпайтириляпти. Ана шундай сув омборларига яқин бўлган шаҳар ва посёлкаларнинг аҳолиси қисман бўлса-да, тирик балиқ билан таъминланаётганлиги қувончли ҳол. Бу сув ҳавзаларининг ўзида ҳам балиқ урчатишини яхши уюштириб, балиқ гўшти тайёрлашни ҳозиргидан 1,5 хисса кўпайтириш мумкин. Аммо ўшанда ҳам балиқ гўшти етарли бўлмасди. Балиқчиликни ривожлантиришнинг ягона манбаи сув ҳавзаларидир, десак бирёқламалик бўлур эди. Республикамизда тобора кенгайиб бораётган шолиторлар балиқлар учун энг яхши «яйлов» бўлиши мумкин. Шолиторларда сув 115—120 кунгача туради. Бу муддат балиқ уруғларининг воляга етиши учун етарлидир. Ана шу муддатда айрим нав балиқлар 400—500 граммгача тош босадиган бўлади. Кузда деҳқон шолини йиштириш билан бирга иккинчи ҳосил сифатида балиқларни ҳам тутиб олаверади. Аммо бу

усул ҳам бизда ривож олган эмас. Вақолонки балиқлар шолитордаги бегона ўтлар ва курмакни еб деҳқонларга кўмаклашди ҳам. Ташкент областидаги «Ленинскии путь» колхозининг шолиторлари бу усулни қўллаб яхши натижага эришдилар.

Сўнгги йилларда барча районларда қорамолларни бурдоқига боқиш пунктлари ташкил этилди. Районларо ана шундай балиқчилик пунктлари ташкил этиш пайти келмадикикин!

Тоғ зоналаридаги минглаб сойлардан йил давомида чашма сувлар оқиб ётади. Агар қияликдаги ана шу сувнинг уч еридан цемент тўгон қурилса, балиқ боқадиган учта ҳавза юзага келади. Бу ҳавзаларда жуда кўп балиқ етиштириш мумкин бўларди.

Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областидаги балиқчилик билан шуғулланидиган колхоз-совхозларда республикамиз балиқчилари учун кўргазмали семинарлар, курслар ташкил этилса, айни муддао бўларди. Бу тадбирлар сўнгги йилларда камайиб кетаётган зогора, ширмойи, Самарқанд храмўласи каби маҳаллий балиқ турларини кўпайтиришда ҳам қўл келарди.

Балиқчилик ҳўжаликлари ташкил этиш билан бирга дарё, канал ва ариқлардаги балиқ запасларини кўпайтириш ҳам эътиборда бўлмоғи лозим. Сўнгги пайтларда кўпгина завод-фабрикаларнинг захарли чиқиндиларини дарёларга оқизиш, балиқ овлашнинг таъқиқланган усуллардан фойдаланиш каби одатларнинг кўпайиши натижасида сув остидаги кўпгина жониворлар, шу жумладан балиқлар ҳам қирилиб кетаяпти. Табиатни муҳофаза қилиш жамаияти, давлат балиқчилик назорати инспекцияси ходимлари ва жамоатчилик бундай ҳолларга қарши кескин кураш олиб бориши керак.

Нурсатилла РАҲМАТОВ

## СУВ ОСТИ ЧОРВАЧИЛИГИ



# ҚУШИҚ- ЛАРИМ- ҚАЛБИМ ЭЛЧИСИ

## Аёл қўллари

Аёл қўлларида — тенги йўқ ҳиммат,  
Шу қўлда етилур мурғаккина жон.  
Бу қўллар мунчалар экан пурҳикмат,  
Шу қўлда улғайиб, танидик жаҳон.

Йикинсак туркизиб, яратди йўлни,  
Силаса, кифт узра рангдан канот.  
Кўзларга суртсак оз шу азиз қўлни,  
Шу қўлдан сафоли туюлур ҳаёт.

Шу қўллар туфайли уст-бош саришта,  
Гушамиз сержило, диллар сарафроз.  
Шу қўллар бўлмаса уй «бефаришта»,  
Кечган кун нашъаси, носоро, носоз...

Шу қўллар яратур шавқли ҳаловат,  
Шу қўллар туфайли, дастурхон тўкин.  
Шу қўллар яратур поклик, тароват,  
Шу қўллар тенг тортур машаққат юкин.

Афтода бўлмагиз ахтариб қиёс,  
Аёл қўллари таърифлаш учун:  
Ҳар қанча мақтов ҳам ожиз ва носоз,  
Қўёшга рўбарў келгандек учкун.

\* \* \*

Гул узатиб кўрк очар кўклам,  
Кўкатлардан кўрпача гўшаб.  
Жилва қилиб тонг боқар кўркам,  
Худди нозли келинга ўхшаб.

Ким баҳорга бўлмаган ошиқ,  
Ким боқмаган гонларин суйиб!  
Ким баҳорга айтаман қўшиқ,  
Ер бағрини ағдариб қўйиб!

Кўклам каби боққим келади,  
Шеърлардан гулдаста тузиб.  
Қалба тонгдай оққим келади,  
Лоқайдларнинг уйқусин бузиб.

Қўшиқларим қалбим элчиси,  
Гўзалликдан айтуғим гарона.  
Жўшқин куйим завқим белгиси,  
Ҳар бир кунга мевдан тўёна.

Сени жондан севаман ҳаёт,  
Соз чертаман қўшиқнинг бўлиб.  
Куйларимга бахш этдинг канот,  
Ҳайқиргим бор юртин тўлдириб...

Ҳаёт шавқин дилда мавжиз бор,  
Жўшиб-жўшиб авж қилсам, дейман.  
Куйлаб туриб узилади тор,  
Куйлаб туриб узилсам, дейман.



**К**ейинги пайтларда «меҳнат мавзуйи», «меҳнат кишиси образи», «меҳнат романтикаси», «касб-кор психологияси» иборалари тез-тез тилга олинмайдиган, адабиётчилар шу масалалар устида кўпроқ бахслашмайдиган бўлиб қолди. Шу масалаларга бағишланиб катта-катта йиғилишлар ўтмоқда. Бунинг маълум сабаблари бор, албатта. Ҳар бир давр адабиётининг бош мавзуйи, етакчи қаҳрамони бўлади. Бугунги адабиётнинг бош мавзуйи—меҳнат, етакчи қаҳрамони—меҳнат кишиси.

Ҳозирги вақтда кишини меҳнатсиз тасаввур этиш қийин: боғча боласидан тортиб пенсионергача — барчанинг ўз юмуши, ўз ташвиши бор. Ҳозирча фан, статистика киши маънавий-жисмоний фаолиятининг қанча қисми оилавий-шахсий соҳага, қанча қисми ижтимоий меҳнат ва ишлаб чиқаришга сарф этилишини аниқ ҳисоблаб чиқолгани йўқ. Агар бунинг иложи топилса, ҳозирги замон кишининг жуда кўп вақти, маънавий-жисмоний қуввати, ташвиш ва кувончлари оиладан ташқаридаги юмушлари—меҳнат, ўқиш, ижод, фан, сибсат, санъат, спорт билан банд экани равшан бўлар эди. Максуд Шайхзода бир суҳбатда,

Умарали НОРМАТОВ

## УМР

# МАЗМУНИ — МЕҲНАТ

ижодкорнинг меҳнатсиз вақти бўлмайди, у дам олиш кунинда ҳам, таътилда ҳам, томоша пайтида ҳам, касал ётганида ҳам, бориники, тушида ҳам асарини ўйлайди, ижод этади, деган эди. Буни санъаткорларгина эмас, бошқа касб эгаларига ҳам татбиқ этиш мумкин.

Замондошимиз ҳақида қалам тибратётган адиб буни ҳисобга олмай иложи йўқ. Таниқли ёзувчи Леонид Леонов яхши бир гап айтган эди: «Бизнинг қаҳрамонларимиз ҳаммаша бирор касб эгаси, шу касб-кори орқали у жамият ҳаёти билан ижтимоий алоқада бўлади... Ҳозирги замон ёзувчиси қаҳрамоннинг касб-корини билмай туриб жиддийроқ асар ёзолмайди. Чунки касб инсонни замон билан боғлайдиган ижтимоий восита. Автор касб психологиясини... билиши, билганда ҳам буларни қаҳрамоннинг ўзидан кўра яхшироқ билиши лозим».

Сўнги пайтларда яратилган қатор асарларда бир хил камчилик кўзга ташланаётир. Ёзувчи меҳнат аҳли ҳаётини кўрсатмоқчи бўлади, меҳнат кишинин бош қаҳрамон қилиб танлайди, унинг касб-корини ҳам айтиб ўтади, касб-кори билан боғлиқ можароларни келтиради. Аини вақтда, булар билан ёндош ҳолда

ишқий-оилавий саргузаштларни қўя қиладди. Афсуски, бу икки йўналиш асарда ҳозор узвий, мантиқий чагишиб кетмайди, бора-бора биринчи йўналиш хира тортиб, ишқий-оилавий можаролар олдинги планга ўтиб кетади, қаҳрамоннинг меҳнат билан боғлиқ ўй ва кечинмалари, ташвиш ва кувончи жонли, ҳаётий лавҳаларда таъсирчан ифода этилмайди, автор бу ҳақда шунчаки ахборотлар бериш билан чекланади. Бу, асарнинг говвий-бадий хусусиятларидан келиб чиқиб қилинса яхши, лекин купинча ёзувчининг ўқувсизлиги, эришқоқлиги, тасвирлаётган шароитини, қаҳрамонининг касбини, психологиясини яхши билмаслиги туфайли шундай бўлади. «Қора марзарида», «Умид», «Тоғ гўзали», «Жийда гўлганда» асарларида шу камчилик яққол кўринади.

Қаҳрамон неғичи ё қурувчи, олим, раис ёки механизатор деб тақдим этилсаю, унинг касби билан боғлиқ хусусиятлари яхши очилмаса, касб психологиясини юзак тасвир этилса, бундай асарни етук деб бўлмайди, албатта. Меҳнат мавзуйидаги асарларда меҳнат тасвири, касб психологияси қаҳрамоннинг жамият ва замон билан алоқасини белгилөөчи асосий восита экан, уни қиёмга етказмай туриб, замон руҳини бериш мумкин эмас.

Кейинги йилларда яратилган меҳнат мавзуйидаги энг яхши асарларга, давр руҳини ўзида ифода этадиган жонли, ҳаётий характерларга диққат билан разм солинса, улар ҳаммадан бурун шу меҳнатга оид кечинмаларининг, касб психологиясининг нисбатан дуруст акс эттирилгани билан ажралиб туради. «Қора кўзлар»даги Аваз, Замонали, «Чинор»даги Ориф, «Қанот жуфт бўлади» кинесидидаги Акрам, Шавкатжон, Амаки, «Сотволдидан салом» достониндаги Сотволди, «Ўзун кечалар»даги Марат, «Баҳор қайтмайди»даги Алимардон, «Эрк»даги Саттор билан танишганда ҳеч иккиланмай, ҳа, бу — чўпон, бу — қишлоқ зиёлиси, бу — раҳбар ходим, бу — архитектор, буниси — кинорежиссёр, мана буниси — оддий деҳқон, бу — колхоз рўбари, бу — ёш қаламкаш, манависи артист, бу қурувчи-инженер, уларнинг барчаси эса 60-йиллар одами деб бемалол айта оласан, киши.

Шуниси характерлики, санаб ўтилган асарлар қисқа муддатли ижодий командировкалар ёки бирор касб эгалари билан бир-икки бор учрашувда туғилган юзак таассуротлар самараси эмас. Бу асарларнинг қаҳрамонлари авторлар учун яқиндан таниш кишилар, улар гуё адиблар ҳаётининг бир бўлаги, шахсий-ҳаётий тажрибаларининг ифодаси. «Қора кўзлар»да тасвирланган тоғ қишлоғи, қишлоқ кишилари ҳаёти миридан-сиригача ёзувчига аён. Ёзувчининг ўзи шу хил қишлоқда туғилган, болалиги шу кишилар орасида кечган; автор ҳамон улар билан мулоқатда. «Сотволдидан салом» авторининг асл касби агрономлик, у қишлоқдаги жараёнларни яқиндан кузатиб боради, колхоз раҳбари руҳиятини яхши билади; «Қанот жуфт бўлади», «Эрк» авторлари аслида қишлоқдан бўлганилари учун қишлоқдан чиққан Акрам, Саттор типидagi зиёлилар кайфиятини ниҳоятда нозик ҳис этадилар; кино соҳасидаги бир неча йиллик меҳнат туфайли О. Екубов янги кинесидида кино ходимлари ҳаётини мукаммал тасаввур этиш имконига эга бўлди. Анча вақт раҳбарлик лавозимидаги меҳнат, шахсий тажриба бўлмаганида, эҳтимол, А. Мухтор «Чинор»даги раҳбар ходим Ориф образини бу ҳадар жонли, ҳаётий яратолмаган бўлармиди? У. Ҳошимса аввал яратган айрим асарларида ўзи яхши билмайдиган касб эгалари ҳаёти билан боғлиқ проблемаларни кўтаришга уриниб муваффақиятсизликка учраган эди. Чунки «Шамол эсаверади...» кинесидидаги кўзбўямачи декан, «Тераклар яроқ ёзди» ҳикоясидаги консерватив раис образлари юзак, схематик чиққан эди; «Баҳор қайтмайди» билан «Ўзун кечалар»да манзара бутунлай бошқача: агар қаҳрамонлари — артист Алимардон, ёш қаламкаш Маратни ўз ўрнига қўйиб туриб, уларни яқиндан кўриб, руҳиятини чуқур ҳис этиб қалам тибратгани яққол сезилиб турибди.

Қаҳрамонлар авторларга яқин бўлганидан уларнинг кўпчилигига ҳатто ёзувчиларнинг ўз шахсий хислатлари ҳам маълум даражада кўчиб ўтган. «Сотволдидан салом» достони муҳокамаси пайтида таниқли болалар шоири

(Давоми 25 бетда.)



# БУ ЕРДА ҲАРФЛАР ТИЛГА КИРАДИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
НАШРИЁТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

## К

Ўхна Тошкентнинг Пиён бозори. Бир томонда саёдо дўконлари, бир томонда расталар. Майдон гавжум. Турди кийимдаги қариялар ва ёшлар. Ҳар замонда паранжи-чавон ёпинган аёллар ҳам кўзга чалиниб қолади.

Тор кўчани ларазага келтириб кўнка ўтиб кетди. Орқадан бошига оқ салла ўраган чол эшакка «их-их» хала босиб келмоқда. Шу пайт боланинг ўткир товуши эшитилди:

— Мана, «Туркистон ҳақиқати», олиб қолинг! Жаҳондаги ҳамма янгиликлардан хабардор бўласиз. Мана, «Туркистон ҳақиқати», «Туркестанская правда»...

Зиёлилар бўёқ ҳиди уфуриб турган газетани қўлларига олиб, ўқий бошлайдилар. Чиндан ҳам унда хабарлар, янгиликлар кўп эди. Ҳарфга кўзи ўтмаган, саводсиз кишилар эса бозор рўпарасидаги икки қаватли бинога термилиб, ўзаро баҳслашади:

— Шу ерда ҳарфлар тилга кирармиш.  
— Ҳа, кўргошиндан ҳарф қуйиб, газет босармиш...

Шундан буён орадан эллик йил ўтиб кетибди. Болалар эмас, ўрта яшар кишилар ҳам республикамиз пойтахтининг энг кўркам, гавжум, гўзал Театр майдони биз юқорида тасвирлаган ғала-говурли Пиён бозор ўрнида бунёд этилганини билишмаса керак. Орадан бир оз вақт ўтгандан кейин «Матбаачи» журнали бундай деб ёзди: «Корхонада 500 киши ишламоқда. «Қизил Ўзбекистон», «Оқ жол» газеталари чоп этилаётир. Тошкент босмаҳонаси Урта Осиёда энг қудратли ҳисобланади»...

1936 йили босмаҳона полиграфия комбинатига қўшилиб, 1941 йилда яна мустақил корхона сифатида ажралиб чиқди. Улуғ Ватан урушидан кейин эса босмаҳона нашриётга бириктирилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти деб атала бошлади.



Нашриёт биносининг умумий кўриниши.

Босмаҳона коллективи беш йилликларнинг улкан қурилишларида актив иштирок этди. Бутун халқимиз Катта Фарғона, Шимолий Фарғона каналларини қуришга отланганда матбаачиларимиз канал трассасида кўчма босмаҳона ташкил этиб, «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» газеталарини ўша ерда чиқара бошладилар. Улуғ Ватан уруши йилларида эса бизнинг корхонамиз заминида фронт газеталарини чиқарувчи босмаҳоналар ташкил этилди.


Республикамиз саноати, қишлоқ хўжалиги, маданияти гуркираб ўса бошлади. Янги-янги газета, журналлар чиқаришга эҳтиж туғилди. Бинобарин, босмаҳоналарни ҳам кенгайтириш, қувватини ошириш зарур бўлиб қолди. 1951 йилда босмаҳонани тубдан реконструкция қилишга киришилди. Икки қаватли бино устига яна икки қават қурилди. Сўнг олтига ишлаб чиқариш корпуслари қад кўтарди.

Тошкент zilzilasi нашриётимизга катта зарар етказди. Етти юз ишчи бошпанасиз қолди, цехлар шикастланди. Шу пайт нашриётга кўшимча тўртта газета чиқариш, янги «Гулистон» журналининг нашр этиш вазифаси топширилган эди. Кадрларнинг етишмаслиги, цехларнинг камқувватлиги, zilzila оқибатида рўй берган қийинчиликларга қарамай, бу вазифаларни коллективимиз шараф билан бажарди.

Айниқса ўтган беш йилликда корхонамиз коллективи катта ютуқларни қўлга киритди. Махсулот реализация қилиш ҳамжи 65 процент, меҳнат унумдорлиги 42 процент ўсди. Ҳозир босмаҳонада умумий тиражи 4,5 миллион нусхали 34 газета, тиражи 3 миллион 700 минг нусхали 32 журнал чиқарилаётир.

Урта Осиёда биринчи бўлиб бизнинг корхонамиз газета саҳифаларини телевизион алоқа йўли билан ола бошлади. Беш йиллик мобайнида босмаҳонамизда босиладиган газеталар тиражи 2,5 баробар ўсди. Цехларга замснавий, такомиллашган полиграфия ускуналари ўрнатилиши тўғрисида газета, журналларни босиш мuddати қисқарди, сифати яхшиланди. Ҳозир Тошкент ва Урта Осиёдаги кўп областларда


Ботиқ босма цехида машиналар шай!







— Жуда қулай машинчалар,— дейди линотипчи Мунира Шафиулли-на,— бармоқ тегиши билан ҳарфлар маржонден тизилиб тушаверади.



Газета цехида.



Номил Абдурасулов саҳифалаган журналлар ўқувчининг кўзини қувонтиради.

яшовчи газетхонлар «Правда», «Известия», «Сельская жизнь», «Социалистическая индустрия», «Комсомольская правда», «Труд» каби марказий газеталарни москваликлар билан бир вақтда олиб ўқишмоқда. Бу аjoyиб техникани ишлаб чиқаришга татбиқ этишда фототелеграф цехи ва газета ротацияси меҳнатсевар коллективларининг ҳиссаси сеп-моқлидир.

Корхонада техника тараққийтини тезлаштириш, меҳнат унумдорлигини оширишда коммунистик меҳнат зарбдорлари Н. Суздальцев, Н. Зоҳидов, А. Дегтярев, Ю. Алексеев, В. Дряхлев, Н. Жўраев, Х. Хазиева, Б. Ким, А. Крутов, Н. Баҳодиров, Х. Орифжонов, С. Умарзоқов ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. Цех бошлиқлари Н. Богданов, Т. Музаффаров, С. Йўлдошев, С. Леонтьев, Ш. Йўлдошев, Я. Шурп ўртоқлар ишчиларни корхона олдига турган муҳим масалаларни ҳал этишга моҳирлик билан сафарбар этиб, корхонамиз экономикасининг мустаҳкамланишига ердам бердилар. Булар раҳбарлик қилаётган цехлар — ёшлар учун чинакам меҳнат ва ҳаёт мактаби бўлди, кўплаб йигит-қизлар шу ерда янги касбларни ўрганишди, малакаларини ошириб меҳнатда ўз истеъдодларини кўрсатаётирлар.

Корхона маъмурияти ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши, яхши дам олиши, малакасини тўла ошириши учун бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Кейинги йилларнинг ўзидагина нашриёт ва босма-хона ишчиларидан бир неча юз оила янги уй-жой олди. Ишчиларнинг болалари учун тоғ бағридаги сулим Янгиқўрғон қишлоғида пионерлар лагери, дам олиш уйи қуриб битказилди.

Тахрибали мутахассисларимиздан бош инженер ўринбосари С. Могилевский, техника бўлими бошлиғи М. Нуридинов, бош механик Ю. Екубов, бош энергетик Ю. Задорожний, бўлим бошлиқлари М. Аков, Н. Андреева, Д. Викянский, Х. Юнусов, В. Нежевенко, И. Золотов, Э. Саидахмедов, мастер З. Эшмухамедов, Б. Мўминовлар ёшларни кунт ва меҳр билан тарбиялаб, уларга техника сирларини ўргатишмоқда. Корхонада мастерлар мактаби ишлаб турибди. Бу ерда мутахассислар билан корхона раҳбарлари, республика Госплани иқтисодчилари, Халқ ҳўжалик институтининг профессор ва ўқитувчилари ҳар ҳафтада 2 соатдан машгулотлар ўтказадилар.

Корхонамиз коллективининг меҳнатдаги ютуқлари партия ва ҳуку-матимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Совет ҳокимияти тузил-ганига 50 йил тўлиши муносабати билан корхонамизга «Социалистик мусобақа голиби» деган юксак унвон ва Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитети, республика Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети ва Ўзбекистон Қасаба Союзлари Советининг доимий сақлаш учун таъсис этган Қизил Байроғи берилди. В. И. Ленин туғилган кун-нинг юз йиллиги муносабати билан нашриёт Ленин юбилейи Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Ишчиларимиздан қарийб 200 киши «Ша-вкатли меҳнати учун» медалини олишга муассар бўлди. Полиграфия саноати корхоналарининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг юқори кўрсаткичларга эришгани учун корхонамизга «Ишлаб чиқариш маданияти юксалган корхона» унвони берилди.

Ҳозир ишчиларимиз жонжон партиямизнинг XXIV съезди мате-риалларини кунт билан ўрганмоқдалар. Бу беш йилликда корхона-миз олдига турган вазифаларни аниқ белгилаб олди. Янги беш йил-ликда ҳам мамлакат матбаачиларининг олдинги сафида байроқдор бўлиб боришга еҳд қилдик.

Полиграфия саноатининг ниҳоятда мураккаб соҳаси ҳисобланган нафис муқова ва кўп рангли иловалар босиб чиқарадиган ботиқ бос-ма комплекси цехининг корхонамиз ярим асрлик юбилейини нишонлаш арафасида ишга туширилганлиги коллективимиз аъзоларининг катта муваффақияти деса бўлади.

Ботиқ босма цехида «Гулистон», «Саодат» журналлари ва мар-казий «Здоровье», «Крестьянка», «Работница» журналлари босилади. Цех ишга туширилиши билан нашриётнинг бир йиллик маҳсулот иш-лаб чиқариш ҳажми яна 550—600 миллион босма листга кўпаяди.


Шундай қилиб, тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилдан бош-лаб биргина юқори ва офсет усули билан эмас, балки ботиқ бос-ма усули билан ҳам журналлар чиқариладиган бўлади. Ҳозир бир кун-да 4,5 миллионга яқин газета ва 200 минг нусха журнал чиқарилаёт-ган бўлса, тўққизинчи беш йиллик охирига бориб, бир кунда 6 мил-лион газета ва 400 минг нусха журнал, бир неча юз минг брошюра, бадий откритка ва бошқа кўпгина полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган бўлади. Қисқа қилиб айтганда, нашриётимиз мамлака-тимиздаги энг тараққий этган яирик полиграфия корхоналари дара-жасига етиб олади.

Босмахона бажараётган ишлар кўлами қанчалик катта бўлмасин, бари бир, ҳозирги, айниқса яшар келгусидаги ҳаёт талабларига жавоб беролмай қолиши мумкин. Қилинадиган ишлар кўп. Энг аввало, редак-циялар билан босмахона бир жойда уюшган бўлиши лозим. Янги беш йилликнинг охириларига бориб газета ва журнал редакциялари бир жойда йиғилади.

...Кўримсиз, шовқин-суронли Пиён бозор ўрнида бунёд этилган ям-яшил Театр майдони. Болаларнинг «янги чиққан газета, янгиликлар кўпи» деган қичқириқлари ҳам эшитилмайди. Яқин йилларда қуриб битириладиган ўн олти қаватли хашаматли бинонинг томига ўрнатил-ган электр-табло бугун қанақа газеталар чиқишини кўрсатиб туради. Корхонамиз эллик йил ичида кўлда ҳарф теришдан автомат линотип-гача, ибтидий суратдан рангли, телефотосдан олинадиган газета саҳи-фалари ва офсет, ботиқ босма усулларигача ўсди. Газета, журналла-римиз энди юз, минг эмас, миллион нусхалар билан ҳисобланадиган бўлиб қолди. Биргина мисол. Дастлаб 800 нусхада босилган «Совет Ўзбекистони» газетаси ҳозир 600 минг нусхада нашр этилаётир. Кор-хонамизнинг меҳнатсевар, ўз касбининг шайдоси бўлган коллективи мураккаб дастгоҳларни моҳирлик билан бошқариб, чиндан ҳам ҳарф-ларни тилга киритмоқда, халқимизни илм-фан нуридан баҳраманд этмоқда.

Ислом ШОҒУЛОМОВ,  
Ўзбекистон Компартияси Марказий  
Комитети нашриётнинг директори





УзКП МК нашриётнинг босмахонасида. «Гулистон» журнали босиладиган машина.  
Пастда — печатчик Андрей Добик ва ретушчи Баҳром Каримов. Г. ГРАФКИН фотоси







Наманган шоҳи тўқиш фабрикасининг ҳаваскорлари «Наманган қизлари» рақсини ижро этмоқдалар.

С. БЕЗНОСОВ фотоси.





# ОҚ ЙЎЛ!

Самарқанддин Самижон Салимовнинг номи ҳали шеърят ихлосмандларига даярли маълум эмас. Ленин унинг бир китоб бўлгани шеърлари бор. Бу аҳлдан лирин шеърлар мушоҳада кенглиги, бадий воситаларнинг ранг-баранглиги билан диққатини тортди. Самижон сатрларни пишди, раво басталайди, нутилмаган сўз бирикмалари, кўп янги ўхшатиш ва иборалар қидиради. Ёш шоир оддий насрий деталлаштиришдан поэтик ўйчанликка интилади.

Қуйида унинг бир неча шеърини босиб билан, ёш ижодкорга поэзиянинг оғир йўлида қунт, сабот ва муваффақиятлар тилаймиз.

Қуддус Муҳаммадий: «Сотволди сиймосида, аввало мен Ҳуснидиннинг ўзини кўрдим», деган эди. Акрам, Саттор, Марат образлари муносабати билан ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Хуллас, автор билан қаҳрамон ўртасидаги яқинлик асарларнинг ҳаётийлигини, ҳаққонийлигини ошироқда, қаҳрамоннинг меҳнати, меҳнати билан боғлиқ кечималарини табиий тасвир этиш имконини берди.

Биз назарда тутган асарлар яна бир жиҳатдан характерли. Уларда меҳнат, касб-кор билан боғлиқ гап-сўзлар асарда шунчаки бир фон эмас. Ишлаб чиқариш характерига йўналиш билан «шахсий-интим» йўналиш шу қадар қатишиб-туташиб кетганки, уларни бири-биридан ажратиш, қаҳрамонни касб-коридан холи ҳолда тасаввур этиш асло мумкин эмас. Асарда илҳом сурилган гою, ёзувчи кўтарган проблема, характерларнинг тоқ муҳияти, шахсияти ҳаммадан бурун худди шу меҳнатга муносабат, касб-кор психологияси орқали очилади. Демак уларда меҳнат ҳақиқий маънода бадийлаштирилган.

«Баҳор қайтмайди» қиссасидаги Алимардоннинг фожиаси аслида касб-корига, истеъдодига хиёнат қилишдан бошланади. Меҳнатда худбин бўлиб танилган одам шахсий-оилавий ҳаётда пок, олижаноб қолиши ақлга сиймайди. У яқин дўстига, хотинига хиёнат қилган экан, бу табиий. Характер мантиқи шунини тақозо этади.

«Қанот жуфт бўлади» қиссасидаги Акрам ҳозирги замон архитектураси ҳақидаги энди янги йўлари, ўз ишларига танқидий муносабати, ўз қарашларидаги ожизликларини мардонангиб ўтиши туфайли бизга қадрдон бўлиб қолади. Акрам етти ўлаб бир кесадаган, ўйчан, мулоҳазали йигит. Бу унинг ҳам кучли, ҳам заиф томони. Мулоҳазакорлик ундаги танқид ҳиссини ўткирлаштиради, уни ҳақиқатни аниқлашга, ҳақиқат учун курашга ундайди, шу билан бирга, ўта мулоҳазакорлик бу одамни бир оз ланж қилиб қўяди. Ишдаги, шунингдек, оилавий-шахсий ҳаётдаги чигалликлар унинг табиатидаги худди шу хусусиятидан келиб чиқади. Ёки шу қиссадаги режиссёр Йигит Шавкатжонни эсланг. У янги фильмининг суратга олиш учун жон койитар экан, бир илож қилиб кишини битказиб қолишни ўйлайди. Унда улкан максат, эзуни ният, қатъий эътиқод йўқ, ижод орқали бир нарсага интилиш йўқ. У шахсий ҳаётда ҳам шундай — бемаслак, беқарор: ўзининг бета-

Бунда тошлар ҳар қадамда қалашик — қалашиб ётгандай замонлар юки. Ҳар тошда узилб қолган бир қўшиқ, ётар қайғусини тупроққа тўкиб. Тупроқ ҳам сирлидай, сирлидай зина — Жаҳоннинг жумбоғи гўё бунда жам. Ё шу зиналарда фақат биргина Мен эмас, тарихнинг ўзи ҳам кезган! Нилий нақшларда беадад қисмат, Фоний умрлардан фарёд ётибди. Ҳаёт елганида тулпорин қистаб, Тақалар тамгаси сенга ботибди, Ботибди сийнанга гуссалар тиги, Нечун эй, дод солиб айтмайсан қўшиқ! Нечун бу гўшада на куй, на йиги, Дардинг йўқотдингми шавкатга қўшиб! Нечун бу ҳужралар лолу безабон! Фақат соқов виқор, соқов бир даҳо... Сенинг ўзинг-ку энг қадимий жаҳон, Суронда ўзалингнинг унутдингми ё! Ложувард гўмбазда кескис заёлот, Хаёлот сингари гўмбазини ҳаёт. Ўз умр китобини битади ҳаёт Шу соқини гўшада кеча-кундузи.

Оқшом оппоқ олча гулдай, Кўзларимда ўт бор наларим. Йўлим оғир ҳаёт йўлидай. Тиззалардан тўкилср дармон, Кўзларимда ўт бор наларим. Тоғлар оша судралайди йўл, Сийнасида ўтганлар ёди. Унутдим, деб ўйлардим буткул.

йин тушунчалари билан Сайёрани йўлдан оздиради. Нилуфарини фожиага мубтало этади...

Аваллари яратилган талай асарларда меҳнат билан боғлиқ можазолар характерларини очиб учун шунчаки бир восита, баҳона бўлиб қолар эди, шу можазоларнинг ўзи ҳаётда қанчалик муҳим ёки номуҳимлигига етарли эътибор берилмас эди. Бу борада танқидчилар ҳам ўшандай асарларнинг авторларини ҳилоҳа остига олар, бадий асар илмий асар эмаслигини рўқча қилар, бадий асарда меҳнат эмас, инсон характери муҳим, деган фикрни зўр бериб ўтказар эдилар. Ҳозирги кунда ҳам шунчака асарлар яратилапти, шу хил талқинни ёқлаб чиқадиган танқидчилар ҳали ҳам бор.

Тўғри, адабиёт бу — инсоншунослик, унинг бош вазифаси инсон рўҳини таҳлил этиш. Бироқ шунинг ҳам унутмаслик керак: ёзувчи меҳнат кишини образини яратмоқчи бўлсаю, шунинг рўёбга чиқарувчи восита — меҳнат билан боғлиқ можазолар арзимас ёки маъхум бўлса, ёзувчининг бутун заҳматлари зое кетиши, қаҳрамон характери, рўҳияти бирёқлама, юзак кишини турган гап. Ишлаб чиқариш характерига можазоларнинг аҳамиятини менсимаслик асарнинг, образнинг бадий кучини сусайтиради. Буни ҳозирги адабий тақрибадаги жуда кўп мисоллар билан тасдиқлаш мумкин.

Биз тилга олган асарлар мана шу жиҳатдан ҳам ибратли. Акрам ҳозирги архитектуранинг ҳаёт-мамот масалалари устида бош қотиради. Шунинг учун ҳам Акрамининг ўйлари, интилишлари, олиб бораётган курашлари бизни ҳаяжонга солади. Орф билан Мария орасидаги можарога асос бўлган тоғ қишлоқларининг тақдирини муаммосига бефарқ қараш сира мумкин эмас. Можаро замани жиддий бўлгани учун ҳам бош қаҳрамон Орфининг ташвишлари китобхонини ларзага солади. Гарчи қиёмга етмай қолган бўлса-да, «Эриқдаги метро қурилишига оид тасвир асарини нурлантириб турибди, шу ҳодисага муносабатда Саттор, Розия, Максимишларнинг улкан қалби барала қўринади.

Биз ибрат қилиб кўрсатаётган асарларда яна бир муҳим фирият бор. Авторлар ўз қаҳрамонлари ёнида туриб, улар билан бирга меҳнат кишининг ҳаёти, касб-кори, тақдирини, маънавий-маданий эҳтиёжларини устида жиддий йўр сурадилар, улар ҳақидаги дадил мулоҳазаларини ўртага ташлайдилар.

«Узун кечалар» авторини ҳилоҳа қаҳрамони

Уша кунни, ўша дунёни, Тоғлар оша судралади йўл. Юлдузларда кечаги ишонч, Кечагидай ёнади улар. Сезмайдилар ҳаттоки шу дам Қай бир юлдуз пастликка қулар, Кечагидай ёнади улар. Менда эса шубҳа, шаккоқлик, Ҳикматларни бўламан очмоқ, Қайда гуноҳ, қайдади поклик, Кўзларимда азалий сўроқ, Ҳикматларни бўламан очмоқ, Тонг оқарар ўйлар зўридан, Кўзларимда оқарар манзил, Дунё оппоқ олча гулдай, Софлигини соғинади дил, Кўзларимда оқарар манзил...

## Куз

Бугун далаларда қўшиқлар тўкин, Кўр тўкиб ётибди сирли жимжитлик. Уйқусиз кечалар, кундузлар юкин Ортмоқлаб қуёш ҳам думалар сўнин. Кенгликлар қўйиға от кўяр ҳаёп, Кузининг фалсафасини ўқимоқ бўлиб. Кенгликлар бўғизда азалий савол, Кўкдаги бўзтўрға кўйлади тўлиб. Оғир ўйлар аро ўртанар орзу, Кўр изларини излаб борликдан. Азал афсонасин толганида у, Кўнгил ўқиб кетар бахтиёрликдан. Бахтиёр водийда шодлик ва ҳавас, Балки рост ҳаётнинг чеки йўқлиги... Дилга умид ҳидин уфурар беса Арчалар апрогин мангу қўйлиги.


Марат кечинмалари баҳонасида ижодкор меҳнатнинг машаққатларини таъкидлайди, айна пайтда, ўзининг, шунингдек, тенгдошларининг ижод ва ижодкор ҳақидаги ўйлари, эстетик принципларини изҳор этади. Ҳаётга фаол муносабат, ўзгалар дардига ҳамдардлик, халққа, халқ тарихига муҳаббат, ҳаётни ранг-баранг бўёқлари билан кўрсатишга мойиллик, ҳалоллик, ижодий меҳнатга ҳурмат, ҳатто бу йўлда фидойилик — Ёш ёзувчи асарда қуйиб-пишиб айтган гаплар ана шулар.

«Эриқдаги заҳматкаш аёл Ойшаон қисмати ёзувчининг зўр туғёнага солади. Бу аёл ота-она раъий, эскича таомиллар, қишлоқда баъзи чигал муносабатлар таъсирида турмушдан орқада қолиб кетган, меҳнат, оила юмушлари билан бўлиб ўзига қарамай қўйган. Шаҳар тарбиясини кўрган, ўқимши, маданият эри Саттор билан рўпара келганда, замонавий қиз Розия билан қиёс қилинганда бу тафовут аинқиса ақвол кўринади. Худди шу тафовут уни оғир фожеавий ҳолатга солиб қўяди. Ёзувчи, бир томондан, қаҳрамон ҳилоҳа ачинади, уни шу қўйга солган омиллари атрофлича таҳлил этади, шу йўл билан ўқувчини баҳсага тортади; иккинчи томондан, қаҳрамоннинг ўзидан ҳам койинади, бу аёл онига сингиб қолган совет кишини ёт қолоқ тушунчаларга — қўллик, итоткорлик психологиясига қарши кескин норозилик билдиради.

«Қанот жуфт бўлади» қиссасидаги кеска деҳқон Амаки образи орқали ёзувчи ўртага ташлаган фалсафа ҳам диққатни ўзига тортади. Бу образ баҳонасида ёзувчи аввало оддий деҳқон ҳаётининг заъв-шавқини, жисмоний меҳнат романтикасини кўрсатади. Бироқ, баъзи авторларда бўлгани каби, адиб бу одвий ҳаёти ва меҳнатни идеаллаштириб юбормайди, қаҳрамон ҳаётидаги унинг ўзи сезмаган кемтикларини автор рўйрост кўреди: ақлий меҳнат кишини Акрам Амаки билан учрашганда фан ва техника, цивилизация жумбоқларидан, олам ташвишларидан халос бўлган бу одамнинг эркин, осуда турмушига ҳаваси келди, айна вақтда Амаки ҳилоҳа тушиш ҳаётда бир қадам орқага қайтиш эканини чўқур ҳис этади. Авторнинг Акрам ва Амаки муносабатларидан келиб чиқиб айтган ақлий ва жисмоний меҳнат, шаҳар ва қишлоқ, юксак маданият ва патриархал ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари бизни ўйлашга, фикрлашга ундайди.

Меҳнат, касб-кор талқинига доир шу хил ижобий тенденциялар адабиётимизда яна ҳам чуқурлашиб борса дейимиз.





алина ҳукмдор завжининг элқасига бошини қўйганида, Келин-куёвлар тоғини шарқ тунининг сеҳрли зулмати чулғаган эди.

— Севгимга далил нелтиришимни истардингми?— дед шивирлади у.— Мана кўр. Мен номимни таваккалга қўйиб, халқини энг қимматбаҳо тортиқ олиб келдим.

Малика шундай деб, турманланган сочларини ёйиб юборган эди, ёстиқча майда уруғлар тўкилди. Билмаган одам уларни балиқ ўвчилдирини деб ўйлаши мумкин эди. Аслида эса, улар ёпишоқ қобиқлари билан муштлишиб юлган капалак уруғлари эди. Бундай ғаройиб тўхфани кўрган ёш ҳоқон азбаройи қувонганидан хотинини нучоқлаб олди. Биз воқеанавислар эса шу нарсани аниқлаш билан ниқоляландим: бу «Бомбинс» деб аталадиган бир ҳашаротнинг тухуми эди, уни «серинариа мори» деб ҳам атайдилар, ундан очиб чиқадиган куртини ер юзиде ипак курти дейдилар.

Малика асли хитойлик бўлиб, қимматбаҳо уруғни чегарадан олиб ўтишда юқориде баён этилган Неймс Бондга хос найрагини ишлатган экан. Хитой ўзининг ипак ишлаб чиқариш монополиясини қаттиққўллик билан қўриқлар, бу сини четга олиб чиқишга уринган ҳар бир кимса кундада чопилар, дорга осилар ва шу наби оғир жазоларга дучор қилинар эди. Ленин, амин бўлдики, муҳаббат ҳамма нарсанинг чорасини топар экан. Муҳаббат туфайли қачонлардир Бухоро амири Осмон ҳоқонлиги деб аталган Хитойни ўша нодир буюмни ишлаб чиқарисдек бирдан-бир ҳуқундан маҳрум этишга муассас бўлган эди.

Ўша пайтдан бошлаб Бомбинс Ғарбга томон ўзининг узундан-узоч сафарини бошлади. Унинг озуқаси — тут дарахти ҳам йўлида йўлдош бўлди. Гап шундани, ипак курти ўта кетган инжиқ бўлади: у очидан ўлса ўладини, тут баргидан бошча ҳеч нарсани озгига олмайди. У азал-азалдан сигир ёки қўйга ўхшаб, одамлар билан ёнма-ён яшайди, «уй ҳайвонлари» даражасига кўтарилган яқнаю ягона ҳашаротдир. Бугун сиз ипак куртининг ёввойисини қидириб овера бўлмаган. У ўзига ҳам озиқ-овқат, ҳам бошпана берадиган инсоннинг измида. Қолаверса, бу махлуқ шу қадар ялқовланиб кетганини, ҳатто овқат учун дарахтга чиқинши ҳам истамайди — марҳамат қилиб, унга олиб келиб беринг, акс ҳолда, очлин эълон қилади-да, ўлади-қўлади.

Ҳар қалай, биз қадромонимизнинг жўшқин ҳаёти ҳақида гапирмоқдамиз. Бундай давр июнь ойидан бошланади. Урчатиш учун махсус қолдирилган пилла ичидан айниқча ўхшаган пахмоқ ва хонаки телевизор антеннасидек шохдор, оқимтир қанотли бир ҳашарот ўрмалаб чиқади. Бомбинс деган капалагимиз шу бўлади. Қанотлари қуриши биланоқ, икки ҳафталик умрини насл қолдириш учун сарфлашга аҳд этганини маълум қилади.

Бомбинс хоним тоқатини тоқ қилаётган сонсаносиз тухумлардан кутулиш пайига тушади. Биринчи боқич: тухум қўйиш даври бошланади.

Капалак ҳамма тухумларни бирдан қўяркан, деб ўйламанг. Тухумлар июнь-июлдаги сингари бирин-кетин тушади. Чиндан ҳам нояб автоматизация! Тўғри, бу анча вақтнинг олади: дастлабки 300 тухумни қўйиш учун Бомбинс хонимнинг тахминан 80 соат вақти кетади. Унинг мударосини тушуинса бўлади — ахир, қимматбаҳо юкни дуч келган жойга ташлаб кетавериш бўлмайди-ку. Ленин жуда ажойиб — кўриб ҳавасинг келади: тухумлар бир-биринга шундай зич ёпишиб, атиги бир неча нвадрат сантиметргина жойни эгаллайди.

Албатта, Бомбинс хонимнинг тухумларини тулигуш тухумлари билан таққослаб бўлмайди. У диаметри 1,5 миллиметр чамаси келадиган, пўпаноқ қобиқ билан қопланган доначалардан иборат бўлади. Кўрт боқувчининг назариде бу ҳатто тухум эмас, уруғ. Шу сабабли уларни доналаб санашмайди. Ҳисоблаш учун унция деб аталувики махсус бирлик киритилган — бир қути уруғ 25 граммга яқиндир ёки ўрта ҳисобда унда 30 мингтача тухум бўлади. Сиз китобларда: «Кўрт боқувчи, фалон қути уруғдан фалон килограмм пилла олди», деб ўқийсиз.

Дарҳақиқат, 25 граммгина уруғдан бир неча килограммлаб маҳсулот етиштирилиши жуда ғалати туюлмайдиган кишига! Ленин мана бу-

ниси ундан ҳам галатирок: 30 мингта уруғдан 30 мингта жажжи кўрт пайдо бўлиб, ҳаммасининг оғирлиги бор-йўғи 13 грамм келади. Лекин 30 кун ўтгач улар 150 килограммлаи тошни босади! Тўғри, улар бу орада 270 литр суви бўлган ярим тонна барғни еб ва узунлиги 40 минг километр келадиган ипак толалари тайёрлаб улгуради. Илмий-оммабоп очеркларнинг авторлари «бу толалар эваторга белбоғ қилишга ҳам етади», деб ёзишни яхши кўрадилар. Худди ўша 30 кун мобайнида ҳар бир кўрт ўзи дастлабки вазига нисбатан 10 минг марта оғирлашади. Таққослаш учун туғилганида 20 нилограмм келган бузоқнинг пировардида 200 тонна, йўловчилари билан қўшиб ҳисоблаганда нини «Боинг—707» самолётига тенг келишини тасаввур этиб кўринг-а!

Келинг, шоммайли. Ҳозирча бўламак ипак куртининг ниятлари уруғ қобиғи остида яшириниб туравериш. Фаол ички ҳаёт тухум тусининг ўзгарисида зуҳур этади — малла ранг қобиқ олдин жигар ранг, кейин сарғиш қизил, ўнинчи куннинг охирида эса тўқ кул ранг тусга киради. Диққат! Бу ранг оғохлантиради. Тўқ кул ранг тус: «Яқинда чиқаман, кутинг. Ипак куртингиз», деган шойилчин мактуб вазифасини ўтади.

Йў, ундай бўлмайди! Инубация даври номалъум сабаблар билан тақча тўхтаб қолади. Гарчи ҳозир ёз пайти, иссин, табиат ҳам меҳмондўст кайфиятда бўлса-да, капалак кўрти бруглинка чиқиддан бoш тортади. Йў, асло чиқмайди! Қобиқча яшириниб олиб, эмбрион тўққиз ойлик «иш ташлаш» эълон қилади-да, чиқинши келаси баҳоргача кечиктиради.

Бундай ўзарликни кўрган кўрт боқувчи нима қилсин? Ҳеч нима. У уруғни ертўлага тушириб қўйишу, ҳарорат 7—8 даража атрофида бўлишини кузатиш ва ҳафтада бир марта нуракча билан ағдариб туриш билан чекланади.

Сиз билан биз ўзимизни май ойида деб тасаввур қилайлик. Ушанда кўрт боқувчи ертўлага тушиб, уруғларни диққат билан кўздан кечириётган бўлади. Бу сўнги давр, ҳали унинг йўлаб кўришга вақти бор. Бундан кейин эса, воқеалар манзараси новоблар ҳақидаги фильмлардаги чопди-чопдилардан ҳам тезлашиб кетади.

Шундай қилиб, май ойи! Кўрт боқувчи ертўладан чиқиб, тут дарахтларини кўздан кечирилади. Бу бежиз эмас, албатта: қачалок кўртлар уруғдан чиққан кунёйқ дарҳол уларга егулик овқат тақлиф этиш керак. «Бомбинс — тут дарахти» системасидаги синхронизация пухта машқ қилинган бўлиши шарт. Тут дарахтида нуртанлар бўртиши биланоқ уруғни ертўладан олиб чиқиб оҳан сувли шишага соладилар-да, унга бир оз ароқ ёки вино ҳамда шовул кислотаси эритмасидан қўшадилар. Бу аралашма қобиқни дезинфекция қилади, айни бир вақтда юмшатади. Бундай ярим алноғор ваннадан кейин уруғни инубаторга жойлаштирадилар ва ҳар кунни бир даражада ошира бориб ҳароратни +12° дан +22° гача етказадилар. Ниҳоят ўнинчи кун эрталаб озодлик соати занг уради.

Бўламак ипак кўрти жағини биринчи марта ишга солади, чорак соат мобайнида қобиқни кемириб оламга дарча очиб олади. Одатда, у боши билан ўрмалаб чиқади, баъзан орқаси билан ҳам чиқади. Бу жажжи қорамтир ипак куртининг узунлиги уч миллиметрдан ошмайди, оғирлиги ярим миллиграммча. Бай-бай, бунча митти бўлмас! Бизнинг ипак куртиниз сертук, худди этик чўткасига ўхшайди, бу унга хусн бағишламайди албатта.

Туғилиши биланоқ, у тут барғи топиб бир оз тамазди қилиш истағида қийанглай бошлайди. Кўрт боқувчи илтифот нўрсатиб, дарҳол унинг озгига овқат тутади, тут барғлари устига қозогдан тайёрланган ёки ипдан тўзилган тўр ташлайди. Ипак кўртлар тановула киришадилар. Улар тўр орасидан ўтаётганлариде ёпишоқ қобиқларининг парчалари қолиб кетади. Одатда, фаросатли кўрт боқувчи барғларни навдалари билан солади: унда кўртларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб қулай бўлади. Ипак куртининг илик экансонининг сатҳи 50 нвадрат сантиметрдан ортамайди. Ҳечини йўқ. Ҳали улар яшаш учун кенглик талаб қиладиган пайт келади.

Шундай қилиб, навшанишга киришган ипак кўртлар тинчланадилар. Ана энди биз уларни кузатсак бўлади. Аммо ҳажрамонимизнинг налласи шухрат қозоган қула муқовасини бе-

# ЎТТИЗ

# КУНЛИК

# ЗИЁФАТ

# ЁКИ

# ИПАК

# ҚУРТИНИНГ

# ЖЎШҚИН

# ҲАЁТИ

Ипакчиликнинг қадимий марказларидан бири бўлган республикамызда ипакнинг тарихини, пилла кўрти боқиш жараёнини билмайдиган одам камдан-кам бўлса керак.

Француз ёзувчиси Морис Кейнинг «Воқуғ сўта» журналидан олиб босаётганимиз очерки шу жараёнини бадиий, шу билан бирга юмористик тарзда баён қилиши билан диққатга сазовордир.



ай олмаси керак: хитин тангачалар, олдинда иккита антенна, икки томонда олтитадан кўз, чап ва ўнг томонга очилмаган оғиз, унинг атрофида эса иккинчи конуссимон мембранага ўхшаш бир нарса. Ҳозирча у кўрмисизгина мембрана, лекин вақти келиб, ҳали унинг тўғрида жуда кўп гап бўлади: ахир, ипак тўғр-эллаб чикарадиган аъзо шу-ку!

Ҳозирча шумшук қуртчаларининг жағларининг қимирлатаётгани билан, Яна қандай денг! Биринчи кун ипак уларга 20 марта оғват тортилади. Бундай ҳурандалик натижасида бир неча-кундузда Бомбикс хонининг вази икки ҳисса ортади. Шуниси ҳам борни, суг деган нарсани оғизга олмайд, баргининг нами билан қаноат қилади.

Ипак қуртлар ҳар томонлама шай бўлган ҳолда овқатланишга киришадилар: уларда жағлар, ҳалқум, қизил ўнғач, жигилдон, турли-туман ичаклар — зарур аъзоларнинг ҳаммаси муҳайё. Улар фақат бир оз биланглаб олиш учунгина овқатдан бош кўтармадилар. Бунинг учун унинг вужудида 4 минг — бизларникидан саккиз марта ортиқ мушак бор. Тўғри, бу мушакларнинг кўпчилиги ипак қуртининг кўпчиби туриши учунгина зарур. Агар қахрамонимизга эфир сепилса у пучайди, япаси бўлиб қолади.

Гарчи қахрамонимиз ёқиб қолган кишилар бир оз ранжишлари мумкин бўлса-да, уни тасвирлашни давом эттирамиз: ипак қурти ҳад сениш нобиллатидан маҳрум, маза сениш аъзолари йўқ; олти жуфт кўзи бўлишига қарамай шабкўр, қулоғи батанг. Тепасида туриб тўп отсангиз ҳам қимир этмайди.

Аммо сон-саносиз тун босган териси шу қадар нозикки, салгина елвизанқан ҳам қўрқади. Уларнинг табиатиға хос салбий хусусиятлардан яна бирини айтишга тўғри келади: бир-бирларига оқибатсиз. Ҳар бири ўз ҳолига навшай беради. На ҳамжиҳатлиги, на ҳамдардлиги, на уруғ-аймоқчилиги. Дарвоқе, йўлчилик ҳашаротларнинг ҳаёти ўзи шундай қурилган: ота-оналар боаларининг туғилишини кўрмай ўтади. Оқибатда авлодлар орасида ҳеч қандай нисол ҳам юз бермайди.

Ҳозирча бизнинг қахрамонларимиз биринчи ёш деб аталадиган босқичда турибди. Бу давр олти кун давом этади. Шу муддат охирида ипак қуртларининг бошланғич оғирлиги 14 марта ортади, улар йўғонлашиб, салобатли бўлиб кетадилар. Шундан кейин уларнинг иштаҳалари бирдан сусаяди; таналари ранглар бўлиб, каллалари шишиб кетади. Улар деярли қимирламайдилар. Қурт боқувчилар ипак қуртлари «ширгуручга ухлади», дейдилар. Агар эски хитин костюмингиз чидаб бўлмайдиган даражада тор келиб қолса, нима ҳам қила олардингиз!

Биринчи ёш ўтади. Яна етилмоқчи бўлсангиз — марҳумат қилиб, уст-бошингизни алмаштингиз. Тажрибали қурт боқувчилар уларга калта-калта новда ташлайдилар, бу энди сатхи 4 квадрат метр бўлган янги хона — панжарага кўчиб ўтиш учун автобус вазифасини ўтади. Иккинчи ёшга қадам қўйиш ана шундай нишонланади. Шу пайтда уларнинг эскиси тагида янги жомаси пайдо бўла бошлайди. Либослари билан видолашиб, биланглар эканлар, ипак қуртлари қарахт бўлиб қоладиларда, туллайдилар. Ҳаётнинг янги босқичида овқат миқдори яна ортади. Энди қахрамонларимиз, иззат-нафсини билмайдиган катта ипак қуртларига муносиб равишда, тут баргларини бир четдан ёйишга киришадилар.

Яна беш кун ўтади — яна қийин алмаштираш, яна новда бўйлаб саёхат бошланади. Бир қўти уруғимиз — 30 минг ипак қуртга айлибди, улар учинчи ёшга қадам қўядилар. Ушунда уларнинг беғуноқ бошлари устида булдулар нуқуллаша боради: касалга чалиниш бошланади. Тажрибали қурт боқувчи уйқудан маҳрум бўлади, оромни йўқолади. Бизнинг нозик қахрамонларимиз касалга шу қадар чулланувчан бўладиларки, ўтган аср охирида «пеприна» вирус касаллиги эпидемияси туфайли Франция ипак санаоти ҳамма ишини яна бир бошдан бошлашига сал қолган эди. Яхши ҳамки, ветеринарлар Пастер асарларини ўқиб чиқишга улгурган эканлар.

Ана шундай хатарили муҳитда бизнинг қахрамонларимиз навбатдаги тулалашдан сўнг туртинчи ёшга қадам қўйдилар. Бу давр янги турар жойга — сатхи 40 квадрат метр бўлган панжарага кўчиб ўтиш билан нишонланиши керак. Уларнинг иштаҳаси бир рюмка нальва-

дос майи ичгандагидек очилиб кетади. Шундай қилиб иккинчи даҳа — иштаҳага кириш даври бошланади, бу эса келгусида катта даҳага кириш даври бошлангани тахмин қилишга имкон беради. Бир қўти уруғдан чиққан ипак қуртлари олти кун ичда ҳаш-паш дегунча 200 қадоқ мазали тут баргини еб ташлайди.

Шундан кейин бешинчи ёш бошланади. Эҳтимол, сиз, эзма воқеанавис севимли ипак қуртларининг ҳенсиз ўзгартирилари тўғрисидаги ҳикояси билан жонга тегмоқчи, деб ўйласиз. Лекин бир оз сабр қилинг. Катта даҳа даври бошланади, Бомбикс хонининг иштаҳаси авжига чиқади. Ипак қуртлари баргининг фақат юмшоқ жойинигина эмас, балки томирлари ва бандларини ҳам ямлаб ютади. Уларнинг жағлари ҳосил қилган шовқин Пастерга «серяпроқ дарахтлар ўсадиган ўрмондаги «жала»ни



Расмини С. СУБҲОНОВ чизган

эслатган экан. Бешинчи ёшнинг тўққиз кун ичда улар биргаллашиб ярим тонна овқат еб қўядилар! Бир ойгина муқаддам гугурт қўтисига жо бўлиб кетадиган улфатлар учун бу оз эмас, албатта.

Энди ипак қуртлари ўзлари босиб ўтган йўлга гурур билан назар солсалар бўлади. Қилинган ишлар кўламини уларни қаноатлантирса керак, чунки шундан кейин умрларининг охиригача оғизларига ҳатто заррача ушоқ ҳам олмайдилар. Илгарй овқатга нима учун шундай ютоқлик билан ташлангани энди тушунарли.

Ҳа, шуниси ҳам борни, томоша туғади, муҳим иш қилиш пайти келди. Ҳақиқатан ҳам ипак қуртимисан, ёни ундай эмасмисан — бунинг амалда исботланиши керак.

Қахрамонларимиз катта ишлар арафасида овқатдан ўз ўғириб ранглар бўлиб қоладилар. Илгарйги иссиқ ўрнидан қўзғалишни ёқтирмайдиган ипак қуртларига тўсатдан бошлари оққан ёнқача чўчиб қолши истаги пайдо бўлади. Анабланманг, улар пилла ўрашга қулай жой қидирадилар. Шундай қилиб, мутахассислар «қурт дастага кирди» деб атайдиган давр бошланади.

Ипак ўраш бошланай деб турибди, агар шу пайт ипак қуртларига ёрдам кўрсатилмаса, қимматбахо ипак тоалари нобуд бўлиши мумкин.

Хайриятки, бу жараён наридан-бери бошлан-

майди. Қахрамонларимиз бир томчи оқиш бўтани суюқлиги чиқариб бу тўғрида даран берадилар. Бунинг қўриган тажрибали қурт боқувчи нима қилишини ўзи билади. У сўнчаки мингбош, читир, ёшан дасталарини, калтакли эман навалларини ташлайди. Умуман, бу ишловоти ғана — қулба деб аташа бўлади; унинг ичда, сабрсизлиқдан сўлагини оқизиб, ипак қуртлари ўзлари оруз қилган уяларини ясай бошлайдилар. Уларнинг бирлиқда пилла ўр-шларига ҳалал бериш учун баъзан қахрамонларимизга пилла ўрайдиган сунъий дасталар олдиндан ташлаб қўйилади. Гап шундаки, ипак қуртларининг баъзи турлари баланглиги 7—8 сантиметр келадиган «кооператив» пилларлар ўрайди, уларни кейин қувайтиш осон бўлмайди.

Ҳанага кирган ипак қурти, ниҳоят, узоқ қутилган ипак толали ўрашга киришади. Унинг иккита махсус сўлак бези илгариги менжайлик вақтида шу қадар шишиб катталашган бўладики, бу безлар умумий оғирлигининг бешдан икки қисмини ташкил этади. Таққослаш учун 75 килограмм оғирлиқдаги одамнинг сўлак безлари 30 килограмм келишини тасаввур қилиб кўринг-а. Бу иккита ажойиб аъзо ишга тушади. Натижада унинг тиричиликлари бир жуфт ўта ингична тола чиқа бошлайди. Қийинчилик билан базур бошланган жараён энди улзуксиз давом этади. Ипак қуртлари сурункасига уч неча-кундуз мобайнида ўзларининг сўлак безлари қопчилигини буштадилар. Бироқ, бу ўринда, шинавандаларнинг фикрлари ҳар хил. Баъзилар ипак қуртлари ўрали олиш мақсадидигина ипак чиқаради, деб ҳисоблайдилар. Бошқалар эса, ипак қуртларининг ҳаракати мақсадсиз, улар бўшаниб олиш учунгина шундай қиладилар, дейди. Уларнинг фикрича, ипак организмда ишлаб чиқариламай, балки ундан ажралиб чиқар эмиш. Қизиқ! Уларнинг фикрича, ипак ўсиш жараёнида баданга тўпланган, оқибатда ташқарига чиқиши лозим бўлган чиқинди эмиш. Ипак қурти айланган вақтда ипакни ўзига ўрайди, натижада беихтиёр равишда пилла ҳосил қилади, дейдилар.

Қурт боқувчи бўлса бундай фалсафий баҳслардан четда туради. Уни энг муҳим нарса — ипак олиш қизиқтиради. Шунинг учун у, ўзининг 30 мингта ипак қуртлари, ипак беланчака жойлашиб, ўзига ипак ўраётганини мароқ билан томоша қилади. Франция академиясининг аъзоси биолог Жан Ростан ўша ҳал қилувчи уч кун мобайнида ипак қуртлари бўйни билан 30 минг марта ҳаракат қилишини ҳисоблаб чиққан. Дарвоқе, бу биз орқа умуртқалилар учун ҳам нам ҳаракатлиги оқибати кўнбичи насали иллатидан қутулиш учун қулай йўл!

Қизиқ шундаки, бутун бир пилла биргина узун толадан ташкил толади. Ипак қуртининг олдин ёруғлик гардиши ўраб тургандек кўрасиз, кейин газ булути ва, ниҳоят, уни нуқуз туман билан чулгангандай кўрасиз. Пировадда, ипак қурти бегона назардан қутулиш учун ўз уйининг ички деворларини ёпишқоқ хира модала билан бўяйди. Пилла анчагача силкиниб туради — бу унда ҳали ҳаёт қайнаётганидан далоят беради. Ипак қуртимиз жим бўлиб, пилла ичда тобутдаги мумибланган жасаддай қимирламай ором олаётган гумбанка айлиб қолади. Яқиндагина еилаётган баргларнинг шитирлаши эшитилиб турган хонада қабристон сукунати чўқади.

Гумбанка айланган ипак қурти энди ипак қурти бўлмай қолади. Энди сўз — пиллакашлик фабрикаларига.

Фабрикада пиллани пишириш, қайта ишлашга киришади. Гумбак аъзос билан дафн этилишини умид қилмай қўя қолсин. У «саноат чиқиндиси» деган графада эсга олинади. Унинг қисмати — ахлат қўтисидир. Ипак қуртининг сўлагчи, ўраладиган рўмол, бўйинга солинадиган шарфлар, галстуклар, аёлларнинг пайпоқлари ва руҳонийлар жандасига айланган қимматбахо сўлагичина қолади, холос.

Агар қурт боқувчи уруғларини сотиш билан шуғулланмайдиган бўлса, гумбакларнинг бир нечтасигагина ўтинчи шўкратни татиб кўриш насиб бўлади. Унинг шерикларини пиллакашлик фабрикасига олиб кетилгандан икки ҳафта ўтгач, гумбак янги махлуқ — калапалка жон бағишлайди. Пиллани ёриб ёруғликка чиқиб олади. Улуғ силсила — ҳеч бир тирик жоннинг сўниб кетишига йўл қўймайдиган ҳаёт силсиласи туташади.



## Беруний

### туғилган куннинг

### 1000 йиллигига

Райхон Берунийнинг Ер айланаси узунлигини ўлчаш ҳақида айтган куйидаги сўзларини эсга олайлик: «Бу усул шундан иборатки, сен денгиз ёки текислик сатҳидан баландда жойлашган тоғнинг устига кўтарилсан, сўнгра Қўёшнинг боғишни кузатиб, уфқнинг пасайиш бурчагини топасан. Шундан кейин ўша тоғнинг баландлигини аниқлайсан, бу ҳажми уфқ пасайишининг қўшимча бурчаги — синусига кўпайтирасан. Кўпайтмани эса ўз навбатида пасайиш бурчагининг синусига тақсим қилсан. Сўнг йиғиндини ҳамма ҳалларда ҳам йиғирма иккига кўпайтир ва ҳосил бўлган кўпайтмани еттига бўл, натижада Ер айланасининг сен тоғ баландлигини ўлчagan сонларда фоландаланган ўлчови келиб чиқади».

Беруний томонидан Ер айланаси узунлигининг бундай усул билан ўлчаниши буюк кашфиёт эди, ҳозирги замон фани ҳам бунини тасдиқлайди.

Ернинг радиуси, меридиани, сатҳи ва ҳажми Беруний томонидан XI аср бошларидаёқ ўлчанган. Уша маълумотлар ҳозирги кунда ҳам ўз аниқлиги билан кишини ҳайратга солади.

Профессор Н. И. Леонов Берунийнинг ўлчаш услуби гоёта даражада янгилик бўлиб, ўлчаш натижаларидаги озгина фарқ эса, ўша даврдаги ўлчов бирликларининг нисбийлигидандир, деб изоҳлайди. Тўғри, Беруний ҳам «Ҳиндистон» асарига дастлаб Ерни шарсимон, деб фараз этади, Ернинг шар шаклига кириши оғирликларнинг Ер маркази томон тортилиши туфайлидир, дейди.

Агар Берунийга қадар яшаган олимлар фақат оғир жисмларига Ер маркази томон тортилади, енгил жисмлар Ердан узоқлашувчи ҳолатда бўладилар, деб қараган бўлсалар, Беруний бу масалага ҳам илмий нуқта назардан ёндашди, оғир ва енгил жисмларнинг ҳаммаси Ер маркази томон тортилади, деб ҳисоблади. Унинг бу кашфиёти дунё тортилиш қонунига томон қўйилган биринчи қадам эди.

Беруний Ер ва юлдузларнинг шарсимон эканини қайд этган бўлса-да, уларнинг тамоман шар шаклидалигига шубҳа билан қарайди. У «Ал-қонун ал-Масъудий» асарига: «Уларнинг шакли шарсимон бўлиши мумкин, лекин туҳум шаклида ҳам, ёсмۇқ ёки цилиндр шаклида, шунингдек, конус шаклида ёки қиррали бўлиши ҳам мумкин», деб ёзади. Унинг ана шу кейинги хулосалари ҳозирги замон фанининг нуқтаи назарига жуда яқинлашиб келади.

Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобига: «Баҳор ва кузнинг ёки қиш ва ёзнинг бир-бири билан бир вақтда алмашинув экваторнинг шимоли ва жанубидаги мамлакатлардан бошқасида содир бўлмайди», деб таъкидлайди.

Берунийга қадар ўтган олимларнинг жуда кўпчилиги экваторнинг жанубида қуруқликнинг борлигига шубҳа билан қараганлар.

«Эҳтимол,—деб ёзган эди Беруний «Ҳиндистон»да,—Ер чоракларидан бўлган икки чорак қуруқликка диаметрль қарама-қарши қуруқлик бордир. Шунингдек, сув остида кўмилиб қолган бошқа икки чоракнинг ҳам бир-бирига диаметрль қарама-қарши бўлиши зарурдек кўринади».

Шимолий икки чоракка диаметрль бўлган чораклар Жанубий ярим шардаги иккита чоракни

эслатади. Бу чоракларда эса, Жанубий Америка, Австрали ва уларга яқин бўлган ороллар, шунингдек, океан ва денгизлар жойлашгандир. Буларнинг ҳаммаси улғў мутафаккир Беруний жанубий ярим шардаги қуруқлик ва денгизларни XI асрлардаёқ илмий ҳамда назарий жиҳатдан кашф этган, дейишимизга тўла асос бўла олади.

Яқинда Американинг кенг жамоатчилиги европалик Лейф Эрикссоннинг тахминан минг йилча илгари Шимолий Америкага тегишли ороллардан бирига бориб келганлигини нишонлади. Шу муносабат билан Берунийнинг юқорида келтирилган илмий-назарий хулосалари янада кўпроқ аҳамиятга моликдир. Унинг табиатга доир талай ишлари ҳам жаҳон фани хазинасига қўшилган ажойиб дурдоналардир.

Берунийнинг материя, Ернинг ҳаракати, Қўёшнинг марказлиги ҳақидаги таълимоти, оғир ва енгил жисмларнинг Ер марказига тортилиши, жисмларнинг эркин тушиши, солиштирма оғирлик, денгиз сувининг кўтарилиши ва пасайиши, суёқликлар гидростатикаси, инерция, об-ҳаво, иқлимнинг нур тушиш бурчагига боғлиқ бўлиши, сувнинг иссиқдан кентайишдаги алоҳида хусусияти, иссиқликнинг жисм ҳаракати баробарида мавжудлиги, магнитизм, қаҳраби (электр), ёруғлик, ёруғликнинг тезлиги, Ой ва Қўёш тутилиши, камалак, Ой гардиши, линза, ёруғликнинг квант хоссаси, ирсият ва муҳит, ўсимлик ва ҳайвонларнинг табиий танланishiлари (яшаш учун кураш) сингари ва бошқа фанларга тааллуқли жуда кўп назариялари ҳозир ҳам дярли ўз кучини йўқотмаганлиги ҳайратомузидир.

XI асрнинг бошларидаёқ ҳинд олимлари Берунийни илмлар денгизи, деб шарафлаган эдилар. «Улғў новатор Беруний,—деб ёзади академик С. П. Толстов,—масани бир қатор ҳал қилувчи масалаларида ўз давридан 500 йилларга, балки ундан ҳам кўпроқ олдинга кетган».

Шубҳасиз, Беруний жисмларнинг Ер марказига томон тортилиши ҳақидаги таълимотини ёқлаган ва геллоцентрик назария тарафдори бўлиб Коперникнинг кашфиётини олдиндан кўра билган. У ўсимликлар ва ҳайвонлар орасидаги табиий танланиш тўғрисидаги мулоҳазаларида Дарвин кашфиётига яқин фикрларни баён қилган.

Улғў ватандошларимизнинг асрлар бўйи ўтмиш зулматида кўмилиб келган бой илмий ва маданий меросларини ҳақиқий ўрганиш фақат Октябрь инқилоби шарофатидангина рўёбга чиқди.

Беруний меросини ўрганишда Х. Абдуллаев, С. Толстов, И. Крачковский, Т. Қори-Ниёзий, Н. Леонов, Г. Матвеевская, Ф. Жалолов, М. Салье, В. Воҳидов, О. Файзуллаев, В. Шчеглов, Р. Мамедбейли, Б. Розенфельд, Х. Хасанов, А. Расулов, Ф. Зикриллаев каби атоқли олимларимизнинг ҳизматлари қата. Абу Райхон Беруний жаҳон фани ҳамда маданиятга қўшган буюк ҳиссаси билан, шубҳасиз, совет фани ва бутун совет кишиларининг фаҳри, ифтихори бўлиб қолади.

Тошпўлат УСМОНОВ,  
Ўзбекистон Педагогика  
фанлари илмий-тадқиқот  
институтининг илмий  
муҳбири



## ЯНГИ ТЕРМАЛАР

Қўлга эккан ниҳолим  
Усиб, етук тут бўлди.  
Ленин шарофатидан  
Рўзгоримиз бут бўлди.

\* \*

Зог учмаган бўз, сахро  
Бог бўлди, бўстон бўлди.  
Лениннинг таълимоти  
Жаҳонга дoston бўлди.

\* \*

Оқди улғў партия  
Булоқларнинг кўзини.  
Жумла жаҳон тинглайди  
Бугун Ленин сўзини.

\* \*

Гулзоримдан гул тердим,  
Нақошлик сеҳри билан.  
Ўлкам гуллаб-яшнади  
Партиям меҳри билан.

\* \*

Обид ҳазина топдим  
Сирдарё ёқасидан.  
Обод бўлди Мирзачўл  
Лениннинг даҳисидан.

\* \*

Обод қилдим гул экиб —  
Янги ҳовли сатҳини.  
Тилдан асло қўймайман.  
Партиямнинг мадҳини!

\* \*

Қўлимда соз — рубобим,  
Бахтим қўйлаб чертаман.  
Партиямиз бор экан —  
Мақсадимга етаман!

Фаргона область Киров районидagi «Москва» колхозининг аъзолари М. ҚОДИРОВА ва З. ТОЖИМАТОВАДАН  
К. УЗОҚОВ ёзиб олган





## Нодир

### саҳифалар



## МУҲАММАД БАЙРАМ

Туркман халқининг XVI асрда яшаган хассос шоири Муҳаммад Байрам ўз даврининг юксак маданиятли кишиси бўлган. Унинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш сўнги вақтлардагина бошланди. Утган йили «Туркманистон» нашриёти шоирнинг ғазал ва рубойларини биринчи марта алоҳида китоб қилиб чиқарди.

Муҳаммад Байрам Ҳиндистонда яшаб, туркий, ҳинд ва форс тилларида ғазаллар, рубойи, маснавий, қиъта ва фардлар ёзган. Ҳинд олимни Ҳакимали Кавсар Чандлурининг Аграда босилган «Туркман фарзанди Муҳаммад Байрамхон» деган китобда шоирнинг ҳаёти ҳақида кўп маълумотлар берилди. Байрамнинг авлодлари темирйиллар даврида ҳарбий хизматда. Бобоси Шералибек эса Ҳусайн Бой-

қаро хизматида бўлган. Шоирнинг ўзи маълум вақт Бобир лашкарида хизмат қилиб, Бухоро ва Самарқандни ҳам бир неча бор кўрган, бу ердаги илм ва адабиёт ахли билан мулоқотда бўлган.

Туркман олимлари Руҳи Алиев, Мати Қўсаевнинг таъкидлашича, Муҳаммад Байрамнинг туркий тилдаги ижодида Алишер Навоийнинг таъсири кучли. Шу билан бирга, унинг тили содда, халқ ижодига жуда яқин. У ҳақиқий дунёвий ишқни, содда калб ҳисларини куйлайди. Шоирнинг ўғли Абдураҳим ҳам талантли шоир бўлган, турк, араб, форс, санскрит тилларини билган. У машхур «Бобирнома»ни форсчага таржима қилган.

Қуйида Муҳаммад Байрамнинг асарларидан баъзи намуналар бердик.

Эй, чамани жон аро сарви хиромонгинам!  
Умр гулистонида гунҷан хандонгинам.

Кўзга мени илмаган, бир назари қилмаган,  
Кўнглим олиб билмаган, дилбари нодонгинам.

Ҳам ўзи яхшигина, ҳам кўзи яхшигина,  
Ҳам сўзи яхшигина ёри суҳандонгинам.

Эй, юзи гул-гулгина, вей сочи сунбулгина...  
Қилма тағофилгина, бўлма пушаймонгинам,

Эй, қадди чобуқкина, вей лаби нозикина,  
Вей, сўзи ўтруқкина, ваъдаси ёлгонгинам.

Воситаи давлати васлинг агар бўлмаса,  
Меҳнати ҳижрон аро чиққусидир жонгинам!

Ёр дарди жони беморимда бўлғай кошки!  
Жисми озори тани зоримда бўлғай кошки!

Гул юзини кўргунча ранжу осебдан<sup>1</sup> бетоб ранг,  
Юз тикан бу чашми хунбаримда бўлғай кошки,

Заҳматиким ундадир, қош ул манга бўлғай насиб,  
Сиххатиким мендадир, ёримда бўлғай кошки.

Унда бўлган дард бўлғай менда, лекин дарди ишқ,  
Андаки<sup>2</sup> ёри жафोरимда бўлғай кошки.

Байрам, ул ойнинг ҳар озори ҳаётидир манга,  
То тирикмен, банди озоримда бўлғай кошки!

Етмасин осеб деб, сарви хиромоним, санга,  
Этмасин боди хазон, гулбарги хандоним, санга,

Бошинга ўрулса жони нотаваоним, не ажаб,  
Чун тилайдир садқа бўлмоқ нотаваоним санга.

Йўқ санга хушлик тирикликдан, на дилхушлик манга,  
Топширай энди ҳазин жонимни, жононим, санга.

Йўқ дурур, билло, малонинг эшитарга тоқатим,  
Етмасин ногоҳ малол анғиз афгоним санга.

То сани бетоб эшитдим, бас, паришон ҳолман,  
Воҳки, зоҳир ўлмади ҳоли паришоним санга.

Ҳар жафо бўлса, мени бетобга бўлсин насиб,  
Йўқ дурур, билло, малонинг эшитарга тоқатим,

Лабларинг васфиди Байрам шеърдир оби ҳаёт,  
Сиххати берсин илоҳо, оби ҳайвоним, санга!..

На дин ғамидин дами паришондирман,  
На куфр ҳужумидин ҳаросондирман<sup>3</sup>.  
Бутхонаю масжид манга яқсон кўрнур,  
Гўёки на кофир, на мусулмондирман.

Нашра таъйёрловчи Ҳаким ХУҶАЕВ

<sup>1</sup> Қайғу-ғам

<sup>2</sup> Зарраси.

<sup>3</sup> Ҳаросон — қўрқоқ.

## ХЕМИНГУЭЙ КУБАДА

Эски Гавананинг Обисло кўчасидан Утар экансиз «Амбос Мундос» меҳмонхонасининг айвонида шундай сўзлар ёзилган тахтага назарингиз тушади: «Бу ерда Эрнест Хемингуэй яшаган», «Флоридита» қаҳвахонасига киргундай бўлсангиз у яхши кўрадиган бурчакка ўтириб, майдаланган муз, лимон, ром, бир неча томчи ликер аралашмасидан иборат унинг шаънига «Отахон» деб номланган коктейл буюришингиз ҳам мушкун.

Бундан ташқари, 141-автобусга ўтириб, шофёрга «Ла-Вихия» деб таяинласангиз бўлди. (Тўғриси, Гаванада бу оловани билмайдиغان одам ҳам йўқ.) Автобусдан тушганингизда қаршингизда Хемингуэй музейи икки километр нарида экани ёзилган йўл кўрсаткич турибди.

Бу ердан девярли бутун Гавана кўринади. Баландлик. Шунинг учун ҳам «Ла-Вихия» утган асрда Испанияга қарашли ҳарбий қалъа эди. Кейинча у вилла — қорбоғ бўлиб қолган. 1939 йил уни Хемингуэй инарага олиб яшай бошлади. («Кўнгироқ ким учун чалинмоқда» ро-

мани босилиб чиққач, бутунлай сотиб олди.) «Ла-Вихия» испан тилида «Қоровулхона», «Соқчилик минораси» демандир.

У ерда ёзувчининг етти минг нитоблик каттагина нутубхонаси ҳам бор эди. Шунинг ҳам айтиш керакки, Хемингуэйнинг ўзи, суахили тилини ҳам қўшганда етти тилда гаплаша оларди.

Уз вақтида «Ла-Вихия» вилласи ижод учун жуда қулай жой бўлгани аниқ. Лекин кейинча у ер тореодорлар, спортчилар, актёрлар жуда кўп қоладики нотинч жойга айланиб қолди. Шундан сўнг дарвозадан: «Кириш ман этилади. Фақат олдиндан келишилсагина руҳсат берилсади» деган эълон пайдо бўлди.

«Мен яна бу ерга қайтиб келганимдан гоят мамнунман, чунки узимни кубалик деб биламан,— деб ёзган эди Нью-Йоркдан Гаванага келган америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуэй.— Чет элларда чиқайтган ва Кубага қарши қаратилган бирорта ҳам хабарга ишонмадим. Мен Куба революциясига ихлос билан қарайман ҳамда бизнинг барча ўйинчиликларимизни тушунаман.— У «Бизнинг» сўзини алоҳида қайд қилди. Адиб яна шундай деди:— Мени яқин ҳисоблашларини хоҳламайман».

...Хемингуэй Сан-Франсиско-де-Пулауга келганида шаҳар аҳолиси унга Куба байроғини тақдим этди. Кенса ёзувчи байроғни ўлди. Бу пайтни кўлдан бой берган фотографлар яна тақдорлашгани илтимос қилганларида, адиб байроғни чин қалбдан ўпганини айтиб, тақдорлашга рози бўлмади.



## ОЙДА КИСЛОРОД

Ойга борган одамлар ҳаво таъсилигидан қийналишлари мумкин, албатта. Қоялар, жарликлар, унгириллардан иборат Ойда ҳавони қандай топса бўлади? Олимлар Ойдан келтирилган тошлардан газсимон кислород ажратиб олишга муваффақ бўлдилар. Улар 20 килограмми тошда бир киши бир неча кундуз нафас олишга етгулик кислород мавжуд, демоқдалар.



## ИЛОН АСРАБ ҚОЛДИ

Бенгалияда чиқадиган «Пайгом» газетасида қизиқ бир ҳодиса тўғрисида хабар босилди. Шарқий Покистондаги қирғоқ районларидан бирдаги қишлоқда тўққиз яшар бола тошчиндан қочиб дарахтга чинибди. Паноҳ излаб шу дарахтга катанон илон ҳам чинибди.

Беш кундан кейин сув қайтибди. Деҳқонлар дарахт танасида илон чирмаб турган болага кўзлари тушибди. Улгандир, деб ўйлашди. Лекин тири экан. У ҳам кўриганидан, ҳам очлигидан эси оғиб қолган экан. Илон йўгон шохга чирмаб, уни йиқилиб ҳалок бўлишдан асраб қолибди.

## ТУФОН НИМАДАН КУЧ ОЛАДИ?

Рост-а, тўфон шу қадар зўр кучни қабқдан олади? Турли замонда яшаган олимлар бу саволга турлича жавоб қайтарганлар. СССР Фанлар академияси Денгиз гидрография институтининг В. В. Шулейкин раҳбарлигидаги илмий ходимлари тропик тўфонларнинг янги энергетик назариясини ўртага ташладилар. Бу назария бўйича тўфонлар гўё иссиқлик «машинаси» сувида қанча кўп иссиқлик олса, шунчалик зўради.

Таърибалар кўрсатдики, сув юзасида иссиқлик 28 дарамнадан ошмаса, тўфон пасадаи, агар юқори бўлса денгиздаги матрослару қирғоқдаги одамларнинг шўри кўриди деляверинг.

Бу янги назария исботланди ҳам. 1969 йили Қариб денгизида содир бўлган дахшати «Камилла» тўфони ҳар йилги вайронгарчиликлар «ўртача норма»сига қараганда бир ярим ҳисса хавфли ва дахшатлироқ бўлган. Денгиз сувининг иссиқлиги ўшанда 32° эди.

## — ЕШИНГИЗ ҚАНЧАДА? — 195 ДАМАН

Қадимги греклар (пелазга қавми) 70 ёшда Улиш — бешиқдаликда Улиб кетишдай гап, деб ҳисоблардилар. Платон ва Пифагор пелазгалардан бўлиб, камида 200 йил умр кўрганлар, охириги кунларигача кучдан қолмаганлар, сочларига ҳам оқ ораламаган.

Буюк табиб Гален 140 йил яшаган. Сократ 106 ёшида ҳалок бўлган (агар суд ҳукмига биноан у заҳар ичмаганида, ўзининг иккинчи асрини бемалол яшаган бўларди). Софокл бўлса 130 га кирган. Плиний бир машшоқнинг 150 ёшда ҳам худди 50 га киргандай навиқрон эканини хабар қилди.

Ворикширда 1500 йилда туғилган Эленнинг исми киши 170 га кириб оламдан ўтди. Томас Парр деган одам 1588 йилда Лондонда туғилиб 152 йил умр кўрди. 147 йил бир ёстиқча бош кўйиб оилавий рекорд кўйган эр-хотин ҳам бўлган. Эри 173 ёшида, хотини 184 ёшида оламдан ўтган. Улар ўзларининг «бриллиант» тўйларини нишонлашлариға оз қолган эди.

Эрондаги Келуса қишлоғида Саидали исмли бир киши бор. Ундан:— Ешингиз қанчада?— деб сўраганларида:

— 195 даман.— деб жавоб қилган.

Унинг гапига қараганда 1790 йилда ўланган экан. Саидали бобонинг катта ўғли 120 ёшида вафот этибди. Унинг яна тўртта фарзанди бор. Бир ўғли 105 да, иккинчи 90 ёшда, катта қизи 110да, кичиги 80 ёшда. Саидали бобо ҳали бардам, кўзига кўзойнақ тўзмайди, зарурат ҳам сезмайди.

## ТУЯҚУШ ПОЧТАЧИ

Ботеваннинг Чачва ва Кучва деган жойларида телефон алоқаси йўқ. Автобус ҳам юрмайди. Пиёда юриш учун ораси узоқ—Янгирма километр, Чачва ва Кучва аҳолиси шаҳарлараро алоқаси маҳаллий шароитни ҳисобга олганлари ҳолда ўзларича ҳал қилишди. Улар туяқушни қўлга ўргатишди. Туяқуш бўйинига мантублар солинган тўрвани осишадан, кўзиб юборишадди. Янгирма минут ўтарўтмас фалати почтачи чанг-тўзон кўтариб тайинланган жойга етиб боради.

Айтишларига қараганда туяқушга пул переподларини ҳам ишониб топширишар экан. Қўшнинг ҳалоллигига шубҳа йўқ.

# КАРМАТАК

## СОЛДАТ ЮМОРИ

ФРОНТ ГАЗЕТАЛАРИДАН

Икки синглим билан учовимиз тўлиқ бир тўп расчёти ташкил қилсак бўлади: бир синглим тоқар, снаряд тайёрлайди, иккинчиси шофёр, уларни фронтга етказиб туради. Фрицни «сийлаш» эса — биздан...

\*\*\*

— Адольф, ака-укаларинг олдиға қачон бормоқчисан?

— Э, гапирма, Эрнст! Уларнинг олдиға бир зумда кетиб қолишим ҳеч гап эмас.

— Улар узоқдами?

— Нариги дунёда.

\*\*\*

— Уйдан қанақа хатлар оляпсан, Фриц?

— Жуда ҳам мазмунсиз хатлар. Адресу имзо. Қолганини цензура ўчириб ташляпти.

ЧЕТ ЭЛ ЮМОРИ

— Ҳамшира, беморға валерианка бериб ҳўшиға келтиринг. Даволаганим учун у билан ҳисоб-китоб қилиб олишим керак.

\*\*\*

Врач:— Агар сизға операция зарур деб топилса, тўлаша пулингиз борми?

Бемор:— Бордию, тўлагани пулим йўқ, деса, операцияни зарур деб топарминдигиз?

# ЛОФЛАР

Лофчи шоирлар учрашиб қолишибди:

— Кечаси шеър ёзаётиб, «кучуқка «мушукни» қофия қилган эдим,— дебди биринчи шоир,— бирдан иккаласи тирилиб, уришиб кетса бўладим!

Иккинчи шоир мийтигда кулибди:

— Эрталаб масал ёзатуриб, «арспом»ни «кўён»ға қофия қилган эдим, арслон тирилиб, кўённи бир ямлаб ютди-қўйди. Энди «арспом»ға бошқа қофия қидириб юрибман!

\*\*\*

— Қўшнимизнинг боласи отарчи бўлади-ганга ўхшайди. «Инга-инга» дейиш ўрнига «танга-танга» деб йиғляпти.

— Менинг қўшнимнинг ўғилчаси порохўр бўлиб етмашди, чамамда. Боласи тўшмагур нуқул «манга-манга» деб йиғляпти.

\*\*\*

Техник лофчи мақтанибди:


— Бир робот ясаган эдим. Жуда зўр чиқди. Ҳар кунни ўғлимни боғчага олиб бориб, кечкурун яна уйга олиб келади.

Таксичи лофчининг энаси қотибди:


— Сизнинг роботингиз мен ясаган роботнинг олдида ип эшолмас экан. Менинг роботим ўрнимага такси ҳайдапти. Икки ҳафтада туппа-тузуқ шофёр бўлиб қолди. Фақат топшининг мазаси кўкроқ.

Маҳмудхон ВАЛИХОНОВ.  
Қўзон





Читтак



Таслим, хотин!




— Бюллетень чўнтакда


Унинг номи ҳаммагизга таниш, чизган расмларини газета-журналларда кўплаб нўргансиз, кўриб туриб лабингизга майин табассум ёйилган.

Наримон Иброҳимов йигитчилигидаёқ ўз ихтиёри билан фронтга отланиб, Улуғ Ватан урушида қатнашган. Урушдан сўнг ўқиди, газетада ишлади. Биринчи ҳажвий расми 1956 йилда «Муштум» журналида эълон қилинади. Ушандан бери у юзлаб ҳажвий расмлари, турмуш, халқаро аҳвол мавзuidaги сатирик плакатлари, юмористик расмлари билан матбуотда қатнашиб турибди.

Ҳозир Наримон Иброҳимов «Муштум» журналининг бош рассоми.



Изоҳнинг ҳожати йўқ.



— Мен бошлиғининг итиман! Нега хўжайинга гушт торганда суяк қўшмайсан!





СССР спорт мастери  
М. МУҲИДИНОВ  
тахрири остида

#### МАФТУНКОРЛИК ШУНЧАЛИКДА!

Қадим замонда иккита шахматчи ўтган экан. Улар ҳафтада бир марта мусобақалашар экан. Лекин бир-бирини ҳеч енга олмас экан. Галдаги ўйин ҳам тугамабди. Қош қорайган уй-уйига тарқашибди. Шахматчилардан бири йўл-йўлакай ҳаёлида тузган режаларини тахтада текширишга киришибди. Отни берса мот қилиши мумкин экан. Қувонганидан кечаси билан ухламай чиқибди. Эрта азонда дўстининг уйига етиб келиб, дарвозадан чакира бошлабди. Рақиби ичкаридан туриб: «Боравер, йўлингдан қолма! Бари бир отингни олмайман!» дермиш. У ҳам кечаси билан қолган ўйинни таҳлил қилиб чиққан экан-да. Ҳа, шахмат ана шундай мафтунокор нарса!


Шахмат тактик воситалари орасида икки ёқлама зарба бериш усули кўп қўлланилади. Бундай ҳолларда рақиб ҳужум остида қолган инкала донасини бир вақтнинг ўзида кўриқлаб қолиши маҳол.

Диаграммадаги позиция Петросян — Симагин (Москва, 1956

йил) учрашувда содир бўлган эди. Томонларнинг кучи тахминан баравар: оқларнинг бир фили ушбу позиция замирида ётган имкониятлардан моҳирона фойдаланиб, ўз афзалликларини ошкор этади: 1. Фg2 — a8 + Крf8 — g7 2. Ch2: e5 +! Фd6: e5 3. Фa8 — h8 +! Крg7: h8 4. Кd5: f7 + Энди бир оти ортиқ онлар ютади-да, албатта, Кетмакет берилган икки ёқлама зарбаларнинг кучини қаран!

Бунинг ўрнига оқлар бундай ўйнаса-чи: 1. Кg5: f7. Кўриб чиқинг-а.

Икки ёқлама зарбадан қутулиш учун рақиб шунга ўқшаш зўр восита топиши керак. Бошқача иложи йўли: таҳлилга таҳлилга билан жавоб бермаса, иш мушкул девяеринг.



Журналнинг 3-сонида берилган этюд бундай ечилиди: 1. Фb5 +! (1... Ф: b5? бўлса, 2. Кf6 ×), 2. Лfe1! Сb4 3. Кf6 + Крf8 4. К: d7 + Л: d7 5. Фе5!

#### 4 СОНДА БОСИЛГАН «ФУТБОЛ» КРОССВОРДЛАРИНИНГ

##### ЖАВОБЛАРИ

Энига: 4. Бутусов. 7. Тренер. 8. Тостаю. 10. Балл. 11. Адо. 12. Вава. 15. Калоев. 16. Ройқоз. 18. Федотов.  
Бўйига: 1. Дублер. 2. Мур. 3. Войнов. 5. «Уралмаш». 6. Казаков. 9. Эду. 13. Ченчер. 14. Вобров. 17. Лоу.


Энига: 1. «Сантос». 3. «Динамо» (Тбилиси). 7. Солохо. 8. «Аралат». 10. «Монако». 11. «Гурник». 12. Суринам. 14. «Бенфита». 15. «Ани». 16. Чез. 17. Колумбия.

Бўйига: 2. Сабо. 3. «Дожа». 4. «Сокол» (Ташкент). 5. Манга. 6. Камерун. 9. Мексика. 13. «МАСК». 14. «Вайя».

**МУҚОВАЛАРДА.** Биринчи ва тўртинчи бетдаги «Ташкент баҳори» композициясини расмоз Эркин Охунов чизган. Иккинчи бетда: Энергетикамиз одимлари. Учинчи бетда: халқ қаҳрамон фарзандларини нутумайди.

Д. БАЛТЕРЬМАНЦ ва С. БЕЗНОСОВ  
фотолари

## ЧАЙНВОРД-КРОССВОРД



#### ЧАЙНВОРД

1. Ўзбек аёлларидан биринчи радио диктор. 2. Ленин мукофоти лауреати унвонини олган биринчи ўзбек олими. 3. Ҳиндистонга биринчи марта сув йўлини очган сайёҳ. 4. «Жамила» повестининг муаллифи. 5. Озарбайжон халқининг шoirи, драматурги ва намоот аربоби. 6. XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб икдор этган ўзбек шоираси. 7. Бир нечта ёзувчиларнинг асарларидан ташкил топган тўплам. 8. Беш достонни ўз ичига олган асар. 9. Биринчи ўзбек профессори. 10. Тарихий воқеаларни хронологик изчилликда баён этувчи асар. 11. Фарғона водийсидagi шаҳар. 12. Ленинграддаги дарё. 13. Жанубий Америкадаги дарё. 14. Спентаклда танаффус. 15. Биринчи космонавт аёл. 16. Вайкал кўлидаги шаршарадан бошланувчи дарё. 17. Биринчи ўзбек совет генерали. 18. Коми АССРнинг пойтахти. 19. Европанинг энг баланд тоғи. 20. Пойтахти — Лима. 21. «Назир отанинг газаби» шеърининг муаллифи. 22. Қорақалпоғистон АССРнинг пойтахти. 23. Дунёда биринчи академик аёл. 24. «Йўлчи юлдуз» драматик муаллифи. 25. Пойтахти — Лагос.

#### КРОССВОРД

Бўйига: 1. Кимёвий элемент — гидраргирум. 2. Европадаги энг катта дарё. 5. Заҳарли илон. 6. Белоруссиянинг пойтахти. 9. Жўшқин ва ҳаяжонли нутқ. 10. Мисраларда қўяйдан кейин тақрирланиб келадиган бир хил сўзлар. 13. Қадимги ион элосининг қаҳрамони шарафига аталган кимёвий элемент, 14. Франциянинг пойтахти. 17. Венгрия территориясида оқадиган дарё. 18. Афғонистондаги шаҳар. 21. Мароқашнинг пойтахти. 22. Болгариянинг пойтахти.

Энига: 3. Франциянинг «Марквий массиви»да жойлашган шаҳар. 4. Пойтахти — Леопольдвиль. 7. Мисраларнинг охирида келадиган оҳангдош сўзлар. 8. Мамлакатимиз чегарасидаги қалъа. 11. Шарқ классик адабиётида кенг тарқалган лирик жанр. 12. Марказий Осиёнинг гарбидagi тоғ. 15. Италиядаги шаҳар. 16. Пойтахти — Копенгаген. 19. Пойтахти — Байрут. 20. «Халокат» романининг муаллифи. 23. Абдулла Қаҳҳорнинг романи. 24. «Шайбонийнома» асарининг муаллифи.

Тузувчи Турғунбой ОРИПОВ

Бош редактор — Асқад МУХТОР.

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Уктаб ОРИПОВ, Эмиль РУЗИБОВ (бош расом), Ваҳоб РУЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУҲАЕВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Муҳаммаджон УРОЗБОВ.

«Гулистон» — общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Корректор Т. БАҲРОМОВ.

Техредактор М. ЕФИМОВА.

Адресини: Ташкент, 47, Карл Маркс кўчаси, 30 уй. Редакция телефонлари: Бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 33-35-90 иттимоий сийсий бўлим — 33-38-02; адабиёт ва санъат бўлими — 33-35-19; фан ва маданият бўлими — 33-35-19.

Босмахонага туширилди 12/IV-71 й. Босинга рўхсат этилди 12/V-71 й. Қоғоз 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Ҳажми 4 босма тобқ. Р-12714. Вуюртма 473. Тиражи 174736. Ваҳоси 30 т. Нашр. А—3569.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Ташкент.





Халқ ўз қаҳрамон фарзандларини унутмайди.



